Тоҳир МАЛИК

СОМОН ЙЎЛИ ЭЛЧИЛАРИ

фантастик қисса

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент—1979

Уч ака-ука уч томонга қараб кетган йўл қаршисидан чиқишибди. Ўйлай-ўйлай шу ерда ажралишга қарор қилишибди. Катталари «Борса келар», деб ёзилган йўлга, ўртанчаси «Ё келар, ё келмас» деганига, кенжаси эса «Борса келмас», деб кўрсатилган йўлга қараб равона бўлибди. Кенжа ботир йўл юрса ҳам мўл юрибди, қуриган қудуқларга қараб чанқоғини қондирибди, ушоғи ҳам қолмаган тўрвасига тикилиб қорнини тўйдирибди. Озиб-тўзиб кетса ҳам ортга қайтмабди. Охири узоқ йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳар остонасига етиб борибди. Шаҳар дарвозаларию баланд деворлари гўё ёниб турар эмиш. Кенжа ботир шаҳар ичкарисига кириб ҳайратдан ёқа ушлабди. Бу ерда на бир тирик жон, на бир кўкат, на бир дарахт бор, ҳамма нарса ёниқ тошга айланган эмиш.

(Ўзбек халқ эртакларидан)

Лайлатулқадрнинг таёқчаси кимгаки тегиб кетса, у одам тилаган тилагига эришар экан.

(Бувамнинг ҳикояларидан)

Т 70303 — 149 / 356 (01) — 79 — 48 — 79 4702570000

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1979.

МУҚАДДИМА

Уларнинг чорбоғлари бир-бирига туташ, девор ўрнига қатор олча экилганди. Чиройда тенги йўқ бўлиб етишиб бораётган сарвқад қиз ҳам, паҳлавон келбатли йигит ҳам қош қорайиб, уйдагилари уйқуга кетгач, шу олчалар пойига ошиқар эдилар. Бу тун нечундир йигит ҳаяллади. Қиз баргларнинг сирли шивирлашига қулоқ тутиб узоқ ўтирди. Барглар шабадада шунчаки титраяптимикин ёки ўзларининг тилида суҳбат қуряптимикин? «Суҳбат... Ҳамма ўзича гаплашади. Ҳайвонлар ҳам ўзича тиллашади. Одамлар уларнинг сўзларига тушунмайдилар. Бу худонинг иродаси. Аммо... бир хил тилда сўзлашувчи одам зоти ҳам баъзан бир-бирини тушунмай қолади-ку? Бу ҳам тангрининг иродасимикин ё одам зотининг ақли қосирлигими? Ажаб... Белга уриб қолган ўт-ўланлар ҳам сўзлашаётганга ўхшайди. Балки улар ҳам бир-бирини яхши кўрар, розини айтар... Йўғ-е, ахир улар жонли эмас-ку? Нимага, у бечораларнинг ҳам жони бор. Баҳорда кўкаради, ёзда яшнайди, кузакда эса қурийди. Ўладими, демак жони бор. Фақат умри қисқа. Дунёнинг яралиши ажабтовур... »

Шарпа сезилиб қизнинг хаёли бўлинди. Унинг кўзлари йигитни қоронғида ҳам илғашга кўникиб қолган...

Улар кичкина ариқ лабига ўтирдилар. Жим қолдилар. Йигит хўрсиниб қўйди. Ошиқ-маъшуқлар фақат

бир-бирларига термилиш, хўрсиниш учунгина фурсат танламайдилар. Юракларидаги сурур кўп ҳолларда андишадан устун чиқади. Аммо бу тун йигит қалбидаги, вужудидаги ғалаён жиловда. Унинг ичига чироқ ёқса ёримайди. Шу боис жимгина, майлини сукутга бериб ўтирди. Ниҳоят, йигит сўз очди:

— Янгиликни эшитганингиз бордир?

— Қулоғимга чалинди,— деди қиз.— Бу қарорнинг сабабини тузук англамадим.

— Биз, акам-отам, учовлон бўлиб не заҳмат билан безак ишласаг-у, роҳатини бойтоға кўрса? У безакларни подшоҳи оламга ўз номидан ўтказар экан. Бойтоғанинг қўлидан ҳеч бир иш келмаслигини била туриб унга таҳсинлар ўқийдилар, зарга ўрайдилар, марҳаматларини аямайдилар. Бизнинг оҳимизни ҳеч бир зот эшитмайди. Энди бўлак шаҳристонга кетамиз.

— Мени ўйламайсизми?

— Отамга айтишни ихтиёр қиляпман. Аммо сиз томондан бўладирган ризоликка умид йўқ. Ризо бўлишармикин?

— Невлай?

Яна жим қолишди. Ариқдаги сув шилдирамайди. Гўё кўкмак ўтлар қилвир қўллари билан сувни жиловлаб, бўғзига чанг урганлар.

Қиз ҳам, йигит ҳам орзу-умидларининг бир умр амалга ошмаслигини яхши билишарди. Айниқса қизнинг акаси бойтоғанинг тўнғичини бўғизлаб қўйгач, тақдирнинг аёвсиз амри олдида тиз чўкишдан ўзга чоралари йўқлигини англаб етдилар. Бойтоға фарзандининг қони учун хун талаб қиларди. Қизнинг отаси бор мулкини беришга тайёр эди. Аммо бойтоға мулкка муҳтож эмас — хун эвазига қотилнинг синглисини олмоқчи эди. Унинг ўғли шу қизга етишаман, деб ножўя қадам ташлаб, нопок нияти учун жонидан жудо бўлган эди. Не ажабки, бойтоғанинг илинжи ҳам шу қизда экан. Ёруғ оламда бундан зиёд қабиҳлик йўқдир. Ошиқ маъ-

шуқлар бойтоғанинг талабларидан огоҳ бўлсалар-да, бу хусусда сўз очмайдилар. Ҳар бири пинҳона дард чекади. Бу дилпоралик етишмагандек бугун йигитнинг отаси ўзга шаҳристонга кўчишни ихтиёр қилди...

Қиз тиззасини қучганича юлдузларга қаради:

— Юлдуз учяпти,— деди у синиқ овоз билан.

— Кимнингдир жони узилди,— деди йигит осмонга қараб олиб.

— Қаранг-а, у ўчмаяпти.

— Ҳа. Ўчмаяпти. Воажаб! Не сир экан?

Улар кўзларини узмай учар юлдузга қараб қолдилар. Шабада турди. Қиз сесканди. Йигит уни бағрига олди.

— Қўрқяпман,— деди қиз.

— Катта одам ўляпти шекилли,— деди йигит,— жон бериши оғир ўтяпти.

Учаётган юлдузнинг фалакда қолдираётган нурли изи тобора катталашиб борар, сўнишидан дарак йўқ эди. Яна бир қанча фурсат шундай ўтирдилар. Кейин қиз қўрқиб уйи томон кетди. Йигит ҳам изига қайтди. Айвон устунига суянганича юлдузга тикилиб турди. Сўнг акасини, отасини уйғотди. Улар ҳам ҳайрат билан узоқ вақт туриб қолдилар. Бу орада шаҳар аҳли аста уйғона бошлади.

Ярим тунда ёнар юлдуз анча катталашган, шаҳристонда саросима бошланган эди. Одамлар кўчаларга чиққан, гулханлар ёқилган, ибодат ва илтижо авжида эди. Шамол ҳам кучайиб чанг-тўзон кўтарилганди.

Юлдуз катталашгач, унга қараш мумкин бўлмай қолди. Одамлар орасида «Қуёш узилиб тушяпти», деган ваҳима тарқалди. Юлдузнинг катталиги бир қулочга етганда нимадир қаттиқ қарсиллади. Ер қимирлади. Ҳаммаёқ ёришиб кетди. Шаҳристонни дод-фарёд босди. Ер янада қаттиқроқ силкинди. Дарахтлар қирсиллаб, эгилиб бораверди. Дам ўтмай замин мавжланаётган денгиз тўлқини сингари чайқала бошлади. Бир

нафасда тубсиз жарликлар пайдо бўлди. Қандайдир бир куч мажнунтолга ўхшаб қолган дарахтларни илдизи билан қўпориб ташларди. Ерга яқинлашаётган юлдузнинг ёруғи кўзларнинг нурини кесди. Ҳаммаёқ сариқ тусга кирди. Яна нимадир қаттиқ қарсиллади. Шу тобнинг ўзида чор атроф бирдан жимиб қолди. Дод-фарёдлар тинди. Паноҳ истаб югураётган, бир-бирининг пинжига кириб дир-дир титраётганлар ҳам, бешигини маҳкам қучган аёл ҳам, босиб тушган айвон остида қолган онасини тортаётган йигит ҳам — ҳаракатдаги буткул жондорлар, ҳатто дов-дарахтлар ҳам тошдек қотдилар. Фақат бир нарсанинг кучли гувиллаши узоқ эшитилиб турди.

Гувиллаш тиниб, ер қимирлаши тўхтаб, узоқдаги «оловли юлдуз» сўнганида қуёш терак бўйи кўтарилган эди. Шаҳристон харобага, одамлар сариқ тошларга айланганди.

Олов пуркаган юлдуз ўрнида тухумни эслатувчи бир буюм — олис сайёра элчиларининг кемаси қорайиб турар эди.

Шу воқеадан сўнг қуёш икки қайта заминни ёритиб, икки марта мағриб сари бош қўйди. Учинчи бор машриқни қизартириб кўтарилар чоғида қорайиб турган тухумсимон кема атрофида ҳаракат сезилди. Аввалига уч қулоч келадиган чигирткасимон темир маҳлуқ — узоқдан туриб бошқарилувчи сайёрапой кўринди. У то қош қорайгунча ён-атрофда изғиб юрди. Кейин изига қайтди. Кеманинг юмалоқ туйнукчаларида нур кўринди.

Эртасига тонг отарда сайёрапой чиққан каттароқ туйнук оғзида худди одамга ўхшовчи, лекин одамдан бир неча карра баланд ва қорувли, бошига саватсимон шаффоф шиша қўндирган, ўзидан кўзни олгулик нур таратувчи икки кимса кўринди. Улар эҳтиётлик билан бир неча қадам илгари босишди.

— Қив,— деди сал олдинда бораётгани,— ҳисобда янглишганга ўхшаймиз. Қўнадиган майдонимиз бундай

қаттиқ эмас, ўзимизнинг Унетдагидай юмшоқ тупроқли бўлиши керак эди.

— Ҳа,— деди Кив атрофга аланглаб,— ранги ҳам бўлакча. Бизга қорамтир бўлиб кўринган эди. Сариқлигига ажабланяпман. Унетдан кузатганимизда бу сўниқ юлдуз хира нур таратган эди. Агар юлдузнинг бутун сатҳи сариқ бўлса, Рэкнинг гапи тўғри бўлиб чиқади. Унетликлар учун мос ерни бошқа юлдузлардан излаш керак бўлади.

Энди улар дадилроқ қадам қўйдилар. Юлдуз қўнган ернинг атрофида дов-дарахтлардан ҳам нишон қолмаган эди. Улар илгарилаганлари сари битта-яримта дарахтга дуч кела бошладилар. Кив сариқ тошга айланган баҳайбат чинор қаршисида туриб қолди.

— Ниг, буни қара, нимага ўхшайди?— деди ҳамроҳига.

Ниг чиморга яқинлашиб болғачасини чиқарди-да, дарахтнинг эгилиб турган шохларига уриб-уриб кўрди.

— Ажаб, тошнинг бу хил тасвирига тушуниш қийин. Бу менга Унетни эслатяпти. Анави томонга қара, бундай тошлар жуда кўп-ку!

Улар ҳаракатсиз қолган шаҳарга яқинлашиб келардилар. Жонсиз буюмлар уларга ўз сайёраларини эслатарди — бу жойлар гўё улар яшайдиган сайёранинг жонсиз тасвири эди. Тиз чўккanича қўлларини баланд кўтариб худога нола қилаётган ҳолда сариқ тошга айланган дастлабки одамни кўргач, Ниг чап қўлини кўтарди. Орқароқда келаётган Кив тўхтади.

— Бу бизнинг тошдаги тасвиримиз-ку?— деди у ҳайрат билан.

Ниг яна болғачаси билан тош одамга яқинлашди. Унинг ингичка бармоқларидан бирини уриб синдириб олди. Уни кафтига қўйиб яна болғача билан урди. Бармоқ сопол сингари майдаланди.

— Кив, биз янглишмаганмиз. Бу ерда ҳаёт бўлган. Балки ҳаёт кечиришга шароит қолмагач, бу хира юл-

дузни тарк этгандирлар. Манави тасвирларни эса ёдгорлик сифатида қолдиргандирлар?

— Гапингда жон бор. Булардан бир нечасини далил сифатида олиб кетишимиз керак.

— Албатта. Қайтишда оламиз.

* * *

...Бу шаҳристонга «оловли юлдуз» тушганидан хабар топган қўшни мамлакат ҳукмдори бир қанча фозилларни тўплаб шу томонга юборди. Улар уч кунлик йўлдан сўнг ернинг тобора сарғайиб, қаттиқлашиб бораётганини сездилар. Ер туёқлар зарбидан жаранглай бошлади. Фозиллар олға юришни ҳам, қайтишни ҳам билмай тўхтаб қолишди.

— Бу ерларга худонинг қарғиши тегибди, бўлак қадам босмаслигимиз керак,— деди уларнинг бири.

Аммо шаҳристонда нима гаплигини билмай қайтмоққа ҳуқуқимиз йўқ.

— Шаҳристон ҳам балки бутунича тошга айлангандир. Шундай деб қайтаверамиз.

Улар тунни шу ерда ўтказиб тонгда бир маслаҳатга келамиз, деб қарор қилдилар. Сўл томонда сарғайиб турган кимсасиз бостирма уларга бошпана бўлди. Тўрт чоғли ёши улуғроқ фозил уй ичига, олти чоғли ёш эса очиқ ҳавога жой қилдилар.

Ярим тунда уй ёришиб, қуш уйқусида ётган фозиллар уйғониб кетишди. Ташқарига қарашди. Баланд бўйли, ўзидан нур таратиб турган икки кимсани кўриб ҳаммалари дуо ўқимоққа тутиндилар. Нурли одамларнинг уй томонга яқинлашганини сезиб тўртовлон ўзини девор панасига олди.

Ҳовлида ётганлар ҳам уйғониб кетишди. Чўчиб ўрнидан турган икки йигит ўша заҳоти тош бўлиб қотди. Буни кўриб бошқаларининг туришга юраги дов бермади.

Қив билан Ниг икки йигитнинг сакраб турганини сезиб шу томонга юрдилар. Лекин уларнинг ҳам жонсиз тош эканини кўриб ажабланишди.

— Назаримда, улар ҳозир ҳаракат қилгандай бўлишган эди,— деди Ниг.

— Менга ҳам шундай кўринди. Манавиларни қара, булар ётишибди. Улар ҳам тош. Бу юлдузда жонли мавжудот йўқ кўринади. Бу тошларни ҳайкал десак, тартибсиз сочилиб ётиши ажабланарли.

— Сирли жумбоқ ичига тушиб қолганга ўхшаймиз. Энди кемага қайтамиз. Бу ёғига пиёда юриш хавфли. Вақт ҳам кўп кетади. Саёҳатни сайёрапойда давом эттирамиз.

Улар шундай деб орқага қайтдилар.

Нур узоқлашиб қоронғилик чўккач, уйдагилар бош кўтаришга журъат қилдилар. Фақат деворга орқа қилиб ўтирган фозилгина қимирламади. Фозиллардан бири уни аста туриб ўзига келтирмоқчи бўлди-ю, қўрқув билан хунук бир овоз чиқариб жим қолди: қария тошга айланган эди. Шу кўйи улар тонгга қадар дуойи афсун ўқиб ўтирдилар. Кун ёришгач, ташқарига чиқишга ботиндилар. Тошга айланган йигитларни, кейин ҳайкалдай қотиб турган отларни кўрдилар-у, оёқни қўлга олиб изларига қайтдилар.

Кўп азобли, уқубатли йўлдан сўнг манзилларига етиб келдилар. Кўрганларини чала-ярим айтиб, кўрпа-ёстиқ қилиб ётдилар. Сал қувватга кириб юра бошлаган чоғларида уччовлари тўппа-тўсатдан бир кунда ўлиб қолдилар...

* * *

Ниг билан Қив жонли мавжудот учратишдан умидларини уздилар. Унетдан туриб олиб борилган кузатишлар бу хира юлдузда органик бирикмалар мавжудлигини, бу моддаларнинг эришига мос суюқлик ҳам борлигини бир неча карра тасдиқлаган эди. Молекуляр комплексларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган бу икки омил уларда умид уйғотган, узоқ сафарга отлантирган эди. Умидлари синган элчилар ноилож сафарларини тўхтатиб кемага икки тош одамни олиб чиқдилар.

Ер яна қаттиқ силкинди. Қорайиб турган тухумсимон кема остида олов кўринди. Тупроқ ўйилиб ҳар томонга отилди. Ўлик шаҳар устини ғубор қоплади.

Орадан йиллар ўтди. Аммо ҳеч кимса бу жонсиз шаҳристонга яқинлашишга журъат этолмади. Юрак бетлаб қадам босганлар ҳам кўп ўтмай тўсатдан ўлиб қолавердилар. «Худонинг тавқи лаънати босилган» бу ер кимсасиз ва унут бўлиб кетди.

Беаёв йиллар шамоли бу воқеаларни одамлар ёдидан аста-секинлик билан ўчириб ҳақиқат юзига афсона ниқобини тортди. «Ўлик» шаҳарни эса тупроқ зарралари билан кўмиб ташлади. Сўнгра бўлиб ўтган даҳшатли воқеалардан бехабар одамлар яна бу томонларга силжиб келавердилар. Бир неча одам бўйи тупроқ остига кўмилган шаҳар устида қайта ҳаёт бошланди. Бу ерга қўноқ бўлганларнинг неча-неча авлоди оёғи остида ажабтовур воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш «тилла ҳайкаллар» борлигини билмай ўтди.

Йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида амалиётчи талабалар келиб қолмаганда балки йиллар ғубори остидаги сирлар яна аллақанча вақт очилмай ётар эди.

ВАКИЛ

Доцент Бекмирзаевни қабрга қўйиб қайтаётганларида баъзилар унинг қисматига ачиниб «Ўзини ўтга-чўғга ураверіб жувонмарг бўлди. Кейинги қазишмалари ҳам беҳуда эди», дейишди. «Бекмирзаевнинг Ёзёвондаги ишини тўхтатиш керак», деган гаплар ҳам худди шу дафн маросимида айтилди. Аммо бу шунчаки гап, ҳали раҳбарлар бир қарорга келишмаган эди. Шунинг учун доцент Бекмирзаевнинг Ёзёвондаги ишларига кўмак бераётган шогирди Даврон Ҳасанов зудлик билан орқага қайтди. Ёзёвоннинг кунботар томонини эгаллаб ётган ердаги қазишма ишлари чала эди. Доцент Бекмирзаев

шу ерда ишчилар билан чақчақлашиб ўтириб бирдан юрагини ушлади-ю, тили ҳам сўзга келмай жони узилди. Биров, гарчи ҳожати бўлмаса-да, «Тез ёрдам»га югурди. Даврон эса бу машъум хабарни марказга етказди. «Тез ёрдам» бир соатга қолмай етиб келди.

— Бемор қани?— деди оқ халатли ёш йигит машинадан туша солиб. Одатда врач келганда ҳамма унга пешвоз чиқарди. Бу ердагилар эса эътибор ҳам қилишмади. Фақат Даврон унга бир қараб олиб «Бемор йўқ», деди. Врач гангиб қолди.

— Тушунолмаяпман. Ахир менга...

— Анча кечикдингиз.

— А? Машинамиз йўлда...— Врач одамларга қараб тушунтиришнинг ортиқча эканини билди.— Ўзи нима бўлди?

— Цивилизация шарофати. Сизларнинг тилингиз билан айтганда — ишемик аср!

— Тушунарли. Кечиккан бўлсам ҳам беморни... марҳумни кўришим керак.

— Марҳамат,— Даврон уни шу атрофдаги ягона дарахт остига тикилган тўрт кишилик чодир томонга бошлади...

Даврон машинадан тушиши билан шу воқеалар яна қайта кўз олдида тикланди. Чодирлар йиғилмабди. Қазув анжомлари ҳам тартиб билан терилганча турибди. Давроннинг кўзи катта чодирга тушди-ю, яраси янгиланди. Устозининг сўнгги онларини эслаб юраги эзилди.

Ўн беш кун ўтмай марказдан ишни тўхтатиш ҳақида кўрсатма келди. Даврон доцент Бекмирзаевнинг тахмин-ҳисоблари, ўзининг мулоҳазаларини баён этиб ишни давом эттиришга рухсат беришларини сўраб хат ёзиб юборди. Бир ҳафтадан сўнг энг сўнгги расм-русмларни ўрнига қўйиб кийинган, қошлари қизларникидай ингичка, худди шу қошлардан андоза олгандай ингичка мўйлаб қўйган, қадди тик йигит Ниёз Мансуров — Давроннинг курсдоши етиб келди. Даврон уни узоқдан кў-

рибоқ ҳафсаласи пир бўлди. Археологияга мутлақо бегона бу йигитнинг маълум бир чуқур илдизлар орқали озиқланиб бу соҳада юриши фақат унга эмас, бошқаларга ҳам малол келарди. Аммо бу олқиндининг кавушини тўғрилашни ҳеч ким удда қилолмасди. Даврон у билан беш йил бирга ўқиб, баъзан амалий ишларда, баъзан пахта теримида бирга бўлиб унинг эгилганини, тупроқ тортганини ё бир чаноқ пахтани этакка солганини, умуман коржома кийганини кўрган эмас. Шунга қарамай, у дипломга эришди. Ёзёвондаги қазишма тақдирини бир ёқлик қилиш учун юборилганидан маълумки, ишлари ҳам чакки эмас.

Давроннинг назарида Ниёз оддий одамлар сингари яшамас эди. У ҳаётни улкан театр деб билиб артистлик қиларди. Тўғри, дунёни бундай кишилар масаласида ғариб деб бўлмайди. Шундай экан, Ниёз сўппайиб қолган артист ҳам эмас. «Ҳаёт театри»нинг яна бир жиҳати борки, унда роль ўйнаётганларнинг айримлари ниқобсиз, гримсиз ҳаракат қилади. Бундайлардан фақат нафратланасан-у, аммо у қадар хавотирланмайсан. Айримлари эса ботинан ниқобланган бўлади. Булардан нафратланишни билмайсан. Чунки зимдан иш кўрувчи одамга зимдан нафрат билдириш беҳуда. У билан дўст бўлишни ҳам, бўлмасликни ҳам билмай гангиб юрасан. Ниёз худди шу тоифадан. Бир кунда ўнта одам билан учрашса, ўн хил ниқобда, ўн хил муомала қилади. Қай гапи самимий, қай гапи сохта эканини худоси ажратиб бермаса, бандаси ҳал қилиши мушкул.

Ниёз Давронни кўриши билан кулочини кенг ёйиб келди-ю, аммо қўл бериб кўришди. Вазиятни аниқлаш учун вакил сифатида ташриф буюрганини маълум қилиб ишлар билан танишиш истагини билдирди. Даврон уни атайин тупроғи кўпчиб ётган йўлдан бошлади.

Паст бўйли, тўладан келган Даврон илдам одимлайди. Ниёз эса худди портловчи моддани босиб олишдан қўрққандай эҳтиётлик билан қадам босади. У Даврон-

нинг ортидан бир оз юриб дўнгликка чиқди-да, тупроққа қоришган шимининг почасини қоқиб тўхтади.

— Мени қаёққа бошлаяпсан? Юмронқозиққа ўхшаб ўйиб ётганларингни кўриб турибман. Менга топилган нарсаларни кўрсат.

— Институтда кўрмадингми?

— Беш-олтита сопол парчасини кўрдим,— деди Ниёз истеҳзо билан.

— Афросиёбни қазишаётганда ҳам дастлаб сопол парчалари чиққан, дейишади?— Даврон ҳамроҳининг истеҳзосига киноя билан жавоб берди. Ниёз ён чўнтагидан сигара олиб лабига қистирди. Аммо ўт олдирмади. Унинг бундай виқор билан туриши илм оламининг вакилини эмас, балки гангстерлар бошлиғини эслатарди. Ниёз атрофни кузатган бўлиб индамай турди. Кейин сигаранинг учини тишлаб ташлади-да, тутатди.

— Афросиёбни, дейсанми?— У сигарага ҳали унча ўрганмаганмиди ёки қаттиқроқ тортиб юбордими, ҳар нечук йўтали тутиб сўзини давом эттиролмади.

— Ҳатто Помпеяда ҳам,— деди Даврон яна киноя оҳанги билан.

Ниёз сигарани қутисига жойлаб чўнтагига солди.

— Помпея билан Афросиёбнинг вақти ўтди, ошна. Сен билан менинг чекимга бундай зўр ишлар тушмаган. Шунинг учун кўрпага қараб оёқ узатиб юравериш керак. Оғримаган бошни оғритишдан нима фойда?

— Агар одамда бош бўлса оғриб тургани ҳам маъқул. Баъзиларинки бутунлай оғримайди, дейишади. Улар бошлари борлигини ҳам унутиб қўйишса керак...

Ниёз Давроннинг нимага шама қилаётганини тушуниб қошларини чимирганича қараб қўйди.

— Илмий кенгаш маълумотларингда арзирли фикр йўқ, деган қарорга келибди.

— Айрим билимдон ўртоқлар шундай деб илмий кенгашни чалғитгандир?

Даврон энди Ниёзнинг «илдизини»— раҳбарлик ла-

возимларидан бирини эгаллаб турувчи қариндошини назарда тутган эди.

— Мен бу ерга айрим одамларнинг истаги билан келганим йўқ.

— Агар илмий кенгаш сен айтган қарорда бўлганида қадам ранжида қилишингга мутлақо ҳожат қолмасди. Ишни тўхтатиш ҳақида қатъий буйруқ юборишарди. Шундай эмасми?

— Балки... Лекин мен ёмон ниятда келганим йўқ. Пичингсиз гаплашсак ҳам бўлаверади. Сен мени ёқтирмайсан, буни яхши биламан. Мен ҳам сени кўрай, деб соғиниб келмаганман. Буни ўзинг тушуниб турибсан. Шундай экан, эркак кишининг очиқчасига гаплашгани дуруст. Ўртамизда қарз йўқ. Амал ҳам талашмаймиз. Мен ўз насибамни, сен ўзингникини териб юрибсан.

— Жуда ўринли ажрим қиляпсан. Қани, сигарадан ол, бир тутатайлик.— Ниёз унга сигара тутди.— Ўзингчи?

— Чекким йўқ,— Ниёз шундай деб зажигалкани ёқди.

— Ўҳ-ҳў,— деди Даврон сигара тутатиб,— ўткир экан... Дунё худди иккига бўлинганга ўхшайди. Мана, ҳозирги гапларингни қара. Биз беш йил бирга ўқидик. Аммо сира ош-қатиқ бўлганимиз йўқ. То ўлгунча саломаликдан нарига ўтмаймиз. Ҳатто у дунёда ҳам сирдош бўлолмасак керак. Нимага шундай экан?

— Феълимиз бошқа-бошқа.

— Феъл эмас, дунёқараш, дегин. Қизиқ, икковимиз ҳам одам боласимиз, лекин кўринишимиз ўхшамайди. Икковимизда ҳам салкам уч килолик мия бор, бироқ бошқа-бошқа фикрлаймиз. Ҳатто касбимиз бир, аммо тутган йўлимиз айри. Ҳамма гап шу танланган йўлда бўлса керак. Икковимиз поезд йўлидаги иккита рельсдамиз. Кетаверамиз, кетаверамиз, йўлимиз эса сира кесишмайди.

— Бунга ҳожат бормикин?

— Балки йўқдир?

— Бирга ўқиганимиз ҳурмати мен барча инжиқлигу пичингларингга чидаб бераман. Бошқа одам келганда нима қилардинг? Фикрингни қандай исбот этардинг?

— Бошқа одам ҳеч бўлмаганда тупроқ таркибидаги тилладан хулоса чиқариб оларди.

— Тилла зарралари, дегин. Балки бу ерда олтин сараловчилар ёки заргарлар яшашгандир. Тилла зарралари ҳатто уммон сувларида ҳам бор. Сенинг ўрнингда бўлганимда жирттакилик қилмай, экспедициянинг ишини «Кўҳна қишлоқ, фалон асрда бу ерда олтин сараловчилар истиқомат қилганлар. Гўшаларини қайси бир сабаб билан тарк этганлар», деб якунлаб қўя қолардим.

— Сенинг шундай йўл тутишингга имоним комил. Лекин ўрнингга бошқа одам келганда бу ерни ҳатто қишлоқ деб аташ мумкинмаслигига тушуниб етарди.

— Қишлоқ ҳам эмасми? Яна яхши! Балки бир неча киши яшагандир. Балки аллақандай қочоқлардир?

— Тошлардаги тасвир-чи? Фақат радиация таъсиридангина шу аҳвол рўй бериши мумкин.

— Агар одамлар минг йил илгари радиация нима эканини билганларида касбимизга эҳтиёж қолмас эди. Бу иш сени анча уринтириб қўйибди. Дам олиш керак. Истасанг Қора денгиз бўйидаги энг яхши...

— Илтифотинг учун раҳмат. Хўш, шу ерда тураверамизми ё айланамизми?

Ниёз яна атрофга разм солди.

— Айланишдан нима фойда? Кел, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Мен қайтгач, бир қарорга келолмаганимни билдираман. Ўзини чақиринглар, дейман. Бориб ўзинг талашиб-тортишаверасан.

Улар орқага қайтишди. Даврон Ниёзнинг бу сафар ҳам қўлдан сирғалиб чиқмоқчи эканини англади. Ниёз аслида бундай фикрга тўсатдан, ҳозир келгани йўқ. Ишни йўлдаёқ пишитган эди. Бир қарашда Даврон ёнбосаётгандай кўринди. Ҳолбуки, у ўз зирҳига

ўралиб оляпти. Ишни тўхтатишга сабаб бўлувчи бирор жиддий омил йўқлигини, бу гап фақат тор доирадаги ўзаро тортишув натижаси эканини у билади. Тўғрироғи доцент Бекмирзаев билан раҳбарлардан бирининг (Ниёзнинг қариндоши) кўп йиллардан бери келишмаслиги, шу сабабли марҳумнинг ҳар бир иши қаршиликка учрагани, шунга қарамай ютуқ билан якунланганини ҳам билади. Доцент Бекмирзаевнинг Ёзёвонда бошлаган иши ҳам, айрим таҳминларга қараганда, муваффақиятдан холи эмас. Ниёзга бу ҳам маълум. Шундай экан ё чикка, ё пукка, деб таваккал қилишга ҳожат йўқ. Жанжалли ишдан четроқда тургани маъқул. Қариндошининг ёнини олай деса, эрта-индин Ёзёвондаги ишлар яхшилик билан тугагудай бўлса, раҳбар эмас, у ёмон отлиқ бўлади. Давронга ён босай деса, яна чатоқ. Ҳар икки ҳолда ҳам душман орттиради. Шу боисдан учинчи йўлни танлагани маъқулроқ. Бу бир жиҳатдан Даврон учун ҳам яхши. Йўқса, бу жоҳил ишни чалкаштириб кетиб одамни ҳалак қилиб юбориши ҳам мумкин.

— Мен учун бирор кунингни ажрата оласанми?— деб сўради Ниёз чодирга яқинлашганларида.

— Нима эди?

— Командировка муддати бир ҳафта. Шу атрофда яхши ерлар бор, деб эшитаман.

Икки кундан бери Давроннинг юраги сиқилиб қадрдонларини қўмсаётган эди. Шу учун «Меҳмоннинг истаги баҳона бўлиб оёқнинг чигилини ёзсаммикин», деган хаёлга келди-да, «Яхши, эрта бўлсин-чи, бирор ёққа борамиз», деди. Ниёз Давроннинг дарров кўна қолганидан ҳайрон бўлди. Чунки у «Қандайдир баҳонани пешқилиб, илтимосимни ерда қолдиради», деб ўйлаган эди.

Оқшом тушиб чодир ёнида давра қурилди. Гулхан ёқилди. Қорайиб кетган қумғондаги сув қайнаб-тошиб гўё ўтни ўчирмоқчи бўлади. Гулханнинг қумғон турган томони бир оз писиллаб, тутайди-да, кейин яна аланга авжига қўшилади. Даврон сим халқани қумғоннинг бўй-

нига илиб уни оташ бағридан олди. Бир кафт қуруқ чой ташлаб, уч бора қайтарди. Ҳамиша қизийдиган давра бугун, меҳмон бор учун, унча қовушмай турарди. Қирғийбурун меҳмоннинг кибр билан гапириши гурунг меъёрини бузиб қўйганди. Натижада бу сафарги чой охиригача ичилмади.

Ниёз йўл юриб чарчаганиданми ё шаҳарда барвақт ётишга кўниккани учунми, чодирга кириб кетди. Даврон йиғма каравотини ташқарига олиб чиқиб ёйди. Жун чойшаб ташлаб чалқанча тушганича қўлларини ёстиқ қилди. Уйқуси келмади. Осмон тоза. Юлдузлар жимирлайди. «Қайси бир шоир пахтазорни юлдуз тошган осмонга ўхшатган эди. Бир қараганда чиройли таққос. Агар у пахтанинг тафтини ҳис қилганда совуқ юлдузларга қиёс қилмас эди. Ўша шоир ҳам Ниёзга ўхшаган одам-да. Соқи сумбати жойида, юраги эса фақат қон ҳайдаш билан банд. Лекин сезги, ҳис, туйғу, дард деган тушунчалар мутлақо бегона. Ўзича менга ёрдам қилмоқчи. Розилик беришга мажбурман. Бўлмаса, иш чала қолади. Одам кўп ҳолларда онгли равишда онгсизлик қилади. Билиб туриб, истагига, маслагига зид равишда қадам ташлайди. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Наҳот бу давом этса? Йўқ, қачондир бунга чек қўйилади. Ким чек қўяди? Кимдир биринчи бўлиб Ниёзлар тоифасига қарши чиқади. Кимдир? Ким? Нима учун мен эмас? Қўрқаманми? Нимадан? Журъатим етишмайдими? Қўрқмайман, журъатим ҳам етарли. Аммо ёлғизман. Тўғри, ҳозирча атрофимда маслакдошларим бор. Бироқ, ҳужум бошлангач, чекка-чеккага чиқиб олувчилар кўпаяди. Курашга чоғланганларнинг бири Асад Бекмирзаевич эди. Ҳайбаракаллачилар кўп бўлди. Мажлис чақиришди. Асад Бекмирзаевич уларнинг қалқонига айланди. Қинғир ишлар фош қилинди. Академияга хат юбориш масаласи кўтарилганда бири: «Икки марта уйланганман, шармандам чиқади», деди, бири: «Илмий кенгаш аъзосиман, қўл қўёлмайман», деди, яна бири: «Тўғри-ю,

тўғри эмас-да», деб ланжлик қилди. Қани, қани, деб рағбатлантирган азаматлар оқибатда, «Қозиқнинг боши ҳам, учи ҳам бўлма», деган мақолга содиқ қолишди. Академия президентига Асад Бекмирзаевичнинг ўзи рўпара бўлди. Унинг далиллари исботланиб, институтда ўзгаришлар рўй берди. Йўқса, бутунлай ёмонотлиққа чиқарди. Ҳаётнинг чалкашликлари беҳисоб экан, тишимиз ўтмайдиган муаммолари гаранг қилиб юборади кишини... Худо жониворларни яратганда, яхши ҳамки, туяга шоху мушукка қанот бермаган, дейишади. Шу фозиллигини худо одамларга ҳам ишлатмаган экан-да. Одамни яратгач, мансабларни қалаштириб «Истаганингни танлайвер, қобилиятингга эмас, истагингга қара. Агар шу билан тўйсанг, олавер», деган шекилли. Қошки мансабпараст одамни тўйдириш мумкин бўлса! Асад Бекмирзаевич ҳақиқат учун курашди. Лаззатини эса мана шу Ниёзнинг қариндоши тотди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, дейдилар-ку. Тўғри гап. Ниёз ҳам қариндошидан ўтиб қайга борар эди! Мана, вакил бўлиб келибди. Кечагина археология деса, қулоғини кўрсатарди. Ўнта дарсдан битта чойхона паловни афзал кўрарди. Энди менга ақл ўргатмоқчи. Бутун бир экспедициянинг тақдирини ҳал қилмоқчи. Тўғри, маблағ кетяпти. Давлатнинг пулини беҳуда совурмаслигимиз керак. Лекин ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлмайди-ку! Балки халқимиз тарихида янги саҳифа очувчи манбалар худди шу тупроқ остидадир. Буни Ниёз ҳеч қачон фахмлай олмаса керак... Ғуж-ғуж юлдузлар. Осмон қайнаётганга ўхшайди. Юлдуз учди. Осмонни поралаб, узун нурли из қолдириб сўнди. Илгарилари шунга қараб «бир одам ўлди», дейишарди. Неча юз йиллар шу фикр ҳукмрон эди. Энди комета ёки метеорит учди, деб изоҳлашади. Фанда исбот этилган бу фикр йиллар давомида ҳукмронлик қилар. Лекин мутлақ бўлолмас. Балки буларнинг бари комета эмасдир? Балки бу бирор фазовий кеманинг изидир? Балки у узоқ

юлдуздан биз томонга келаётгандир. Унинг нури фазонинг қайси бир бўлагида кўриниб қолгандир. Бўлиши мумкин-ку ахир? Биз бир қоидага маҳкам ёпишиб олишга ўрганиб қоляпмиз...»

— Мулла Давронбек, ухлаганингиз йўқми?

Даврон ўрта яшар кишининг мулойим овозини эшитиб бошвоқсиз хаёллар комидан қутилди. Ўрнидан турди.

— Ётаверинг, тинчингиз бузилмасин. Бу дейман, ўғлим, юлдуз санаятувдингизми ё Хизр бувани кутятувдингизми?

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Қани, Йигитали ака, ўтиринг,— Даврон шундай деб каравотдан жой кўрсатди. Бироқ Йигитали ака дўнгликка чордана қурди. Қафтига нос тўкиб тили остига ташлади. Эллик ёшларга бориб қолган, томирлари бўртиб турувчи бу киши экспедицияга яқинда қўшилган, айтишича, раиснинг кўзбўямачилигига қарши чиқиб колхоздан кетиб қолган экан. Уйи бу ердан узоқ эмас, шунинг учун асосан қатнаб ишларди. Баъзи-баъзида гурунгталаб бўлган кезлари шу ерда тунаб қоларди. Пешонабоғини танғиб астойдил ишловчи Йигитали акани барча беҳад ҳурматлар, у ҳам йигитларга ўғлим, деб мурожаат қиларди.

— Эски ҳисоб бўйича бугун лайлатулқадр кечаси. Ҳамма Хизр бувани кутади,— деди Йигитали ака кафтини қоқиб.— Менам кутганман. Отам ҳам кутган. Отамнинг отаси ҳам кутган бўлса керак. Лекин ҳеч қайсимиз Хизр бувани кўрмаганмиз. Хизр бува лайлатулқадр кечаси кўринганларида ҳаммаёқ ёришиб кетади, шунда ниманики ушласанг, ўша олтинга айланиб қолади, дейишарди. Қадимда шу қишлоғимиздаги бир жувон Хизр бувани кўрганмиш. Қўрққанидан боласини ушлаб олган экан, гўдаги росмана тиллага айланиб қолибди. Зор-зор йиғлабди, бечора. Кейин бошига муҳтожлик тушганида боласининг битта бармоғини кесиб заргарга сотибди. Бир йилдан кейин лайлатулқадр кечасида

яна Хизр бува ўтибдилар. Жувон яна қўрқиб боласига ёпишган экан, чақалоғига жон кирибди-ю, кесилган бармоғидан қон отилибди. Бу ривоятни қичқиналигимиздан қулоғимизга қуяверіб ишонтириб қўйишганди. Энди бу гапга ҳеч ким ишонмайди.

Йигитали ака шундай деб носни тупурди-да, тўнининг енги билан оғзини артди.

— Бизлар оми бўлганмиз-да, ҳар нарсага ишонаверардик.

— Ишонган ҳам яхши, Йигитали ака,— деди Даврон,— баъзилар ҳеч нарсага ишонмай, қолганларни гаранг қилиб юборишади.

— Беш қўл баравар эмас... Ҳали бир башанг йигит билан юрувдингиз. Ишларимизни текширдими, нима дейди?

— Ишларимиз дуруст экан.

— Ундай бўлса майлига. «Ишни йиғиштиряпмиз», деган узун-қулоқ гаплар оралади.

— Бу ҳозирча номаълум.

— Сизга-ку бари бир. Бу ер бўлмаса, бошқа ерга бориб шу ишингизни қилаверасиз. Мен яна тавбамга таяниб колхозга қайтишим керак. Районда ишлай олмайман, шаҳарга кетолмайман.

— Йигитали ака, пахта иши шунча юрагингизни олиб қўйганми?

Йигитали ака нима деб жавоб беришини билмай қараб қолди. Носқовоғини кафтига шап-шап урди.

— Э, ўғлим-а, ғаройиб саволларни берасиз. Деҳқоннинг боласига ҳам шундай дейдими? Мен пахтадан бўлак нима кўрибман, бу дунёда? Ўн икки ёшимда елкамга кетмон ташлаб далага чиқиб катталар билан баравар ишлар эдим. Пахтадан сира нолимаганман. Пахтадан бўйин товлаган деҳқоннинг кўзи кўр бўлади.

— Йигитали ака, айбга буюрманг, ёшлик қилиб ноўрин сўз айтиб юборибман.

Йигитали ака индамади. Томоқ қириб қўйди. Дўппи-

сини олиб бошини силаган бўлди. Даврон орадаги ноқулайлик чодирини кўтариш учун сўзини давом эттирди:

— Мен ҳам пахтакордан чиққанман. То мактабни битиргунимча даладан бери келмас эдим. Қишлоқ болаларининг аҳволи ўзингизга маълум. Шу касбга ишқим тушиб, ўқидим. Бир нави ишлаб юрибман. Аммо кўпинча кўнгил пахтага тортиб кетади. Далани қўмсаб қоламан. Мен-ку, сизнинг олдингизда бир гўдакман. Деҳқонман, деб кўкрагимга муштлай олмайман.

— Гапингизга тушуниб турибман. Ўзингизни қийнаманг. Мен раҳматли Асаджонга колхоздан кетишимнинг сабабини айтмоқчи бўлганимда «Шарт эмас, ўтмишингиз бизни қизиқтирмайди, ҳалол ишлаб берсангиз бас», деган эди. Сизга қизиқ туюлса, айтишим мумкин. Унвоним бўлмаса ҳам пахта илмини бир олимчалик биламан. Мақтаняпти, деб ўйламанг. Ернинг тафтига қараб туриб вақтида чигит ташлайман, ғўзанинг рангига қараб сув бераман. Бошқаларга ўхшаб радиода «Чигитни тезроқ ва сифатли экайлик», деса экиб ташлайвермайман. У ердагилар ўтирган жойида лақиллайверади. Деҳқоннинг калласи ишлаши керак, кўзи ўткир бўлиши лозим. Э, буларни сизга уқтиришнинг ҳожати йўқ. Хуллас, аввал раис билан уришдим. Дориларинг халқни эзиб юборди, бас қил, дедим. Унамади. Ҳадеганда дори сепади. Дори дейиш ҳам нотўғри бўлиб қолди. Дорини-ку, фойдаси бор. Пахтага сепадиганимиз эса нақ заҳарнинг ўзи. Одамлар чекка-чеккадан гапиришади. Аммо раисга бетлашишмайди. Бир куни радиода районимизни гумбурлатиб танқид қилиб қолишди. Қодир Махсум деганлари «Терим суръати паст, дефолиация кечиктириляпти», деб қолди. У-ку, шаҳардан ташқарига чиқмайди. Биров ёзиб берганини ўқийди. Бу ердагиларнинг калласи қайда экан? Ҳаво паст келган, ғўза вақтида сув ичмаган. Ривожи суст. Йўқ, вакил кетидан вакил босиб дефолиацияни бошлатишди. Қўшни колхозда бўлам туради. Бўйи

етган қизи тўппа-тўсатдан қайтиш қилиб берди. Текшириб қарашса, ариқдан сув ичиб қўйган экан. Бу қандай бедодлик ўзи, сув ичсанг заҳарлансанг, нафас олсанг заҳарлансанг. Айбимиз деҳқон бўлиб дунёга келганимизми? Пахта экканимизга раҳматми, бу. Мен далага заҳар септирмайман, деб туриб олдим. Планни ҳаммадан кейин бўлса ҳам бажардик. Лекин бригадани оқсатиб қўйди, деб сувчиликка туширишди. Ҳай, дедим. Ота-бобом бригадир ўтмаган, амалсиз қолсам бирор ерим камаймас. Далада юриб ерга раҳмим келади. Ер бангига ўхшаб қолган. Қуруқ. Кучи йўқ. Турган битгани дори. Ерга шунчалар азоб берадиларми-а? Мен бригадирлигимда бир арава сунъий ўғит ташлаган еримга янгиси икки ҳисса ташлайди. Ҳой, десам, қарамайди. Ерга раҳми келмайди. Ўзингни ўйламасанг, бола-чақангни ўйла, баччағар, дейман. Бизни бойлаб берган йўқ, эрта-индин бир қулоч ерни эгаллаб ётамиз. Бу ер бола-чақамизни, невара-эвараларимизни ҳам боқиши керак. Бу аҳволда эртага ерда тупроқ қолмайдику. Охакда пахта етиштиришадими? Мен ерга ачинсам улар қўлдан кетган амалига ачиняпти, дейишди. Тилимни тишладим. Аммо сабр косаси тубсиз бўлмайди, ўғлим. Этакни қоқиб, кетмонни сўрига илиб қўя қолдим. Раҳматли Асаджонга учрашган эдим, иш берди. Мана шунақа, ўғлим, нон-насибамиз шу ерда ҳам бор экан...

Йигитали ака яна кафтига нос тўкди-да, тилининг тагига ташлади.

— Шунча қинғир ишларни билар экансиз, ёзмайсизми?

— Мен деҳқонман, шикоятчи эмасман.

— Ие, сиз «Мен деҳқонман», деб қўл қовуштириб турсангиз, бошқаси ҳам шундай деса, ҳақиқат учун ким курашади? Ё Хизр бувани кутасизми?

— Тўғрисини айтсам, бир ёзиш ниятим ҳам бор эди. Аммо эпақага келтиришим қийин. Сиз мулла йигитсиз, мен айтиб турсам, сиз лаб-лунжини тўғриласангиз.

— Бўпти. Бир ҳоли ўтирсак, уддалаймиз. Мен эртага «башанг йигит»ни бир сайрга олиб чиқмоқчиман. Қайтганимдан сўнг, ёзамиз.

— Қаерга чиқмоқчисизлар?

— Сирдарёнинг бўйига.

— Уловларинг борми?

— Улов — ўзимизнинг қадрдон автобус-да.

— Бўлмаса, менга ҳам дам беринг. Қишлоққа тушиб уловни олиб чиқай. Сизларга қўшилиб мен ҳам бир яйрай.

Даврон розилик бергач, Йигитали ака ўрнидан турди. Давроннинг кўзига анчагача уйқу келмади. Яна қўлини ёстиқ қилиб осмонга тикилди. Само энди кўзларига худди саноқсиз тақинчоқлар илинган қора бахмалга ўхшаб кўринди. Бу осмон, кўз илғаган бу юлдузлар билан ёлғиз, юзма-юз қолсанг ажиб, ўзингга ҳам тушунарсиз бўлган ҳолга тушасан. Даврон ҳам само сеҳрига банди бўлиб, хаёлларига эрк берди. Бирдан қулоғи шанғиллади. Кимдир ғашни келтирадиган даражада ҳуштак чалди. Кейин бу ҳуштак эски эшикнинг ғижирлашига ўхшаган овозга айланди. Сўнг кимдир унинг устида туриб олиб шивирлагандай бўлди. Юраги тез-тез ура бошлади. Босинқираяпман шекилли, деб ўрнидан турмоқчи эди, қўзғала олмади. Кўзга кўринмас бир одам кўкрагидан босиб қимирлашга йўл бермади. «Ёмон туш кўряпман, уйқудан уйғонишим керак», деб ўйлади. Бироқ у ухламаган, кўзлари очиқ эди. Ҳамон юлдузли самога тикилиб ётарди. Юлдузларнинг жимирлашини, баъзан учишини аниқ кўрарди. Нима гап ўзи? Нима учун бундай ҳолга тушяпти?! У кўзларини юмди. Шу чоқ чодирга бўйи тахминан икки ярим, уч метр келадиган, фазогирлар кийимидаги, бошлари яссироқ икки одам яқинлашди. Даврон чўчиб кўзини очди. Атроф кимсасиз — ҳеч ким йўқ. Ичкарида Ниёз енгил хуррак тортяпти. Гулхан ўчган. Майда чўғлар юлдузларнинг ердаги аксига ўхшайди. Даврон шашт билан ўрнидан турди.

УМИДСИЗЛИК

(Биринчи учрашув)

Сайёҳ йўлга отланганида нурли манзилларни орзу қилади. Интилгани сароб бўлиб чиқса, сафари тугамайди. Айниқса унинг изига минглаб нигоҳлар қадалиб турган дамда иши ўнгидан келмаса, пораланган кўнгил билан ортига қайтади. Албатта вақтнинг, куч-қувват, ақл-идрокнинг беҳудага сарф этилиши унга маънавий азоб беради. Бироқ эл-юрт олдида бошини хам қилиш ҳар қандай азобдан зиёдроқ.

Ниг билан Қив Унет сари йўл олган чоғларида ана шундай омадсиз сайёҳ кўйига тушган эдилар. Уларнинг назарида кемалари янада кимсасиз, янада ҳудудсиз, янада тунд фазо бағрига сингиб борар эди.

«Ҳар нечук бутунлай қуруқ қайтаётганимиз йўқ,— деб ўйларди Ниг,— тош ҳайкаллар бирор янгилик берар...»

«Бу қадар қатта сайёранинг тилсимларини бир келишдаёқ ўрганиш мушкул,— деб ўйларди Қив.— Аммо... унетликлар навбатдаги сафарга отлангунларича орадан яна қанча вақт ўтади... Бизга, шубҳасиз, эндиги сафар насиб этмайди...»

Улар шундай ўйлар билан ўзларини алдаб, тасалли бермоқчи бўлишарди. Аслида назария билан амалиётнинг навбатдаги номутаносиблигига дуч келганларини яхши тушунишарди. Шу номутаносибликнинг содир бўлишида қисман ўзларини айбли деб билишарди.

Бир оз шошилишди. Бир оз... Бир оз — унетликлар учун арзимаган йиллар. Бир оз — бу вақтда Ерда неча авлод алмашади. Унетликлар ҳали буни билишмайди. Бир оз шошилишнинг қиймати ҳам улар учун сир...

Кема ҳудудсиз фазода ўтли из қолдириб Унет сари учади. Қуёш мажмуасидаги сўнгги сайёра ортда қолгач,

фазогирлар ўз майлларини автоматлар ихтиёрига топшириб, уйқу камераларига кирдилар. Қолган йўлнинг учдан икки қисмида кемани автоматлар бошқаради. Фақат фавқулодда ҳодиса юз берсагина фазогирларнинг уйқуси бўлинади.

Ниг қанча ухлаганини билмайди. Миясига ожиз импульс урилиб уйғониб кетди. Рўпарасидаги хавфдан огоҳ этувчи чироқлар ёниб ўчяпти. Ниг ўзини симлардан озод қилди-да, шошиб қўшни бўлмага кирди. Кив ҳамон уйқуда. Йўқ... Унинг юрак уришини қайд этувчи тасмага узун чизиқ тортилган. Бу — ўлим аломати. Кивнинг юраги яқинда уришдан тўхтаган, танаси совиб улгурмаган эди. Ниг унинг кўкрагини уқалади. Ҳаво берди. Эм игнаси билан шифобахш дори юборди. Бўлмади. Уринишлари беҳуда кетди. Дўстининг бу қадар беозор, кутилмаган ўлимидан Ниг гангиб қолди. Ҳамроҳига тикилганича узоқ ўтирди. Кивнинг юраги бақувват эди. Уйқу камерасига киргунча ҳам унинг аъзоларида салбий ўзгариш сезилмаганди. Уйқуси ҳам осойишта кечибди. Тасмадаги тиббий белгилар юрак уришининг ўзгаришини тўсатдан содир бўлганини кўрсатиб турибди. Фазогирларнинг бундай ўлими ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса. Айниқса бундай узоқ муддатли сафарда ҳамроҳсиз қолишнинг азобини тасвирлашга сўз ожиз.

Ниг марҳумнинг оёқ-қўллари, бошига уланган симларни бир-бир бўшатди. Кейин уни вакуумхонага олиб чиқди-да, эшикни зич беркитди. Ҳавоси сўрилган хонада Кивнинг мурдаси муаллақ ҳолда туриб қолди.

Ниг бошқарув хонасига кириб тасодифий фожиа ҳақида Унетга хабар юборди. Кемада мотам тутиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Фожиани ўйлаш — асаблар учун ортиқча юк. Узоқ муддатли сафар чоғида асабларни мумкин қадар эҳтиёт қилиш лозимлиги ҳар бир фазогир учун оддий аксиома. Ниг автомат-навигаторларнинг ишлашини текшириб кўрди-да, уйқу камерасига кирди.

Бу сафар аввалгидай кўп ухламади. Қимдир туртиб уйғотгандек бўлди. Оёқ-қўллари нима учундир оғир, аъзои бадани зирқирайди. Ниг бошини қўллари орасига олиб узоқ вақт ўтирди. Эшик очилиб кимнингдир юзи кўринди. Ниг унинг ким эканини илғай олмади. Эшик қандай тез очилган бўлса, шу тезликда ёпилди. Ниг ўрнидан туриб мўъжаз даҳлизга чиқди. Ҳеч ким йўқ. У беихтиёр вакуумхона томонга юрди. Думалоқ дераза орқали ичкарига қаради: мурда йўқ! Ниг ҳайратдан донг қотди. Шу пайт орқасида шарпа сезилди. Ниг шашт билан ўгирилди. Бошқарув хонасига кимдир кириб кетди. Ниг тез-тез юриб бошқарув хонасига кирди. Зоғ кўринмайди. Асбоблар бир меъёрда ғувиллайди. Кема гўё қоронғи бўшлиқда муаллақ тургандай. Қимдир унинг елкасига қўл қўйди. Бўйнига кимнингдир илиқ нафаси урилди. Ниг гангиб қолди. Атрофида ҳеч ким йўқ. У яна шошиб вакуумхонага қайтди: мурда муаллақ турибди. Ниг яна шарпа сезди. Бошқарув хонасига кирди. Вакуумхонага қайтди...

«Нима бу? Галлюцинациями? Асабларим қақшаб, ўзимни эплаёлмай қолдимми? Яна кимдир юргандай бўляпти. Шарпа. Йўқ, одамнинг шарпаси. Йўқ одам. Нимага чўчияпман? Йўқ одам қўрқинчлими? Ёвуздан ҳам батарроқ. Ёвуз билан рўпара бўлсанг, ўлдириб қутуласан. Йўқ одамни-чи? Уриб бўлмаса, чопиб бўлмаса. Қандай қутулиш мумкин? Йўқ одам хаёлимда-ку! Қаердан келди? Нима учун хаёлимдан жой бердим? Ҳали йўлнинг ярми босиб ўтилмади. Кемада ёлғизман. Бир ўзимман. Бошқа ҳеч ким йўқ. Шарпа ҳам йўқ. Бир ўзимман. Бир ўзим...»

Ниг шу зайлда ўзини ўзи ишонтира бошлади. Шарпа ҳар қанча хаёлини чалғитса ҳам эътибор бермади. Асаблари бир оз осойиш топгач, яна уйқу камерасига кирди.

Яна чўчиб уйғонди. Яна аъзои бадани зирқиради. У бошқарув хонасига чиқди. Экран ёришиб Фид кўринди. Ҳамиша жиддий боқувчи ботиқ кўзлар, ўсиқ қош, бир

текис оқарган соч, пастки лабининг ўнг томони хиёл тортилиб туради. Овози ўша-ўша дағал.

— Биз мағлуб бўлдик, Ниг. Ҳукмни ўзимиз чиқаришимиз керак.

— Ҳукм? Нима учун?

— Янги тартиблар бехато ишлашимизни талаб этади.

— Бундай тартибларни фақат жоҳилларгина жорий қилади.

— Зукколарнинг изми ҳамиша жоҳиллар қўлида бўлиб келган.

— Янглишяпсиз! Донишмандлар ҳеч қачон жоҳиллар қаршисида тиз чўкмаганлар.

— Аммо улар билан доимий равишда кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Вақт ва қувватни беҳудага сарф этиш зукко учун оғир азоб эканини унутяпсиз.

— Мақсадингизни англамаяпман?

— Ҳукм чиқаришимиз керак.

— Қандай ҳукм?

— Сен ўз-ўзини ўлдириш масаласига қандай қарайсан?

— Бундай аҳмоқона ўй сира хаёлимга келмаган.

— Ўйлаб кўр!

— Эсингизни йиғинг, Фид!

— Ўйлаб кўр?!. Энг тўғри йўл — шу...

Ниг ўрнидан туриб кетди. Кўзларини уқалади. Экран қорайиб турибди. Яна галлюцинациями? Бу чиндан ҳалокат белгисими? Ниг ҳар қандай бемаъни хаёлни миясидан қувиб чиқариш учун диққатини бир ерга тўплади. Ўзини ўзи чалғитмоқчи бўлди. Кўзларини юмиб беихтиёр столни черта бошлади. Назарида қўли оғирлашгандай, ҳаракат мушкуллашгандай туюлди. Кўзини очиб бақириб юборай деди: бармоқлари бештадан бўлиб қолибди! Худди Эрлдаги ҳайкалларникидай — бешта! У ўрнидан туриб кетди. Кўзларини маҳкам юмиб, кейин очди. Йўқ, бармоқлари бешта эмас, одат-

дагидай учта эди. Демак, яна галлюцинация. Асаблари панд беряпти. Қандай бўлмасин ухлаш керак. Йўқса, уни ҳам Кивнинг тақдири кутади.

Кема бир маромда учиб борар, Нигнинг асаблари тобора издан чиқар, тез-тез уйғонар, нохуш хаёллар оғушида қоларди. Кейинги кунлар ичи кўзига фақат Фид — Эрлда ҳаёт бор, деб исбот қилган донишманд Фид кўринади. Ҳукмни ижро этишга ундайди.

Унетга яқинлашиб боргани сари тез-тез алоқа ўрнатиш имконияти туғилди. Мана шу алоқалар билан овуниб ўзини қўлга олишга эришди.

Кема Унет сатҳига оҳиста қўнди. Ниг буни ҳам сароб деб ўйлаб аввалига узоқ вақт жойидан жилмай ўтирди. Ён-атрофидаги тасвир ўзгармагач, туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил қилиб ўрнидан турди. Аммо юра олмади. Оёқлари зилдай оғир эди. У мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушай деди. Курси суянчиғини ушлаб жойига қайта ўтирди. Асбобларнинг ғувиллаши тингач, қулоғи шанғиллай бошлади. Кўзларини юмди. У Унетга ета олмай, ё жинни бўламан, ё Кив каби ўламан, деб ўйларди. Асабларининг бардош беришига ишончи сўниб қолаёзган эди. Унетга етиб келди. Эс-ҳуши жойида. Саломатлиги ҳам ёмон эмас. У бахтли тасодиф билан омон қолдими? Йўқ одамнинг шарпаси қанчалар азобга солди. Фид-чи?

«Ҳозир мутахассислар кема эшигини очадилар. Улар орасида Фид ҳам бормикин? Хаёлий чексиз баҳсларимизни эшитиб нима деркин? Унетликлар сафаримизнинг самарасиз якунланганини билишади. Мени қандай кутиб олишаркин?»

Ниг шундай хаёлга берилиб ўтирганда орқа томонда шарпа сезилди. Бу — йўқ одам эмас, кема эшигини очиб кирган мутахассисларнинг бири эди.

Нигнинг Эрлдан қайтганини эшитгач, Фид хонасида ўтира олмади. Бироқ Нигни қаршилашга юраги бетлама-

ди. Йигирма икки йилнинг[1] беҳуда сарф этилганига, йигирма икки йиллик кутиш азобига, ниҳоят, умидларнинг чилпарчин бўлишига ёлғиз ўзини айбли деб билди. Фид ҳажм жиҳатдан ҳам, ёрқин нури жиҳатидан ҳам ўзгалардан фарқ қилувчи юлдуз атрофида ҳаракат қилаётган нисбатан майда ва нурсиз тўққиз юлдузни узоқ кузатди. Ёрқин юлдузга яқинлик бўйича учинчи турувчи, катталикда эса бешинчи бўлган бир юлдуз унинг диққатини тортди.

Унет бу дамга келиб хазонрезги умрига қадам қўйган эди. Сайёранинг ўлимга маҳкум этилгани кеч пайқалди. Тўғрироғи, бу палланинг бошланишини сайёра донишмандлари анча эрта сезиб, бу ҳақда бонг урган эдилар. Бироқ тараққиёт қуёшнинг нуридан кўзи қамашган Унет аҳли бу хавотирни назарга илмай, оддий тахмин, деб қабул қилди. Тараққиёт давом этаверди. «Ақл бовар қилмас», деган сўзлар ҳамманинг вужудига сингиб кетди. Тезлик — ақл бовар қилмас даражада. Зоҳиран шундай. Ботинан эса — ҳавонинг ифлосланиши ҳам ақл бовар қилмас даражада. Аммо уни сўнгги паллагача тан олгилари келмади. Тараққиётдан чекинишни истамадилар. Унетда бўш ер қолмади. Сайёра сатҳи буткул унетликлар хизматига ўтди. Бу аввалига ақл-идрокнинг табиат қонунлари устидан ғалабаси сифатида нишонланди. Орадан кўп ўтмай бунинг ғалаба эмас, мағлубият экани равшан бўлди.

Бўш ер қолмади. Унетликлар олдида ҳудудсиз келажак, ортида эса ҳудудсиз ўтмиш... Ҳудудсиз келажак — сарҳадсиз бўшлиқ. Бўшлиқ. Тап-тақир ер. На бир жонзот, на бир кўкат бор. Фақатгина у ер-бу ерда нураб, мунғайиб қолган бино қолдиқлари қачондир Унетда ҳаёт бўлганидан дарак бериб туради... Сайёрани шундай келажак кутарди. Буни кечроқ англашди. Энди ат-

[1] Унетнинг бир Ернинг 8 7 ой 14 кунига тенг.

мосфера ҳароратини асл ҳолига келтириш, кислород миқдорини мўътадиллаштириш, сув таркибини тозалаш мумкин эмас. Фақат бир йўл бор: сайёрани тарк этиш керак. Аммо қаердан паноҳ топиш мумкни? Бу яқин — атрофдаги сайёраларда ҳаёт кечириш учун шароит йўқ. Бироқ симметрия қонунига биноан шундай сайёра бўлиши керак.

Фид ультрабинафша спектрометр ёрдамида диққатни тортган юлдуз атмосферасининг кимёвий таркибини аниқлади. Водород ва гелий миқдори Унетники билан деярли бир хил экан. Орадан кўп ўтмай спектроскопик тадқиқот номаълум юлдуз атмосферасида сув буғи мавжуд эканини кўрсатди. Бу — сайёрада яшаш учун шароит бор, деган гап эди!

Юз йил аввал узоқ бир юлдузда ҳаёт мавжуд эканини аниқлаган донишманд бу қадар шуҳрат либосига ўралмас эди. Унинг кашфиёти оддий, кундалик янгиликлар сафидан ўрин оларди. Сайёранинг ҳаёт-мамоти қил устида турган бир маҳалда Фид олиб борган тадқиқотларнинг бундай хулоса билан тугаши унетликлар қалбида умид чироғини ёқди. Шунинг учун ҳам Фид узоқ юлдузга Эрл — умид деб ном берди

Синов парвозлар, синов текширишлар учун вақт йўқ эди. Шу сабабли Ниг билан Кивга Эрлга учиб бориб, қўниш, синовни бевосита ўша жойда ўтказиш, ҳаёт ва онгли мавжудот бўлса, алоқа боғлаш вазифаси топширилди.

Кема қайтиб келди. Умид синди.

Ниг ҳаёт. Кивнинг жони йўлда узилган. Умумий хулосалар чиқарилганича йўқ. Аммо асосий якун аниқ — Эрлда ҳаёт учун шароит мавжуд эмас. Фиднинг бутун умрига қора тамға босиш учун шунинг ўзи етарли.

Унинг юраги сиқилди. Кўнгли кенгликларни қўмсади. Кенглик... Қаерда бор? Ҳеч ерда. Бу шунчаки эскирган иборага айланган. Сиқиқ кўчаларга, сиқиқ ҳовлиларга кўз ўрганган, аммо кўнгил кўниколмайди.

Ҳозир ҳамма уйқуда. Фид эса мижжа қоқмайди. У бир неча кундан бери бедор. Ҳеч ким билан гаплашмайди. (Нима ҳақда гаплашсин?!) Ҳеч кимга дардини айтолмайди. (Унинг дардига шерик бўлгувчи тирик жон борми ўзи?!)

Фид ҳамхоналарини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб даҳлизга, ундан ҳовлига чиқди. Ҳаво дим. У пастак сим девордан ҳатлаб ўтиб тўғрига қараб кетаверди. Қаерга бораётганини ўзи ҳам билмасди. Аммо кўнгли кенгликни, бўшлиқни қўмсарди. Бундай жойнинг йўқлигини билса ҳам, қалбидаги яширин илинжга ишониб юриб борарди. Хаёли жиловсиз. Эътиқод, ният, эзгулик — қора тамға остида — бош кўтаришга ожиз. Сурур уни аллақачон тарк этган.

Тонготарда мўъжаз боғ рўпарасидан чиқди. Аслида бу боғ эмас, катта бир ўрмоннинг омон қолган бўлаги. Табиатни тизгинлаган унетликлар марҳамат тариқасида, ёввойи табиатдан ёдгорлик сифатида ҳар ўрмондан мана шундай бўлаклар қолдирган эдилар. Фид кенгликни шу ердан истаб топмоқчими?

Дунё тор. Бир қарич ҳам бўш ер йўқ. «Қаердадир кўнгилга таскин бера олувчи кенглик бўлиши керак,— деб ўйларди у.— Ёруғлик бўлмаса ҳам майли. Аммо поёни уфққа туташиб кетувчи кенглик зарур! Бусиз мумкин эмас... Алахсираяпманми?.. Тентакман... Бедорлик кучини кўрсатяпти. Саробни орзу қиляпман...»

Рутубат босиб турган баланд биноларга қараб келаверіб кўз толиқибди. Томоғи ҳам қуриган. Унинг назарида офтоб чиққан онлари жилваланувчи бу шиша бинолар — кенгликнинг сарҳади. Рўпарасидаги боғ, ўрмоннинг омон қолган бир бўлаги ҳам чегара. Кенглик ҳар томондан ўраб олинган. Сиқиқда қолган. Кўнгил шу чегарани ёриб ўтишни истайди.

Фид дарахтзорга кирди. Аввал қуриб-қақшаб ётган сўқмоқдан, сўнг майса қопланган захкаш ердан юриб кетди. Ўзи билмаган ҳолда, қадимги одати бўйича, ўнг

қўли билан дарахт баргларидан, тизза бўйи ўсиб ётган ўтлардан чимдиб узиб олиб чайнаган бўлди. Сокинлик. Гўё шаҳарнинг асабни эговловчи шовқини жилвагар баланд бинолардан безиб шу дарахтзор томон оқади-ю, дастлабки майсаларга дуч келгач, зах ерга сингиб кетади. Ҳатто қушларнинг овози ҳам эшитилмайди. Дарвоқе, қушлар... Уларнинг номлари билан суратлари табиат қўлланмаларидагина қолган. Ҳимоясиз қушлар Унет атмосферасидаги кескин ўзгаришнинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Фид тўхтаб атрофга зийраклик билан боқди. Тополмаслигини билса ҳам, бирон қушни кўриш илинжида жавдиради.

Осудалик... Кенгликдан нишонами? Одатда кенглик осудаликни, осудалик эса кенгликни тақозо этади. Бири бирисиз вужудга келмайди. Унетнинг бу бир парча ерида нима учундир фақат осудалик ҳукмрон. Кенгликнинг эса чор атрофи сиқиб қўйилган. Табиатнинг азалий қонуни замонга бўйсунишга мажбур.

Енгил шабада туриб бирдан димоғига мусофирхона ҳиди урилди. Дарахтзорда бундай бўй нима қилсин? Фид бу ҳидни кийимида, хотирасида олиб келган. Дам ўтмай бу ҳид дарахтзор иси билан қоришиб кетди. У дарахтга беҳол суянди. Мусофирхона ҳиди унга меҳрталаб донишмандларни эслатди. Мусофирхона — бу юртнинг ҳақиқий аъзоси эмас, балки жамиятнинг мусофирига айлантирилган, жамият талабларига жавоб бера олмай қолган, ёинки бирор фарази, бирор кашфиёти билан жамиятга зарар етказган донишмандлар уйи. Кунда уч маҳал овқат. Бир сидра кийим... Жамиятнинг шу марҳаматига шукр қилиб ўлимни кутиб яшашдан ўзга чора йўқ. Донишмандлар даврасига йўл беркитилган. Илм-фан даргоҳларининг яқинига йўлаш мумкин эмас. Фақат уч нарсага руҳсат бор: бир сидра кийимда юришинг, кийим эскирган чоғда янгисига алмаштиришинг, очдан бевақт ўлиб қолмаслик учун уч маҳал овқатланишинг мумкин. Қизиқ номутаносиблик: бевақт ўлиб қолмаслик

учун кунда уч маҳал овқат еб ўлимингни кутиб юрасан... Эрлда яшаш шароити йўқлиги ҳақидаги хабар келган куннинг эртасигаёқ Фид шу уйга юборилган эди.

Дарахт барглари орасидан барча нарсаларга қизиқишсиз, бефарқ қарайдиган бўлиб қолган ҳамхоналари мўралади. Уларнинг кўзлари бўм-бўш кенгликка қадалган. «Бемаъни гап! Бўш кенглик ҳеч ерда йўқ... Ҳатто хаёл ҳам банд. Тасаввур ҳам кенгликни унутган. Нимани излаяпман? Кенглик — балки ўлим чоҳидир? Шу чоҳ кенгликка олиб борар? Агар шундай бўлса, ҳаракатим бесамара. Мен излаяпман, ўлим эса мендан қочяпти. Наҳот, қолган умрим беркинмачоқ билан ўтса? Эрлдан келтирилган ўлжалар қора тамғани ювa олармикин? Ҳаётнинг миттигина учқунидан дарак топилганда ҳам ишимга қайтар эдим. Бир хато учун мусофирхонага ташлаш — ҳаддан зиёд бераҳмлик! Бераҳмлик? Илгари бундай деб ўйламас эдим. Мусофирхонага жўнатилаётган донишмандлар қисматига ачинмасдим. Нимага? Ўша хатоларни тузатиш мумкин эканлигини билар эдим-ку! Бир сўз билан айримларни олиб қолиш имконияти бор эди-ку? Худбин эдимми? Донишманд икир-чикирлар билан эмас, илм билан машғул бўлиши керак, деган «ғоя»га шунчалик қул эканманми? Икир-чикир? Донишманд қисмати, тақдирини шундай баҳолашга қандай журъат қилган эканман?! Менинг қисматим ҳам бошқалар учун икир-чикир масалами? Нақадар жаҳолат! Тараққиёт ва жаҳолат! Одам ўтган йўлига нима учун бу қадар кеч разм солади? Агар мусофирхонага тушмаганимда, шу фикрлар хаёлимга келар эдими?..»

Фид ўзининг бу саволига жавоб бера олмади.

Дарахтларни паналаганича Фиддан нигоҳини узмаётган ҳамхоналари жим. Улар Фиднинг дардли ўйларига бефарқлар. Қарашлари жонсиз, ҳаракатсиз. Кўзлари кенгликларни қамраб ололмайди. Улар аста-секин дарахтзорга сингиб кетдилар. Фақат бир жуфт кўз қолди. Бу — Пимнинг кўзи. Уни мусофирхонага жўнатиш-

ни биринчи бўлиб Фид талаб қилган эди. Орадан кўп ўтмай тақдир уларни ҳамхона қилиб қўйди. Йўқ, Фид қилмишидан пушаймон эмас. Пим мусофирхонага аллақачон жўнатилиши керак эди. Унинг айби билан каттагина бир кўл қуритилди. Кўлдаги сувнинг тобора камаяётгани аниқлангач, унетликлар олдида икки йўл кўндаланг бўлди: бири — катта харжлар эвазига кўлни сақлаб қолиш, иккинчиси — ундан воз кечиш. Кўлни сақлаш, шубҳасиз, катта маблағ талаб этади. Аммо, ундан кўриладиган фойда харажатнинг ярмини ҳам қопламайди. Иккинчи йўл учун ҳам харажат талаб этилади. Аммо келажакда олинадиган даромад бу харжларни қоплаши мумкин. Пим худди шу таклиф билан чиқди. Аниқ ҳисоб-китобларни, энг муҳими, олинажак даромадни қурол қилиб енгиб чиқди: кўл қуритилди, унга эса катта мукофотлар берилди. Лекин энг муҳим нарсанинг — табиат кўрадиган зарарнинг назардан четда қолганига кечроқ амин бўлишди. Табиатнинг чеккан озори учун Пим, Фиднинг назарида, бундан ҳам зиёдроқ жазога лойиқ эди. Афсуски, донишмандларга раво кўрилувчи ягона жазо — мусофирхона.

Фид мусофирхонага келгандан бери нигоҳи Пим билан тўқнашади. Аммо гаплашмайди. Бу ерда Пим сингари донишмандлар кўп. Фид улар билан ҳам мулоқатда бўлмайди. Фақат янглиш бир тасодиф жабрини тортаётганлар билан ҳамсуҳбат.

Ҳозир шу ҳамсуҳбатларининг кўзлари дарахт япроқлари ортида қолди. Йўқ, улар новдаларга, баргларга айландилар. Эрта-индин бу барглар сарғаяди, шохлар қуриб синади — тупроққа қоришади. Изсиз кетади... Нимагадир Пим ҳануз тикилиб турибди. Фид бу кўзлар таъқибини ҳар қадамда ҳис этади. Таъқиб нигоҳи шу дарахтзорга ҳам етиб келса на илож...

У яна ичкарилади. Кафтдек яланглиққа чиқиб тўхтади. Ўртада катта харсанг. Бу атрофда бошқа тош йўқ. Илгари харсанг остидан сув қайнаб чиқарди. Си-

ниб тушган шох-шаббалар, кўкатларда қумурсқалар ўрмалаб юрарди. Энди сув қуриган қумурсқалар ҳам йўқ. Бошқа сувли, нам ерларни излаб кетишдимикин ё қирилиб битишганмикин?..

Бу ерда ҳам юраги сиқилди. Уф тортди. Бошини қўллари орасига олиб харсангга ўтирди. Кетгиси келди. Қаёққа боради? Яна ўша мусофирхонагами? Нонушта пайти яқинлашди. Шунга шошяптими? Очдан ўлмаслик учун овқатланиб ўлимини кутиб ётишга ошиқяптими?

« Уф... дунё тор... жуда ҳам тор...»

Фид изига қайтди. Дарахтзордан чиқиб, йўл четида турган кимсага кўзи тушди. Тўхтади. Дарахтзор томонга қараб турган киши эса юра бошлади. Нигми?

— Ниг...— Фид шундай деб бир-икки қадам қўйди-ю, яна тўхтади. Ниг эса қадамини тезлатди. Юзма-юз келгач, у ҳам тўхтаб Фидга тикилди.

— Ниг...— Фиднинг лаблари титраб кетди.

— Фид!— Ниг бўшашиб турган қарияни қучоқлаб олди.

— Ниг...

— Гапирманг, ҳаммасини биламан.

— Ростдан ҳам янглишибманми?

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин.

— Ахир...

— Сизни шошма-шошарлик билан юборишибди. Мен сизни қайтаришларини сўраб Олий раисга мактуб ёздим.

— Раҳмат, Ниг. Аммо шу пайтгача янглишган донишмандни сира афв этишмаган.

— Шунинг учун ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолдик. Янглишган донишмандлар азоб чекди, янглишмайдиган тўнкалар эса роҳатда яшаб, сайёрамизни ўлим билан юзма-юз қилиб қўйди. Наҳотки шу оддий ҳақиқатни англашимиз бу қадар оғир бўлса!

— Ниг, куюнишинг ортиқча. Бу биз ҳал қиладиган масала эмас. Олий кенгаш бор.

— Олий кенгаш худди ўша бехато ишлайдиган олифталар қўлида. Бехато ишлашнинг нималигини биласизми? Мутлақо ишламайдиганларгина хато қилишмайди.

— Ниг, мана шу гапларни айтиш учун келдингми?

— Шуларни ҳам айтишим керак.

— Сафар ҳақида ҳисоб бергандирсан?

— Ҳа, албатта. Эрлда ҳаёт йўқ, деб дадил айтиш мумкин. Мен ҳайкаллар олиб қайтганман.

— Ҳайкал?!

— Ҳа. Худди бизга ўхшайди. Фақат сал кичикроқ.

— Буни нима учун хабар қилмаган эдинг?

— Мендан энг муҳим нарсани — Эрлда ҳаёт бор ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотни талаб қилишган эди.

— Атмосферанинг кимёвий таркиби, сув буғи-чи?

— Тахминларингиз исботланмади.

— Бутунлайми?

— Эрлга яқинлашмай туриб ўтказган спектроскопик тадқиқотимиз натижаси сизнинг ҳисоб-китобларингизга яқин чиқди. Аммо Эрл сатҳида олиб борган кузатувимиз бутунлай акс натижа берди... Менда бир фараз туғилди.

— Қандай?

— Балки Эрлда илгари ҳаёт бўлгандир. Уларнинг тараққиёти ҳам оқибатда ҳалокат билан тугагандир. Эрл аҳолиси ҳам бошқа сайёрадан паноҳ топгандир. Ёдгорлик сифатида ҳайкалларни қолдириб кетгандир. Балки Эрл аҳолиси Унетнинг аждодларидир?

— Ҳайкаллар тасодифан учрадими?

— Тасодиф дейиш ҳам мумкин. Аммо улар жуда ҳам кўп экан. Ҳатто дарахтлари ҳам бор.

— Агар Унетни ташлаб кетсак қандай ёдгорлик қолдирар эдик?

— Буни ўйлаб кўрганим йўқ.

— Ўйлаб кўришинг керак эди... Қивни дафн қилдингларми?

— Йўқ, текширишяпти. Ўлимининг сабабини аниқлай олишмаяпти.

— Сен бир олам сир олиб келибсан. Буни аниқлашга улгуриш мумкин бўлармикин?

ҚАЛТИС ҲАЗИЛМИ?..

Ниёз ҳеч бир мулозаматсиз машинанинг олдинги эшигини очди-да ўриндиқнинг чангини қоқди. Ўрнашиб ўтиргач, портфелини орқа ўриндиққа ташлади-да, эшикни қарс этиб ёпди. Унинг бу иши Йигитали акага бир оз малол келди. Ўзича: «Амални яхши кўрадиган иззатталаб тоифадан экан», деб қўйиб Давронга савол назари билан қаради. Даврон эса ҳеч нарса сезмагандай орқа эшикни очди.

— Кетдикми, Йигитали ака?

— Кетсак кетаверамиз-да...

Машина ўйдим-чуқур йўллардан шох ташлаб юриб кетди. Ичкарига чанг уфурди. Ниёз шошиб ойнакни кўтарди. Кейин чўнтагидан рўмолча чиқариб қават-қават қилиб тахлади-да, бўйнига ташлаб олди. Йигитали ака кўз қири билан унинг ҳаракатини кузатарди. Ниёзнинг нимасидир, юз тузилишими, башанг кийинишими Йигитали акага ёқмади. Одамнинг ташига қараб баҳо бериш нотўғри. Аммо бу меҳмон билан гурунг қуришга майли бўлмаяпти. Ўзи-ку, меҳмоннинг кўнглини олай деган мақсадда ярим тунда қишлоғига пиёда жўнаб машинасини олиб келди. Меҳмон яхшими, ёмонми, бари бир иззатини жойига қўйиши керак. Аждодлардан

қолган удум унинг вужудига сингиб кетган. Лекин бари бир бу йигитни жини суймайроқ турибди. Шунинг учунми, суҳбатни бошлаб юборгувчи ақалли бир калима ҳам тилга келмаяпти. Даврон ҳам нимагадир жим. Уйқуси чала бўлганми, кўзини юмиб олган...

Машина катта йўлга чиққач, Ниёз ойнакни туширди. Юзини шамолга тутди.

— Оҳ, оҳ, ҳавони қаранг, қаймоққа ўхшайди! — деди у.

Йигитали ака кулимсираб бош ирғаб қўйди.

— Машина ўзингизникими?

— Ҳа, ўзимники.

— Анча уринтириб қўйибсиз.

— Йўлни кўрдингиз, машина яна ҳам чидайди.

— Қанчага олган эдингиз? Бутунлай шалағи чиқмай туриб сотиб юборинг?

— Нимага?

— Нимага бўларди, янгисидан оласиз.

Йигитали ака Ниёзнинг гапидан ажабланмади. Аввал ҳам бир-икки одам шундай маслаҳат берган эди. Дунё дунё бўлиб, одам зоти идрок қила бошлагандан бери неча юз авлод янгиланди. Аммо уларнинг тоифаларида сезиларли ўзгариш йўқ, дейиш мумкин. Чунки яхши ва ёмон одам минг йиллар илгари ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд. Бу тушунча яна неча аср сақланиб қолар экан? Ҳозир бировга «ёмон одам» деб баҳо бериб бўлмайди. Кўринишидан бинойи, ақлли, саводли, биров билан гаплашганда жилмайиб туради. Қани, шу одамни айблаб кўринг-чи! Мана шу эскиб бораётган машинани сот, деб ақл ўргатаётганларни ёмон одам, деб бўладими? Бир қарашда улар машина эгасига куйинишяпти, ачинишяпти. Бошқа томондан-чи? Энг биринчи ўринга ўз манфаатини қўювчиларга «муқаддас» деган тушунча борлигини уқтириб бўлармикин? Куйиб-пишиб гапираётган чоғингизда мийиғида кулиб, сизни масхара қилса-чи? Йигитали ака умри давомида ҳар хил

одамни кўрди. Бугунги меҳмоннинг гаплари унинг кимлигини ошкор қилиб қўйди.

Суҳбатни Ниёз бошлади. Мезбонлик бурчи Йигитали акага уни давом эттириш мажбуриятини юклаган эди. Тушунтириш учун эмас, азбаройи суҳбатни давом эттириш учун Йигитали ака меҳмонга бир қараб олиб «Йў-ўқ, буни сотолмайман», деди.

— Сотолмайман, деганингиз нимаси, саксон минг юрибди, анави матахни орқасига айлантириб йигирма мингга келтиринг, у ер-бу ерини артиб, мойлаб, буранг, тамом. Шаҳарга олиб боринг, камида олтига сотасиз, мен кафилман.

— Сотаман десам, шу ерда ҳам харидор топилади. Аввалambор, меҳмон, кўзбўямачиликка тоқатим йўқ. Қолаверса, бу машинани мукофотга беришган. Ҳар қанча пулдан ҳам қимматли.

— Мукофотга?

— Ҳа.

— Илгари қаерда ишлардингиз?

— Қишлоқ одами қаерда ишларди, пахтада-да.

— Механизатормидингиз?

— Керак бўлганда механизаторлик ҳам қилганмиз.

— Ие, шундай ишни ташлаб...

Ниёз гапини ниҳоясига етказа олмади. Даврон унинг елкасига аста туртди. Ниёз орқасига қаради:

— Уйғондингми?

— Ҳозир барханларнинг орасидан ўтамиз.

Ниёз Давроннинг муддаосини англаб «Бир гап борга ўхшайди», деб қўйди. Мазмунсиз савол-жавобдан иборат «гурунг» узилди. Ниёз яна юзини шамолга тутди.

— Эшитишимга қараганда, баъзи бировлар то кузгача гаштини суриб, терим бошланиши билан далага чиқар экан. Беш юзми, олти юз тоннами териб бир машинанинг пулини киссага уриб яна кетаверар экан, шу гап ростми?

Йигитали ака Ниёзга бир қараб олди.

— Рост. Шундайлар ҳам бор.

— Мен сизни ўшанақа одам демоқчи эмасман, яна қўнглингизга келмасин.

— Бе, меҳмон, сира кўнглимга келмади. Гапировиринг.

— Мукофотга машина беришган бўлса чакки ишламаган экансизда. Орденлардан ҳам борми?

— Бор.

— Нечта?

— Санаш шартми?

— Шунчаки қизиқиш-да... Ҳар ҳолда экспедицияда юрганингиз қизиқ туюляпти.

— Дўхтирлар касбингизни ўзгартиринг, дейишди.

— Экспедиция ишини тўхтатса нима қиласиз?

— Унгача, худо пошшо, кўчада қолмасмиз.

— Бола-чақалар қўлтиғингизга кириб қолишгандир?

— Ҳа...— Йигитали ака Ниёзга қараб кулди.

— Нимага куляпмиз?— деди Ниёз ўзини ноқулай сезиб.

— Бунчалик қизиқувчанлигингизни билсам, уйда ёзиб қўйилган таржимаи ҳолим бор эди, шуни олволар эканман.

Даврон кулиб юборди. У кулганда юмалоқ юзи яна ҳам тўлишгандай бўлар, кўзлари қисилиб кетарди. Йигитали аканинг ҳазили Ниёзга ҳам ёқди. Овозини баралла қўйиб хахолади.

Йўл четидаги дарахтлар сийраклаша бошлади. Кўп ўтмай машина икки томонида қум барханлари ястаниб ётган йўлга кирди. Давроннинг назарида бу қумлар ғаройиб сирларини одамлардан яшириб ётганга ўхшайди. Қизилқумдаги ёки Қорақумдаги барханлар ҳеч кимни таажжубга солмайди. Лекин водийнинг қоқ ўртасида митти саҳронинг ястаниб ётиши сирли туюлади. Даврон бу йўлдан ҳар ўтганида шуни ўйлайди. «Нима бу? Табиатнинг қалтис ҳазилими? Балки қадимда водий ўрни

бус-бутун шундай бўлиб, одамларнинг матонати туфайли бўстонга айлангандир? Балки қумлик билан олишган бобо-калонларимиз авлодларга ёдгор бўлсин, деб саҳронинг бир қисмини табиий музей сифатида қолдиришгандир?..»

Тарам-тарам бўлиб турган қум барханлари кун тиккага келгач, қуёшнинг ўтли тиғида қизигандан-қизийди. Жонсарак калтакесаклар одам шарпасидан чўчиб ин-инига кириб кетадиган бўлиб қолган. Бу жониворларнинг ҳам ҳаловати бузилган. Барханлардан одамзод оёғи аримайди. Тунови йили шу йўлдан ўтаётганида қумликка саксовул экиб юрганларни кўрган эди. Саксовул икки қарич бўлиб қолибди.

— Қумга бир нарса экилган, шекилли?— деди Ниёз Давронга қараб.

— Эрта баҳорда райҳон сепиб қўйишган эди,— деди Даврон Ниёзнинг жоҳиллигидан ғаши келиб.

— Жуда ишондим,— деди Ниёз унинг киноясини тушуниб.

— Ўртоғингиз ҳазиллашяптилар. Қумликка саксовул экишган.

— Саксовул? Нима кераги бор экан? Бу ерларни ўзлаштиришмоқчи эди-ку?

— Нима деяпсиз, салкам ўн минг гектар келади бу қумлик. Эпақага келадигани ўзлаштирилди. Қумни ерга кўмиб, соз тупроқ тортиб пахта экишяпти. Далани қум босмасин, деб саксовул ўтқазишяпти. Бечораларга ҳам жабр. Ҳар йили саксовул экишади.

— Тутмайдими?

— Тутишга-ку тутади, энди бош кўтарганда пода ҳайдаб қўйишади. Қанча жанжал ҳам бўлган. Жарима ҳам тўлашган. Бари бир аҳвол ўзгармайди. Саксовулга икки йил тегмасангиз фойданинг тагида қоласиз. Аммо шунга сабр қилишмайди.

— Йигитали ака, сиз деҳқон одамсиз,— деди Дав-

рон,— қумликни бора-бора бутунлай йўқотишади, шу ишни тўғри деб ўйлайсизми?

— Халқимизнинг табиатида тек туриш одати йўқ. Ғимирлагани-ғимирлаган. Ярим қулоч ер бўш ётганини кўрса, у-бу экиб қўяди. Қумнинг ўрнини ҳам экинзор қилиб юборишади.

— Шунда тўғри бўладими?

— Бунинг нимаси нотўғри?

— Қумликларни бутунлай йўқ қилиш иқлимга таъсир этмайдими?

— Бунинг фойда-зарари менга қоронғи. Сизлар олим одамларсиз. Мен қайдан билай?

Йигитали аканинг бу гапи Ниёз учун бир фатво бўлди. Ниёз ҳар қандай даврада, ҳар қандай шароитда билимларини намойиш қилишга тиришар эди. Кўп ҳолларда (даврадагиларнинг савиясига қараб) «Замон алломаси» даражасига ҳам яқинлашиб қоларди. Гап табобатга тақалса янги касалликлардан, фазовий муаммолар хусусида гап кетса, қайси сайёрада ҳаёт борлигидан сўз очарди. У анойи эмас — бу янгиликларни сира излаб, ўқиб, ўрганмаган. Давра, гурунгларда эшитганларини хотирасида маҳкам сақлаб қоларди. Қулоғига илганлари энди у учун ҳақиқатга айланар, тахминларни эртасига бошқа даврада бор гап қилиб кўрсатарди. Табиийки, унинг билимидан мукофотга машина олган киши ҳам хабардор бўлиб қолиши керак. Экспедициядагиларнинг кўпи Ниёзни танимайди. Унинг билимдон вакил эканини шу Йигитали ака етказади-да.

Ниёз сўзни табобатдан бошлади. Йигитали аканинг хасталиклар ва янги даво усуллари билан қизиқиши табиий. Шунинг учун Ниёз гапирган сари унга нисбатан бўлган илк фикрлари ўзгара борди. Вакилнинг маза-бемаза сўзларидан энсаси қотган Даврон эса индамай ўтираверди. Ниёз баъзан «Тўғрими?», деб орқасига қараганда ҳам гапиришга ҳуши келмай бош ирғаб қўя қоларди.

— Ҳозир рак ҳеч гап бўлмай қолди,— деди Ниёз ястанганича лабига сигара қистириб.— Энди одамлар юракдан кетяптилар. Ўлимнинг олтмиш фоизи юракдан. Туппа-тузук одам таппа ташлайди, тамом. Ўттиз процент ўлим автомобиль ҳалокатидан. Рак билан ўлганлар учинчи ўринда.

— Менам шунақа деб эшитаман,— деди Йигитали ака.— Илгарилари тўппа-тўсатдан ўлиш кам бўларди. Энди тез-тез эшитамиз. Бизнинг қишлоқда-ку, унчалик эмас, шаҳарда кўп дейишади. Сабаби нима экан?

— Сабаби оддий: қон босими...— деди Ниёз сигарани олиб айлантирар экан. Кейин лабига қистириб тутатди. Йигитали ака тасодифий ўлимнинг сабабини билолмай қолди. Ниёз гапни «Америка томонда кечагина бўлган даҳшатли довул» ҳақидаги янги хабарга бурди. Даврон ғижиниб қўйди-ю, индамади.

Ишемик касалларни келтириб чиқарувчи омиллар оддий карражадвал каби маълум бўлиб қолган паллада «мулла йигит»нинг жавобдан бўйин товлаши унинг жоҳиллигидан яна бир далолат эди. «Тараққиётнинг жадаллиги, ҳавонинг ифлосланиши, шаҳарнинг шовқини, ишдаги асабий тортишувлар, жисмоний ҳаракатнинг ҳаддан зиёд камайиб кетиши оқибатлари ҳақидаги мақолалар матбуот саҳифаларидан тушмай қолган. Шулардан биронтасини ҳам тузук-қуруқ ўқимаган бўлса керак. Қумликларни текислаш Ниёзга топширилса бирикки йилдаёқ саранжомлайди. Оқибатини суриштириб ўтирмайди. Дўппига қўшиб фақат бошни эмас, оёқ-қўлни ҳам қийма-қийма қилиб олиб келади. Агар катталардан биронтаси қумликни кенгайтир деса, бутун водийни қулинг ўргилсин саҳрога айлантириб беради. Биз катта авлод орасидаги қобилиятсиз олимлардан ранжиймиз. Бу соҳада қандай ўрнашиб қолган, нима учун зукко устозлар уларга йўл очиб беришган, деб бош қотирамиз. Мана жавоб: Ниёз илм даргоҳига қандай кирди, қандай юрибди. Унинг порлоқ истиқболи ҳам тайин. Ҳеч қачон

хор бўлмайди. Қариган чоғимизда бир ёш йигит келиб: «Ниёз Мансуров деган саводсиз одам археологияда нима қилиб аралашиб юрибди?», деб қолса жавоб бера оламизми?»

Қумлик ортда қолгач, Даврон йўл кўрсатиб кетди. Шунда ҳам Ниёз узуқ-юлуқ «илмий» ахборотларнинг бир талайини айтиб ташлади. Машиналари район марказидаги китоб дўкони олдида тўхташи билан ичкаридан паст бўйли, тўладан келган бир йигит чиқди-да, уларга пешвоз юрди. Даврон билан қучоқлашиб кўришди. Қолганлар билан икки қўллаб, қуюқ сўрашди. Даврон уни «Камолхўжа, синфдошим, шу районга ичкуёв», деб таништирди. Камолхўжа меҳмонларнинг муддаосини эшитгач, «Аввал эшикка ўтмаймизми?», деб сўради, сўнг жавоб кутмай «Майли, эшикка оқшомда ўтамиз, пича ўтира-турингланр», деб машинасига ўтирди-да, қаёққадир кетди. Ярим соатга қолмай етиб келди. Машина тепасига балиқ овлайдиган тўр ташлаб олган. Ёнида узун бўйли ориқ йигит. Даврон уни дарров танади — Зокирали. Балиқ ови деса ўзини томдан ташлайдиган Зокиралини бу атрофда танимайдиган одам йўқ деса бўлади. Камолхўжа кимни ишга солишни билади.

Зокирали Даврон билан омонлашгач, «Вақтим зиқ, бир соатга сўраб келдим», деди. Камолхўжа «жим бўл», дегандай қўл силтаб уни меҳмонларга таништирди:

— Мучали туя,— деб қистириб ҳам қўйди.

— Ҳайрон бўлмайсизлар, меҳмонлар,— деди Зокирали унинг ҳазилига жавоб қайтарар экан,— китоб дўконига мол мудир бўғондан бошлаб мучал битта кўпайиб қоган.

Ҳамма мириқиб кулди. Камолхўжа: «Олдинг, туя, олдинг!» деб уни елкасига қоқиб қўйди. Ҳамма Камолхўжанинг машинасига ўтирди. То дарёга етиб боргунларича аския тинмади. Давронга уларнинг одатлари яхши таниш. Бу ерликларнинг оғир ҳазил қилишларини,

ҳар бир одамнинг лақаби бўлишини Йигитали ака ҳам билади. Шунинг учун у ҳам аскияга қўшилди. Фақат Ниёзгина бу очиқ оғир аскиянинг оқибатини ўйларди. «Ҳазиллари чинга айланиб кайфни бузишмаса эди», дерди. На Камолхўжа, на Зокирали Ниёзнинг кимлиги билан қизиқди. Даврон ҳам уни тузук-қуруқ таърифламади. Устига-устак Ниёзга сўз тегмади. У кўпроқ мана шундан эзилди. Бу қувноқтабиат мезбонлардан нафратланди. Айниқса улар аския орасида: «Ҳайрон бўлмайсизда, меҳмон, ҳазилимиз шунақа», деб қўйишганда: «Нима, мен тўнкамижозмидим, аскияга тушунмайдиган», деб ғижинарди.

Машина қумли қирғоқда тўхтади. Зокирали тушган заҳоти ҳеч кимга қарамай тўрни олиб ёйди-да, узилган ерларини улай бошлади. Тўрни ҳатто балиқчиларнинг пирига ҳам бермаслик кераклигини неча бор айтиб кимнидир сўкди. Камолхўжа эса машинанинг юкхонасини очиб иккита эски кўрпача, кейин тўрхалтадаги ичимлик ва егулик нарсаларни қуриб, қовжираб қолган ўт устига қўйди. Сўнг иккита пиёлани тўлдириб ароқ қуйди-да, бирини Ниёзга узатди.

— Олинг, меҳмон, танишганимиз учун!— У шундай деб пиёлани бўшатди. Газета устида тартибсиз қалашиб ётган сомсадан газак қилиб Зокиралига қаради.

— Сенам куйдиргингга ичволасанми?— Камолхўжа ундан жавоб кутмай пиёлани тўлдириб узатди.

— Ма, меҳмон билан ол. Қани, меҳмон, охиригача, саломатлик бўлаверсин...

Ниёз қанчалик қаршилик кўрсатмасин, зўрлаб охиригача ичиришди. «Дам олиш» шу зайлда бошланди.

Тўр тайёр бўлгач, Зокирали билан Камолхўжа дарёга тушди. Тўрни сувга ташлаб, иккови икки томондан тортганича аста юра бошлашди. Камолхўжанинг бўйи паст бўлгани учун қирғоқ томонда, Зокирали эса қуйироқда бўйнигача сувга ботиб борарди. Чуқурроқ ерга келганда шўнғиб кетар, дам ўтмай саёзроқ жойга чиқиб

тўхтаб қолган шеригига «Юрмайсанми!» дегандек қўл силтарди. Овоз чиқармасди. Шу зайлда улар анча узоқлашишди.

Ширакайф бўлган Ниёз балиқчиларга бирпас қараб ўтирдида, кейин туриб кийимларини ечди. Эҳтиётлик билан тахлаб машина ўриндиғига ташлаб қайтгач, кўрпачага мук тушди. Йигитали акага йўлдаги маърузаларининг давомини ўқий бошлади. Эндигина дили яйраётган Йигитали ака унинг гапларидан безиб: «Балиқчилардан хабар олай», деган баҳонада туриб кетди.

— Водийнинг одамларига тушуниб бўлмайди. Ҳаддан ташқари сермулозамат. Меҳмоннинг атрофида парвона бўлишади. Лекин юракдан иззат қилишмаса керак, дейман. Мулозаматлари сохтадир-а?

— Сен ҳамма нарсани ўз бўйингга қараб бичасан. Сохта муомалани сенга чиқарган, ҳатто айрим ҳаракатларинг ҳам сохта бўлади. Бировга юракдан яхшилик қилмайсан. Шунинг учун ҳамиша бошқалардан гумонсирайсан.

— Сен нима учун уларга менинг кимлигимни айтмадинг?

— Уларга бари бир. Амалинг билан ишлари йўқ. Сен меҳмонсан, тамом!

— Қани, қуй, қўрс бўлсанг ҳам сени яхши кўраман, ичингда киринг йўқ. Сени имкони борича қўллайман. Дўстлигимиз учун ичайлик!

Даврон ароққа ичайми-ичмайми, деб тикилиб турди. Сўнг бир қарорга келиб ичиб юборди. Бир кўзи қисилиб қолаёзган Ниёз алжий бошлади. Даврон унга иккинчи кўрпачани юмалоқлаб ёстиқ қилиб берди-да, «Чўмилиб чиқаман», деб дарё томон юрди.

Дарё суви лойқа. Қирғоқдаги қумларни силаб эринчоқлик билан оқади. Илгарилари чилла пайтида ҳам сув машина турган ергача чиқарди. Энди анча тортилибди. Оролгача бемалол сузиб ўтиш мумкин. Одамлар оролга камдан-кам ҳолларда сузиб ўтадилар. Болаликда жин-

дан қўрқишади, кейин илон бор, тўнғиз бор, деб чўчишади. Давроннинг қишлоғи бу ердан машинада юрилса, икки соатлик йўл. Аммо оролнинг шуҳрати, оролда гўё юз берган ғаройиб воқеалар ҳақидаги миш-мишлар уларнинг қишлоғигача ҳам бориб етарди. Даврон болалигида уч-тўрт марта дадаси билан келган. Дадаси улфатлари билан балиқ овлаб чақчақлашиб кетарди. У эса қирғоққа ўтириб олиб сирли оролни томоша қиларди. Назарида, чўпчаклардаги бутун даҳшатли мавжудотлар шу оролга ин қўйган эди. Ёши улғайгач, оролнинг ҳуснига мафтун бўла бошлади. Болалик тасаввуридаги инсу жинслар ердан кўтарилган ҳовур каби буғланиб кетди.

Орол ўша-ўша. Узоқдан туриб қарасанг кўз тўймайди. Илон каби буралиб оқувчи дарё шу ерга келганда иккига ажралган, уч чақиримдан сўнг яна бирлашади. Қўш кокил янглиғ ирмоқ орасидаги орол эса яшнаб туради. Наъматак, тўранғи, ёввойи жийда, бақатерак жой талашгандек айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Сувга эгилиб турган жийда барглари кумуш каби товланади. Атроф сокинлик ҳукмида. Дарёнинг оқиши ҳам, оролдаги қалин дарахтзорнинг эпкинда тебраниши ҳам улуғвор. Даврон шуларга қараб қолиб чўмилишни унутди. Хаёлини моторли қайиқнинг овози бузди. Қайиқ унга қараб бурилиб тумшуғи билан қумга санчилиб тўхтади. Эскирган дўпписини қошигача бостириб кийиб олган, шимининг иккала почаси ҳам тиззасигача ҳимарилган қисиқ кўзли йигитча сакраб тушиб Давронга салом бердида, қўш қўллаб кўришди.

— Тартиббузарлар ким, десам, ўзимизникилар экан-да,— деди у кулиб.— Зокирали акага ўхшайди. Мени танимадингиз-а, Камолхўжа аканинг жиянлари бўламан. Ўтган йили кўришган эдик. Менам дўконда ишлардим.

Даврон уни таниган, аммо исмини эслолмай турган эди.

— Энди шу ерларни қўриқлаш менга топширилган,— деди йигитча,— юринг, оролни айлантирай.

У қайиқни орқага итариб чаққонлик билан чиқиб олди-да, моторни юргизди. Даврон ҳам чиқди.

— Ёввойи сигирларни кўрасизми?— деди йигитча. Даврон тушунмади.

— Уч-тўртта сигир пайдо бўлган. Дарёда сув камлигида ўтишган. Кейин қайтиб ўтиша олмай ёввойилашиб қолишган. Одамни кўрди дегунча қочади.

Қайиқ учли тумшуғи билан сокин оқаётган сувни иккига айириб илгарилади. Тинчи бузилган дарё унинг ортидан анчагача чайқалиб турди. Қайиқ оролга яқинлашганда Давронда ғалати бир ҳис уйғонди: оролга тушгиси, мана шу ёввойи чакалакда қолгиси, ёлғиз яшагиси, дунё ташвишларидан, шовқинларидан яширингиси келди. Нима учундир одамлар, ҳатто балиқ тутиб юрган дўстлари, раис билан курашиш ўрнига аччиқ қилиб аразлаб юрган Йигитали ака, дарёдаги балиқлар қўриқчиси бўлган шу қисиқ кўзли йигит ҳам кўзига хунук кўриниб кетди. Ёдига тушган барча танишларидан нафратланди. Бунинг учун асос ҳам топди. Даврон мана шу одамлардан хаёлан қочиб оролдан паноҳ излади. Аммо хаёлини яшин каби ёритган бу фикр худди шу яшин каби бир онда сўнди. Аввало, у сира бундай қилолмаслигини билади. Истак билан ирода ўртасидаги тафовутдан кўп қатори Даврон ҳам баҳраманд. Қолаверса, тарки дунё билан муддаога эришиб бўлмайди-ку! Айтайлик, бирор кимса ёлғиз яшамоққа журъат қилди. Шу ҳаракати билан нимага эришади? Фақат ожизлигини намойиш этмайдими?! Бундан кўра ёмонни очиқ-ойдин ёмон дейишга, у билан курашишга интилган афзал!

Даврон оний истагини шундай фикрлар билан қоралаб, хаёлга ботиб ўтирарди. Қайиқ тезлигини камайтириб қалқиб кетди.

— Ана, қаранг, яқин борсак, қочади,— деди йигит унинг ўйга ботиб ўтирганини сезмай.

Даврон ялт этиб у кўрсатган томонга юзланди. Соҳилда уч сигир уларга сергакланиб қараб турарди. Қайиқ яқинлашгач, учови бир лаҳзада орқасига бурилди-да, икки ёнга қаппайиб чиқиб турган қоринларини селкиллатиб югуриб кетди.

Дарахтлар уларни одамлар паноҳидан яширди.

— Кўрдингизми, ёввойилашиб қолган,— деди йигит қайиқни буриб, тезликни оширар экан.

— Энди уларни нима қилишади?

— Нима қилишарди, сув саёзлашгач, қишлоққа бориб сигирлар кимники бўлса, олиб чиқсин, бўлмаса отиб ташлаймиз, деб эълон қилишади.

— Ким?

— Овчилар жамияти-да. Бу ерларни қўриқхонага айлантиришар эмиш. Шунинг учун уй ҳайвонларини боқиш мумкин эмас экан. Эгалари олиб кетмаса отишади, турган гап. Бу ерда қадим жайрондан тортиб йўлбарсгача бўлган экан, энди шуларни олиб келиб кўпайтирамиз, дейишяпти.

Қайиқ сувни тўлқинлатиб қирғоқ бўйлаб боради. Даврон кўзини оролдан узмайди. Назарида ҳар бир бута ортидан сигирлар жавдираб қараётгандай, «Одамдан ҳуркиб қочиб кетишди... Одамни энг онгли, энг олий мавжудот деймиз. Лекин айрим ҳаракатларида онгнинг зарраси ҳам сезилмайди. Ҳайвонларни аёвсиз қириб юборди. Илгари очдан ўлмаслик учун ов қилган. Кейин шунчаки ҳавасга ўлдира бошлади... Ўз нафсини қондириш учун эркдан айириб қафасда сақлайдиган бўлди. Қазилма пайтида неча хил номаълум ҳайвоннинг, неча хил ўсимликнинг изига дуч келдик. Мутлақо қирилиб кетган ҳайвонларнинг саноғи йўқ. Яхши ҳамки, борларини сақлаш ҳаракатига тушилди. Йўқса, ер юзидаги ҳайвонот дунёси яқин йилларда музейлардаги тулуплардан иборат бўлиб қоларди... Буталар ортига

ёввойилашган сигирлар яширинган. Биз ёввойилашган деймиз. Йўқ, улар аслига қайтган. Ахир, қадимда ёввойи ҳолда яшаган-ку. Пода-пода бўлиб, аҳиллик билан ўзларини душманларидан ҳимоя қилганлар. Кейин эса одамлар уларни тартиб билан ўлдириш учун ўз паноҳларига олганлар. Энди бу ҳайвонларнинг ўзларини ҳимоя қилишларига ҳожат қолмаган. Чунки ногаҳоний ўлим йўқ. Емиш излаб сарсон кезмайдилар ҳам. Ҳамма нарса муҳайё! Ана шуларнинг бир нечаси аслига қайтибди. Одамдан қочяпти... Озодликка, эркка ўрганиб, тартиб билан ўлишдан ногаҳоний фожиани афзал деб билиб, ҳар нарсани муҳайё қилгучи одамдан буткул нафратланиб буталар орасидан паноҳ топиб юрибдиларми? Оғилхоналарига қайтгилари йўқми?

Ажаб, тараққиётнинг юксак погоналарига интилаётган одамлар ҳам озгинагина муддатга аслларига қайтсалар нима бўларкин? Йўл қўйган, йўл қўяётган хатоларга дарҳол барҳам беришга ўзларида куч, ирода топа олармидилар? Ёлғончилик, адоват, ичқоралик, амалпарастлик, худбинлик, жоҳиллик, қийпичоқ бўлиш... Эҳ-ҳе, биз назарга илмаган хасталиклар озми? Шулар чакалак орасидан ойдинроқ кўринар, балки давоси ҳам равшан бўлар... Балки... лекин одам ҳеч қачон аслига қайтмайди...»

— Эҳ-ҳе-ҳе-е!— Қайиқнинг орқа томонида ўтирган йигит ўрнидан туриб қўл силтади. Давроннинг хаёли бўлинди. Йигитга жавоб ўрнида бақириб қўл силтаётган балиқчи ҳамроҳларига қаради. Оролни айланиб дам олиш ўрнига дили сиёҳ бўлди. «Бемаъни инжиқликларим авжига чиқяпти, нима кераги бор шунақа хаёлларни», деб ўзини койиди-да, ўрнидан туриб у ҳам қўл силкитди. Табиийки, чакалакзорни паналаб тикилиб турган сигирларни сезмади.

Балиқ қовурилгач, Ниёзни уйғотишди. Ҳам арақнинг таъсири, ҳам офтобда ётиб қолганидан анчагача ўзига келолмади. Туриб, юзини ювиб қайтгунча ҳеч ким

балиққа қўл урмади. «Иштаҳа учун» яна «оз-оз» отилгач, Ниёз асл ҳолига қайтди. У қўлига бир парча балиқ олганича тинмай жаврар, бошқалар дастурхонга қарашни ҳам, қарамасликни ҳам билмай ўтиришарди. Бу ерликларда меҳмонни гапиртириб қўйиб овқат ейиш одати йўқлигини Даврон яхши биларди. Шу сабабдан тез-тез Ниёзнинг гапини бўлиб турди.

Балиқ сайли шу зайлда Даврон учун кўнгилхунлик билан ўтди. Айниқса Ниёзнинг бир қилиғи ўлганнинг устига тепган бўлди. Орқага қайтаётганларида Қамолхўжа яқинроқ йўлдан кетамиз, деб эни беш қадамлар келадиган саёз анҳорга дуч келди.

— Оббо, лаънати, оқавага рўпара бўлибмиз. Кечагина қуруқ эди,— деди у.— Сизлар тушиб турингларчи, бир ҳаракат қилиб кўрай. Балки ўтиб кетарман.

Машина ўтолмади. Олдинги ғилдираклари нариги қирғоққа тегиши билан тўхтади. Биринчи Зокирали, кейин Даврон, уларнинг кетидан Йигитали ака ҳам пойабзалларини ечиб, шимларининг почасини ҳимариб сувга тушдилар. Ҳа, ҳа билан машинани чиқариб олдилар. Кейин тўртовлари ҳам ажабланиб меҳмонга қарадилар.

— Ҳа, ўтмайсанми?— деди Даврон унга.

— Шамоллаб қоламанми, деб...

У сўзини тугатмай Зокирали яна қайта сувга тушди.

— Қани, опичинг, меҳмон,— деди у елкасини тутиб.

— Э, Зокирали ака, қўяверинг, ўзи ўтади,— деди Даврон Ниёзнинг қилиғидан ранжиб. Ниёз эса бирпас иккиланиб тургач, опичди. Зокирали уни олиб ўтди. Ориқ Зокиралининг чиллакдай оёғига, оғир юкдан эгилиб, қилтиллаб юришига, унинг устида чалпакдай бўлиб турган Ниёзга қараб Давроннинг ҳам кулгиси келди, ҳам нафратдан бўғилди. Қамолхўжа эса одати бўйича Зокиралини аския қилиб кулди. Йигитали ака аскияга қўшилмади. Аччиқланганини яширмасдан, индамай бориб машинага ўтирди.

Қамолхўжа машинасини тўғри уйига ҳайдади. Баланд ишком остидаги ёғоч сўрида жой тузоқлик эди. Қамолхўжанинг аёли ошхона остонасида турганича ийманибгина сўрашди-да, ўзини ичкари олди. Зокирали кичкина тўр халтадаги балиқларни ошхонага элтиб берди.

Қоронғи тушгач, Даврон Ниёзнинг жилиш нияти йўқлигини сезиб:

— Режанг қандай? — деб сўради.

— Менга бари бир,— деди Ниёз елкасини қисиб.— Командировкадаги одамман...

— Биз ҳозир изимизга қайтамиз. Борасанми ё?..

— Қўй, ўша қазилмаларингни, бордим, кўрдим, етади. Менга ишонавер, сени қўллайман. Ишинг юришиб кетади. Мен шу ердан уйга қайта қоламан.

— Қайтишга пича шошмай туринг, одамзодга дам ҳам керак,— деди Қамолхўжа уларнинг суҳбатига қўшилиб. Буни эшитиб Ниёзнинг чеҳраси ёришиб кетди:

— Аммо ўғилбола гап айтдингиз. Ошнангизга ҳам ўргатинг шунақа гапларни.

Қамолхўжа қанча аврамасин, Даврон оёқ тираб туриб олди. Ошдан сўнг икки пиёладан чой ичдилар-у, Ниёзни Қамолхўжанинг ихтиёрига топшириб йўлга чиқдилар.

— Вакил қарғамижоз одам экан,— деди Йигитали ака машина ўрнидан жилгач.

— Нимага?

— Қарға учиб келса ҳеч ким хурсанд бўлмайди, учиб кетса хафа бўладиган одам топилмайди. Элнинг қарғишига учраган одамни ана шунақа — қарғамижоз дейдилар.

Даврон бировнинг орқасидан ёмонлашни хуш кўрмасди. Шунинг учун Йигитали аканинг гапи тасдиқсиз қолди. У юзини шамолга тутганича жим борарди.

— Гапларига қараганда, ишларни тўхтатишлари ҳам мумкин экан, шу ростми?

— Рост, шунинг учун келган.

— Қўллайман, дейди, балки тўхтатишмас.

— Э, Йигитали ака, дунёда ҳеч нарса кўрмаган одамга ўхшайсиз-а. Ишни тўхтатиш масаласи унга мутлақо боғлиқ эмас. У шунчаки бир қўғирчоқ. Ариқ бошида бошқа зўрроқ одам ўтирибди.

— Ажаб одамлар бор-да, тегганга тегади, тегмаганга кесак отади. Бекмирзаев ҳам шу ерни деб талашиб юрарди. Сиз айтган зўрроқ одамга нима қутқулиги тушибди бу ишнинг.

— Уларнинг шахсий адоватлари бўлган.

— Олим одамлар шунақа бемаъни бўлади, дейишса, қишлоқдагилар сира ишонмайди. Улар олимларни ҳаддан зиёд ақлли, покиза, деб юрадилар-да. Адоват мактаб кўрмаган, бекорчи, жоҳилларнинг юмуши.

Даврон кулиб қўйди. Йигитали аканинг гапи тўғри. Унинг ўзи ҳам мактабда ўқиб юрган кезлари шу фикрда эди. Институтнинг дастлабки курсларида илмий унвони бор ўқитувчилар кўзига фариштадек кўринарди. Вақт ўтиб, домлалар ҳақидаги майда-чуйда гаплар қулоғига кира бошлаганда аввалига ишонмади. Кейинчалик олимларнинг бошқа одамлардан фарқи йўқлигига, фақат яхшилик, эзгулик эмас, ёмонлик, аблаҳлик ҳам қила олишларига амин бўлди. Болалик сурури сўна борди. Айниқса илмий унвони бор икки муаллимнинг уч-тўрт талаба орасида «Сендан мен кучлиман», «Бекор айтибсан, илминг паст», қабилидаги тортишувига гувоҳ бўлгач, улардан буткул ҳафсаласи пир бўлди.

Аммо у олимлар орасида ҳавас қилса арзирли одамлар ҳам борлигини биларди. Даврон доцент Бекмирзаев ҳақида ҳамиша илиқ гаплар эшитарди. Сўнгги курсда ўқиётганида талабалар бағоят ҳурмат қилувчи бу домланинг назарига тушиб, қувончдан терисига сиғмай юрди. Бекмирзаев камтар, шу ўринда ниҳоят даражада инжиқ, сержаҳл эди. Давронни ҳам баъзан ғазаблаб қоларди. Бироқ шогирдининг хижолат бўлиб индамай

турганини кўриб дарров ҳовуридан тушар, «Ке, қўй, хафа бўлма, аммо кўзингга қараб иш қил», деб насиҳат қиларди.

Даврон Йигитали акага «Адоватларининг сирини билмайман», деб нотўғри айтди. Адоват сабабларини Бекмирзаевнинг ўзидан эшитган, аммо уни бировга айтишга шу топгача ҳожат сезмаган эди. Бекмирзаевнинг нотўғри йўл тутган институт раҳбарларига қарши олиб борган кураши, ҳал қилувчи паллада ёлғиз қолгани, махсус комиссиянинг тафтиши, Бекмирзаевнинг ҳақ бўлиб чиқиши, курашдан ўзини олиб қочганларнинг энди амалга интилиши ҳатто талабаларга ҳам маълум эди. Кўпчилик улар ўртасидаги адоватга шу, яъни, Бекмирзаевнинг амалга ўтиролмагани сабаб, дерди. Бу фаразнинг пуч эканини Даврон яхши биларди. Бекмирзаев ҳеч қачон амалга интилмаган. Институт раҳбарларини фош қилиши ҳам амал учун эмас, адолат учун эди. Раҳбарлар ҳақида сўз кетгудай бўлса, баъзан Даврон: «Аслида шу ўринга сиз ўтиришингиз керак», деб қўярди. Шунда Бекмирзаев бош чайқаб: «Йўқ, мендан раҳбар чиқмайди. Бунга яраша қобилиятим йўқ. Раҳбар қўл остидагиларни «отанг яхши, онанг яхши», деб ишлата билиши керак. Мен ўзимни тута олмай бирикки бақириб пўписа қилсам, энг меҳнаткаш одамни ҳам ишдан совутиб қўяман. Кейин амалга сира ишониб бўлмайди. Қадимда ҳам «Тожи-тахт бевафо» деб ўтишган. Бўзчи билганини тўқиши керак. Мен илм деб юрибман. Шуни эпласам ҳам катта гап», дерди.

Адоватнинг асл сабабини Даврон кейинроқ билди: Бекмирзаевнинг уйига қадрдон дўстларидан бири синглиси билан келиб «Синглим ўқишга кирди, вақт-бемаҳал хабар олиб тур», деб тайинлаб кетади. Бекмирзаев қиздан тез-тез хабар олиб туради. Бир куни оқшом чоғи борса, қизнинг уйида ўша нусха ўтирибди. Институтда ишлайдиган яна бир нусха бор. Бекмирзаев бу жувон ҳақида кўп ёмон гапларни эшитган, шунинг

учун салом-алик ҳам қилмасди. Бекмирзаев сўрамасданоқ воқеани англаб ошиқ раҳбарнинг бўйнидан бўғиб кўчага судраб чиқади. Эртасигаёқ дўстини чақиртириб қизни ҳам уйига жўнатади. Сири фош бўлган раҳбар Бекмирзаевдан ўч олиш ниятида уни имкон туғилса-туғилмаса чалишга ҳаракат қилаверади. Тўғрироғи, сири фош бўлгани учун эмас, «Энди Бекмирзаевнинг қўлида қурол бор, амални олиш учун жанг қилади», деган хавотирга тушгани учун унинг кўзини очирмасликка интилади.

Серҳаракат ва сержаҳл устозини эслаб Давроннинг кўнгли бузилди. Машина чироғи тун бағрини поралаб қумликлар орасидан ўтди. Йигитали ака ҳамроҳининг руҳи чўкканини сезиб кўп гапга солмади. «Бизникида дам олиб қайтасиз, эрталаб ўғлим келтириб қўяди», деб машинани қишлоқ томонга бурди.

Машина чироғи қоронғилик бағрини поралаб борарди. Дарахт кўланкалари сапчиб-сапчиб, худди сакраётган одамга ўхшаб кетарди. Бирданига рўпарада бўйи икки ярим-уч метрли, фазогирлар кийимидаги яссибош одам кўринди. Даврон Йигитали ака ҳам кўряптимикин, деб унга қаради. Йигитали ака йўлга тикилганича хотиржам ўтирарди. Демак, фақат Давронга кўринаётган экан-да! Кеча тунда улар икки киши эди. Бугун бир ўзи. Даврон бошини суянчиққа қўйиб кўзини юмди. Яна қулоғи шанғиллади. Ҳуштак чалинди. Кейин эшикнинг ғижирлашини эслатувчи овоз...

ЯНГИ АВЛОД

(Иккинчи учрашув)

Ниг Унетга қайтар чоғида яқинлари билан кўришиш онларини, улар билан қандай муомала қилишни кўп ўйлаган эди. Шубҳасиз, ёру дўстларининг айримлари ҳаётдан кўз юмган бўлади. Бошқаларининг эса ёши

улғайган, ҳаётий тажрибалари ошган, дунёқарашлари ҳам қисман (балки буткул) ўзгарган. Сирдош бегонага, ҳамфикр ғоявий мухолифга айланган бўлса ҳам ажаб эмас. Юртдан узоқларда юриш уни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан бир оз бўлса-да, ҳолдан тойдирди. Коинотдаги вақт оқими Унетдаги сингари бўлмагани учун йилларнинг ўтгани, ёш улғайгани юзида акс этмади.

Тиббий кузатув муддати тугаб юртдошлари билан мулоқатда бўла бошлагач, кутилмаган воқеалар, гап-сўзларни эшитиб дам қувонди, дам ғазабланди, дам ҳайратланди. Нима учундир бегонасирай бошлади. Хотини билан ҳам очиқ гаплаша олмайди. Уч ўғли, икки қизи насиҳатга қулоқ тутадиган ёшдан аллақачон ўтган. Ҳатто биринчи учрашувдаёқ Эрлга қилинган муваффақиятсиз сафар учун оталарини, яъни Нигни айблашдан ҳам тап тортишмади. Ҳеч нарсани билмаган ҳолда, сўраб-суриштирмай туриб уни жамиятга зарар келтирган донишмандлар қаторида тилга олишди. Ўз фарзандларидан бундай айбномани эшитишни Ниг сира ўйламаган эди. Шунинг учун Фиднинг мусофирхонага жўнатилганини эшитгач, у қадар ҳайратланмади, ғазабланмади ҳам. Воқеага нисбатан ҳавойи баҳо бериш унетликларнинг қон-қонига сингиб кетган экан, бундан яхшироқ гапни кутиш қийин.

Хотини қарибди. Юзларини ажин босибди. Айрилиқнинг ҳар йили бир чизиқ бўлиб тортилган. Тез-тез хасталанади. Юрак безовта. Соғинч оташидан ажралиб чиққан ҳар бир хўрсиниш чўққа айланиб, юракка доғ бўлиб тушган. Хуллас, кампирга айланаёзган хотинининг умри кипригига илиниб қолган эди.

Ниг уйига сиғмади. Суҳбатдош йўқ. Дардкаш йўқ. Хотини эса... Уни Эрлга учмасдан илгари беҳад севарди. Сафарнинг дастлабки кунлари у юртидан ва суюкли хотини, фарзандларидан узоқлашаётгани учун қаттиқ қийналди. Жисми сафарда бўлди, қалби Унетда

қолди. У Унетга, хотини, фарзандларига талпиниб яшади. Етишди. Нимадан норози? Нима учун ҳамма, ҳатто хотини бегонага ўхшайди? Орадаги узоқ йиллар уларнинг севгисига барҳам бердими?

Фарзандларининг ташқи кўриниши худди ўзининг ёшлиги. Ингичка ва узун оёқ, калта қўл, гавдага нисбатан каттароқ ва яссироқ бош... Ўғилларнинг сочи эрта тўкилибди. Жағлари ҳам одатдагидан кичикроқ. Нигни бу эмас, балки турмуш қурган ўғил-қизларининг ҳануз бефарзандлиги таажжубга солди.

— Мени невараларим ҳам кутиб олса керак, деб ўйловдим,— деди у оила катта давра қурган маҳалда.

— Нима демоқчи бўлаётганингизга тушундим,— деди тўнғичи Нигга сира ёқмайдиган бир оҳангда.— Сизни бизнинг бефарзандлигимиз қизиқтирса керак?

— Ҳа, албатта. Турмуш қуришнинг маъноси...

— Сиз тез эскириш бобида фалсафанинг биринчи ўринда туражагини унутибсиз чоғи. Турмуш қуришнинг ҳеч қандай маъноси қолмаган ҳозир. Табиий зарурат туфайлигина турмуш қурилади.

— Сен каби «донишмандлар» тўқиган фалсафа эскириши мумкин, аммо ҳаёт фалсафаси сен айтганчалик эмас. Ҳаёт сўнмаслиги учун насл қолдирилади. Тушунярсанми, ҳаётнинг давом этиши учун!— Ниг кейинги сўзларини чертиб-чертиб гапирди.— Сенинг гапларинг — худбинлар фалсафаси!

Тўнғич ўғил отасини энди кўраётгандай тикилиб қолди. Кўзлар учрашгач, мийиғида кулди.

— Худбинлар фалсафаси, дедингизми? Йўқ.— У ўрнидан туриб дераза томонга юрди. Қуёшнинг ўтли тиғини тўсиб турган кўкимтир пардани кўтарди. Хона ёришиб кетди. У деразани ҳам очди.— Бир қаранг, атроф қандай гўзал! Қуёш сахийлик билан нур сочади. Тупроқ унумдор — қуриган чўп тушса қайта кўкаради, тўйиб-тўйиб нафас олиш — қандай роҳат!

Нигнинг хотини кўкрагини ушлаб йўтала бошлади.

Тўнғичи дарҳол деразани ёпиб, пардани туширди. Онаси тинчлангач, гапини давом эттирди:

— Кўрдингизми? Яхши ҳамки бахтимизга шу оддий парда билан алмисоқдан қолган конденционер бор... Мен фарзандларимга шуларни раво кўришим керакми? Йўқ, мен уларнинг бўғилишини истамайман. Улар туғилиб нима кўрадилар? Қанча яшайдилар? Биз — ўзимиз яна неча йил яшаймиз? Унетда яна қанча вақт ҳаёт кечириш мумкин? Бевақт ўлим ҳамма ерга соя ташлаб турган онда фарзандни дунёга келтириш — жиноят. Буни биз — янги авлод тўғри тушуниб етдик.

— Сиз, яъни, янги авлод ниҳоятда тушкунликка берилибсиз. Курашмоқдан чекинишни афзал билишни нима дейиш мумкин?

— Курашмоқ... Қандай курашни назарда тутяпсиз? Курашдан фойда борми? Жилла бўлмаса учқундан умид борми? Йўқ, ҳеч нарса йўқ! Биз энг бахтиқаро авлодмиз. Бизга ўлаётган сайёрани мерос қилиб қолдиряпсизлар. Биз уни сақлаб қола олмаймиз. Қолдиришга арзирли меросимиз бўлмагани учун ҳам фарзанд кўришни истамаймиз. Сизнинг худбинлик ҳақидаги гапингизни қуруқ сафсатага йўйишга мажбурман. Афв этинг. Сиз узоқ вақт ҳаётдан ажралиб яшадингиз. Кўп нарсалар ўзгарди. Шуларни ҳисобга олинг, беҳуда баҳслашишни бас қилинг. Ўғил сифатида огоҳлантириб қўйишим лозим эди. Буни бажардим.

Дарҳақиқат кўп нарсалар ўзгарган эди. Ҳаттоки ота-ўғил ўртасидаги муомала ҳам бошқача. Ниг буни дарҳол хазм қила олмади. Хазм қилиши мумкин эди. Ниг ана шундай нотаниш ҳалқадан чиқиш учун Фид билан учрашувга ошиқди. Уни дарахтзордан топиб, кўнгли бир оз бўлса-да, таскин топди. Фид фан оламидаги муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилганини унутиб бошини бир томонга эгганча жон куйдириб гапира бошлади. Демак, унетликларнинг барчаси ноумид эмас. Сайёранинг келажагига, ҳаёт-

нинг давом этишига ишонувчилар, курашувчилар бор. Бадбинлик — янгилик эмас, у ҳамиша жамият ривожига халақит бериб келган. Ҳал қилувчи паллада хуружга кирибди. На илож, кураш жабҳаси яна биттага ошибди. Ниг шу топда Фид билан илм бобида баҳслашишни истамасди. Шунинг учун гапни бошқа томонга бурди.

— Мим ҳам оламдан ўтибди,— деди у ғамгин оҳангда. Фид унинг мақсадини англади. Бир оз жим бўлди-да, кутилмаганда:

— Унга ачинмаслик керак,— деди.

— Нимага?

— Ўзини ўзи ўлдирди. Хоинлик қилди.

— Хоинлик? Кимга?

— Аввало ўзига, кейин жамиятга, фанга. Мен қўрқоқларни сира кечира олмайман.

— Сиз баъзан ҳаддан ошириб юборасиз.

— Сен узоқ вақт сафарда бўлдинг. Кўп нарсалар ўзгарди.

— Мен бу гапни неча минг марта эшитяпман. Саноқдан ҳам адашдим.

— Мим нодир қобилиятли донишмандлар силсиласидан эди. Унетни ўшандай донишмандлар даҳоси билан сақлаб қолишимиз мумкин эди. У эса... аввал болаларини, кейин хотинини, кейин ўзини...

— Ўлдирдими?

— Шундай деса ҳам бўлади. У сайёранинг ўлимга мутлақ маҳкум эканига тўла ишонч ҳосил қилиб ҳамма нарсага бефарқ қарай бошлади. Болалари хасталанса ҳам эътибор бермабди. Касаллик аввал болаларини, кейин хотинини олиб кетди. Кейин билсак, даволанишга мутлақо рухсат бермас экан.

— Бу фалсафанинг аввал боши ўзимиздан экан-да... Мен эсам куюниб юрибман.

— Бундайлар кўпайиб қолди. Тушкунлик ҳалокатни тезлаштиради. Биз шундан сақланишимиз керак. Донишманд энг сўнгги имкониятдан ҳам фойдаланишга

улгуриши лозим. Ўлимдан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Аммо у билан тўқнашишга шай туриш керак. Шундай туриш керакки, жонингни осонликча ололмасин. Сенга дуч келганига пушаймон есин! Мимга ўхшаб ўлимни чақириб олувчилар туғилган онлариёқ ҳаётдан бенасиб бўлсалар минг карра яхши эди. Жамиятга ортиқча юк бўлишмасди.

— Мимни бу қадар айблашингиз ноўрин, у жамиятга кўп хизмат қилди.

— Яна хизмат қилиши мумкин эди. Шу гуноҳи барча яхши ишларини ювиб кетди.

Ҳамсуҳбатларнинг асаблари таранг тортилган эди. Қай соҳадан сўз очилмасин баҳсга айланарди. Кўнглига таскин истаб келган Ниг бундан безор бўлди. Суҳбатни тезроқ тугаллашга шошилди. Фидни мусофирхонага кузатди-ю, орқасига қайтди.

Ниг шундан сўнг бир неча кун кутубхонага қамалиб олиб донишмандларнинг сўнгги ишлари билан танишди. Замбаракни тепаликка судраб чиқариш мушкул. Аммо у қўлдан чиқиб кетса, ҳеч тўхтатиб бўлмайди. У йўлида учраган нарсани босиб, янчиб кетаверади. Унетнинг тараққиёти худди шу замбаракка ўхшайди. Яқиндагина барча илм аҳли замбаракни юқорига чиқариш билан банд эди. Барча замбаракни оддий тепаликка эмас, балки олий чўққига кўтаришга, шу чўққидан туриб ўқ узиб табиат устидан қозонилажак ғалабани тезроқ нишонлашга шошилди. Ўқ узилди. Аммо байрам нишонланмади. Замбаракнинг ўқ узганида силкиниши, сўнг пастга қараб шўнғиб кетиши мумкинлигини улар билардилар. Аммо замбарак ғилдиракларини маҳкам тутиб турувчи сим арқонларга ишонган эдилар. Афсуски, сим арқон чириган эди. Энди кексаю ёш, қобилу ноқобил донишманд замбаракни ҳеч бўлмаганда ярим йўлда тўхтатишга интиларди. Тахминлар кўп, аммо фожиани бартараф қилувчи аниқ йўл йўқ.

Нигдаги руҳий ўзгаришни сезган тиббий ходимлар

уни дарҳол денгиз соҳилига юбордилар. Ниг уларга кўпам қаршилик қилмади. У кейинги йиллар ичи фақат денгиз шовқинини эшитган эди. Фазовий кемага ўрнатилган видеомагнитофондаги денгиз мавжларига қараб тин оларди.

Денгиз соҳилидаги бу шаҳар кўриниши ҳам бошқалари каби совуқ, жонсиз. Бинолар жунжикиб тургандай, шовқиндан эса замин титраётгандай туюлади. Соҳил одатдагидай гавжум эмас. Денгиз тўлқинлари аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай тарзда соҳилга бош қўяди. Қатта-кичик харсангларга тўш уради. Аммо унинг сирли шовиллаши эшитилмайди. Шиддати сезилмайди. Гўё заъфарон сув ҳам ўлаётгандай. «Ўлаётгандай? Аллақачон ўлиб бўлган...— деб ўйлади Ниг денгизга ҳорғин тикилар экан.— Бу сувда нима қолди? Қони сўриб олинди. Сув эмас, кераксиз суюқликка айланди...»

Шаҳар то соҳилга қадар бостириб келган. Соҳилдаги баҳайбат иншоотлар сувнинг қонини сўриб олувчи канага ўхшайди. Беҳад катта қувурлар аждаҳо сингари сувни ҳўплаб шу иншоотларга юборади. Ўнлаб фильтр, магнит майдонлари, электр разрядлари сув таркибидаги темир, туз, тиллани ажратиб олади-да, бошқа қувурлар орқали жонсиз суюқликни денгизга қайтариб тўкади.

Ниг соҳилда узоқ туриб қолди. Қарашлари вазмин. Толиққан кўзларини бир оз юмиб видеомагнитофондаги тасвирларни ёдига олмоқчи бўлди. Йўқ, унутибди. Бадани жунжикди. Қўлини орқасига қилганича аста юра бошлади. Бир қулочли харсанг пойида сочилиб ётган балиқ суякларини кўриб энгашди. Кейин мавжланиб турган денгизга қаради. «Ҳозир балиқ бормикин? Қолмагандир. Биз атмосферанинг ифлосланишидан, кислороднинг камайишидан бўғиляпмиз-ку, балиқ таркибида ҳеч вақо бўлмаган суюқликда яшай олармиди?! Темир, туз, олтин... Жуда қимматга тушди бу хом ашёлар. Энди уларни қайта эритиб, қайта миллиграммлар-

га айлантириб сув таркибига сингдириб бўлармикин? Бўлишга-ку бўлар, лекин қандай усулда? Тараққиёт ёки ўлим! Икковидан бирини танлашимиз керак. Ҳалокат тобора яқинлашаётган бўлса ҳам, ҳеч ким тараққиётдан юз ўгиргиси келмаяпти...»

Денгиз азоб билан тўлғанади. Сапчиётган кучсиз тўлқинлар Нигни лаънатлагандай бўлади. Денгизнинг алами бор. Қанча лаънатласа шунча оз...

Ниг кўзини денгиздан узиб тез-тез юриб кетди. Шундан сўнг соҳилга бошқа яқинлашмади. Уйга қайтишни мўлжал қилиб турганида Марказнинг ўзи шошилинч чақирди. Эрлдан келтирилган ҳайкалларнинг таркиби текширилаётганда тажрибахона портлаб кетибди. Ниг ўша заҳоти йўлга отланди.

Эрлдан олиб келинган ҳайкаллар таркибида мураккаб органик моддаларнинг мавжудлиги сўниб қолаёзган умид учқунини яна ёндирди. Фид қонунга хилоф бўлса-да, ўша куниёқ мусофирхонадан чақириб олинди. У Ниг билан олдинма-кейин Марказга кириб борди. Фидни мусофирхонага ҳукм қилган донишмандларнинг Олий кенгаши ундан йўл қўйилган хато учун узр сўраб, ишни қайта бошлашни илтимос қилди. Фид учун узрнинг ҳожати йўқ эди. У сира қалбида гина сақламасди. Фаразининг тасдиқ бўлгани унга энг олий мукофот эди.

Марказий тажрибахонага Унетда мавжуд барча илмларнинг мутасаддилари тўпланган эди. Дастлабки тажриба пайтида юз берган портлашнинг сабаби тез аниқланди: кимёвий қоришмалар танлашда мураккаб органик бирикмалар назардан четда қолган экан. Икки қути турли ҳажмдаги тошлар билан тўла бўлишига қарамай, ҳайкалнинг бармоғидан синдириб олган тажриба ходими агар тирик қолганда тезлик билан мусофирхонага жўнатилар эди. Портлаш уни узоқ йиллар давом этадиган уқубатдан озод қилибди.

Илмий фараз ҳаётий ҳақиқатга айлангунга қадар денгиздаги тўлқинлар сингари неча бора қояга бош уради, неча бора синиб ортига қайтади, уни неча бора инкор этадилар, аммо бир мартагина тан оладилар. Фиднинг фарази ҳам шу жараённи ўтади. Эрлга сафар қилган фазогирлар тошдан бўлак ҳеч вақо йўқ, деб қайтган эдилар. Тош таркибидан эса мураккаб органик бирикмалар чиқиб турибди. Органик бирикма — ҳаёт демак! Тирик оқсил моддаларни ташкил этувчи аминокислоталарнинг йигирма хили Эрлдан келтирилган тошда бор экан. Йигирма хил! Яна етти тури мавжуд бўлса Унетдаги тирик жон билан тенглашади.

Инкор ва исбот ўртасида ақл бовар қилмас даражадаги тафовут девори ҳосил бўлди. Унетда туриб олиб борилган ультрабинафша спектрометр таҳлил Эрл атмосферасида сув буғи бор, деб хулоса чиқарди. Фазогирлар эса «Эрлда сув йўқ», деб хабар қилишди. Ниг Эрлда тирик жон кўрмадик, дейди. Тошлар таркиби эса: «Йўқ, Эрлда ҳаёт бор!», деб турибди. Қалаванинг учи чигаллашган. Ечишни қаердан бошлашни ҳеч ким билмайди.

Фид хонасидаги юмшоқ курсига чўкиб ўтирганича хаёлга берилган эди, Нигнинг кириб келганини дастлаб сезмади. Ниг унинг ўйга ботганини кўриб остонада бир оз турди. Сўнг томоқ қириб Фид томонга юрди.

— О, Ниг, азизим, ҳозиргина сени ўйлаб ўтирган эдим,— деди Фид ўрнидан туриб, у билан кўришар экан. — Мен ажиб бир нарсани кашф қилдим.

— Табриклайман,— деди Ниг, сўнгра Фиднинг илтифотига миннатдорлик билан бош силкиб қўйди-да, ўтирди.

— Мен фазода учиб тушган дарбадар тошлар тарихини яна синчиклаб ўрганиб чиқдим. Бундан икки юз ўн бир йил муқаддам Зау[1]га тушган тошнинг таркиби-

[1] **Унетнинг табиий йўлдоши.**

ни қайта текширдик. Унинг таркиби билан Эрлдан келтирилган тошлар таркиби деярли бир хил. Зауга тушган тош таркибида ортиқча моддалар кўп. Бунинг сабаби оддий: ахир тош коинотга узоқ йўл босиб келган-ку!

— Қашфиётингиз шуми?— деди Ниг унинг гапидан таъсирланмай.

— Ахир биз энди Эрлнинг ёшини аниқлай оламиз-ку! Эрлда бир вақтлар кучли портлашлар бўлган. Зауга тушган тош ўша портлашларнинг гувоҳи. Кейин сайёра совий бошлаган. Сен олиб келган тош бунга далил. Унинг қайси бир бўлагида ҳаёт мавжуд. Ахир сен Эрлнинг ҳамма сатҳини пиёда айланиб чиқмагансан-ку!

— Ҳа, менинг айбим ҳам шу.

— Сени ҳеч ким айблаётгани йўқ.

— Ҳа... Мен белгиланган режа бўйича юрдим, режа бўйича сайёра устидан бир неча бор учиб ўтдим. Кўрганларимни рўй-рост айтдим. Мен режадан четга чиқиб бўлса ҳам узоқроқ юришим керак эди.

— Нима учун?

— Гапларимнинг пучга чиқмаслиги учун. Мусофирхонага лойиқ бўлиб қолдим.

— Қўрқяпсанми?

Ниг Фидга қараб истеҳзо билан кулимсиради.

— Йўқ, қўрқмайман... У ерга юбормасликларини биламан. Чунки мен белгиланган режа асосида тўғри ишладим.

— Унда нимага чайналяпсан, гапларингга тушуниб бўлмаяпти.

Бизда ҳамма нарса белгилаб қўйилган. Биз шу чегарадан ўзимизча чиқа олмаймиз. Қачонгача...

— Бўлди, ниятингга тушундим. Ҳозир бош қотирадиган муҳимроқ ишлар ҳам бор. Бундай хаёлларни қувиб юбор. Миянг фақат бугунги иш билан банд бўлсин. Файласуфлигингни кейин қиласан.

Ниг Фидга тикилиб қаради-да, унинг гапларидан ғаши келдими, ўрнидан туриб чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Кетяпсанми?— деди Фид.

Ниг остонага етганда тўхтаб орқасига қаради.

— Хаёлларимни қувиб келмоқчиман,— деди у киноя билан.

— Маъқул. Аммо бир саволимга жавоб бериб кет: Эрлда юрган чоғларингда ҳеч қандай ҳаракат сезмадиларингми?

— Ҳаракат?

— Ҳа, масалан, тошлар ёки ҳайкаллар ҳаракат қилмадими?

— Бир жойда... ҳа, рўпарамиздаги ҳайкаллар юргандек бўлди. Шошиб борсак, қотиб турибди.

— Суратга олмадингларми?

— Йўқ, улгурмадик.

— Яхши, эртага барвақт кел, янги тажриба бошлаймиз.

Фид ўзининг табиатидан келиб чиқиб Нигга: «Хаёлларингни қувиб юбор», деб маслаҳат берган эди. Унинг ўзи бирор иш билан машғул бўлган онларда отасини ҳам танимай кетарди. Муомаласи ҳаддан зиёд расмий, баъзан асабий бўларди. Шахсий масалаларда гаплашишни зинҳор истамас эди.

Аммо ҳамма ҳам Фид каби бўлолмайди. Айниқса Ниг. У ҳар нарсадан ўзича таъсирланиб, эзилиб, турли хаёлларга бориб юраверади. Айни чоғда илм билан ҳам шуғулланаверади. Унинг бундай пайтда кўп нолиши, баҳслашишини Фид яхши билади. Шунинг учун сўз бошлаши ҳамоноқ қайириб ташлайверади. Бугун ҳам шундай қилди:

Бироқ хаёлларни қувиш осон бўлмади. Масаланинг бу қадар чигаллашганига Ниг аввало ўзини айбдор деб билди. У Эрлда эканида нимагадир эътибор бермаган, ниманидир назарга олмаган. Оқибатда йиллар самарасиз кетди... Тун мана шундай тўлғоқли хаёллар билан ўтди. Қанча ухлаганини билмайди. Назарида кўзи бир зумгина илинди-ю, бир онда чўчиб уйғонди. Бадани зир-

қираб, боши ғувиллайди. Туриб юришга тоқати йўқ. Аммо тажрибахонага бориши керак. Фид кутиб туради.

Ниг қўшни хона эшигини очиб ичкарига кирди. Хотини уйғоқ. Бир нуқтага тикилиб ётибди. Ниг унга яқинлашиб пешонасига қўлини қўйди.

— Кетяпман.

— Тинчликми?— деди хотини хаста овозда.— Туни билан ухламай чиқдингиз?

— Ким айтди?.. Мен яхши ухладим... Ўзинг-чи?

— Уйқум келмади...

— Дориларингни...

— Қўяверинг, ўзим оламан.

— Агар болалар келишса...— Ниг гапни бошлашга бошлади-ю, нима деб тугатишни билмади.

— Кутиб туришсинми?— деб сўради хотини унинг айтолмай турган мақсадини англаб.

«Кутиб туришсинми?» Нима учун? Аввалги сохта муносабатларни, кераксиз баҳс, ўринсиз таъналарни давом эттириш учунми? Унда нима сабабдан «Болалар келишса...», деб бошлади? Ўзи ҳам «Кетиб қолишмасин», демоқчи эди-ку! Болалари маънавий жиҳатдан узоқлашиб кетган бўлишса ҳам, бари бир уларни кўргиси келади. Хаста хотини билан ёлғиз яшашга сира кўника олмаяпти.

— Кутиб туришсинми?— деб қайта сўради хотини.

— Агар вақтлари бўлса кечқурун бирга овқатланамиз.

Ниг шундай деб энгашди-да, хотинининг заъфарон юзидан ўпиб чиқиб кетди. У хаста одамнинг қиёфасида Фидга рўпара бўлди. Фид унинг руҳи синиқ эканини бир қарашдаёқ фаҳмлади. Шу сабабли ҳам ҳол-аҳвол сўраб ўтирмади.

— Ҳозир йўл қўйган хатойимизни аниқлашга ҳаракат қиламиз,— деди у Нигнинг елкасига қўл ташлаб ичкарига бошлар экан.

Тажрибахонада иш анча барвақт бошланган эди.

Ойнаванд қути атрофидаги ходимлар Фид кириши билан тажрибага ҳамма нарса тахт эканини маълум қилишди. Фид Ниг билан қутига яқинлашди.

— Манави суюқлик — Эрлдаги тирик жон асоси. Йигирма турдаги аминокислота йиғиндиси. Биз уни тошга айлантирамиз.

— Қандай қилиб?

— Бир фараз туғилди. Биз ҳаддан ташқари эҳтиёткорликка берилиб, сизларни керагидан ошиқроқ даражада авайлаганга ўхшаймиз. Ҳимоя мақсадларидаги «*Z*» нури Эрлдаги тирик жонга таъсир қилмадимикан?

— Бизга таъсир қилмади-ку?

— Органик моддалардаги фарққа эътибор қилмаяпсанми? Сен анави ерга ўтир. Синчиклаб кузат.

Фид шундай деб Нигга қутининг ўнг томонидаги курсини кўрсатди. Ўзи чап томонидагисига ўтирди.

— Тайёрмисиз?

— Тайёрмиз.

— Бошланг!

Суюқлик кўз очиб юмгунча бир парча тошга айланди.

Ниг бир Фидга, бир қути ичидаги тошга ҳайрат билан қаради.

— Масала равшан,— деди Фид хотиржам ўрнидан турар экан.— Масала равшан. Кутилажак мингта хатарнинг олдини оламиз-у, аммо албатта мутлақо ўйланмаган минг биринчи тасодифга дуч келамиз.

— Энди нима қиламиз?

— Нима қилардик? Ҳайкалларга қайта жон ато қиламиз. Бизга «*Z*» нинг кучини қирқувчи нур керак. Сен олиб келган ҳайкал эмас — тирик жон. Бунга аминман.

Бу тажриба бошқа донишмандлар иштирокида ҳам бир неча марта намойиш қилингач, салкам тўрт соат давом этган илмий кенгашда ҳайкалларга қайта жон ато этиш масаласи ҳал этилди. Бир гуруҳ донишманд-

лар зиммасига «Z» нинг кучини қирқувчи «Z — х» нурини кашф этиш вазифаси юкланди. Фид билан Нигга эса Эрлни тинмай кузатиш топширилди.

Ниг марказий тажрибахонадан чиққанида оқшом чўккан, аммо кундузги жазираманинг нафаси сўнмаган эди. Сайёранинг умуртқасини қирсиллатиб юборгудай бўлиб турган гумбазсимон баҳайбат бинолар печ каби ўзидан иссиқлик чиқарарди. Тартибсиз равишда кетмакет қурилган баланд иморатлар орасидан шамол ўтмайди. Бинолар дудли булутларни найза сингари илиб олганча тутиб тургандай. Кўчаларда ҳаракат сийрак. Ҳамма уйда жон сақлайди. Ниг сафарга отланмасдан илгари қайси бир меъмор «Шаҳарни ҳам энига, ҳам узунасига тўғри чизиқ бўйлаб кесиб ўтувчи икки кўча бўлиши зарур. Шунда ҳаво алмашиниши яхшиланади», деган таклифни ўртага ташлаган эди. Бу гап барчага маъқул келиб, таклифни амалга ошириш чоралари белгиланган эди. Бироқ гап гаплигича қолиб кетибди. Ҳозир кўпчилик ўша таклифни эсламайди ҳам.

Ниг уйига келганда болалари давра қуриб овқатланишарди. У хотинидан ҳол-аҳвол сўрагач ювиниб келди-да, тўрдан жой олди.

— Иш кўп шекилли?— деб гап қотди тўнғичи унинг кеч қолганига шама қилиб.

— Ҳа.

— Бирор янгилик борми?

— Бор.

— Қандай?

— Вақти келганда эшитасан.

— Қивни дафн этиш маросими эртага белгиланганми?

— Ҳа. Овқатингни е.

— Ўлимининг сабабини билмай дафн этишмоқчими?

— Аниқланмади, деб ким айтди? Узоқ сафарга юраги чидаш бера олмаган. Бундай ишга фақат хоҳиш, ирода кифоя эмас.

— Шундайми?— тўнғичи заҳархандалик билан кулимсиради.

— Нимага куляпсан?

— У ҳолда Эрлга фақат юраги бақувватлар олиб кетилар эканда? Масалан, менинг юрагим жуда нозик. Демак, мен Унетда ўлимимни кутиб қолавераман. Онам ҳам. Сиз эса...

— Бас қил! Овқат маҳалида кўп гапирма.

— Мен овқатимни еб бўлдим. Ҳар ҳолда...

— Юрагинг ҳилвиллаб қолган бўлса ҳам сен учасан.

— Тушунарли. Сиз ёрдам берасизми?

— Мен ҳеч кимга ёрдам бермайман. Аввало Эрлга кўчиш масаласи ҳали ноаниқ. Ҳозирдан сафсата сотишга ҳожат йўқ. Ундан ташқари сен ўзингни Қив билан тенглаштирма. Қивнинг бошидан кечирганлари, асабий юк, руҳий кучланиш сенда бўлмайди. Қив сафарга отланганда нималарга дуч келишини, тирик қайтиш-қайтмаслигини билмасди. Сен эса тайёр овқатга борасан. Юрагинг безовталанмайди. Бадбин ўйларга берилмай чуқурроқ таҳлил қилсанг яхшироқ бўларди.

— Ҳаракат қиламан.

— Нимага овқат ейишларингнинг мазаси йўқ. Уришиб қолмадиларингми, ишқилиб.

— Уришиш учун сабаб бўлиши керак,— деди тўнғичи бошқалар учун гапириб.— Биз кўпдан бери бундай сабабга дуч келмаймиз.

— Дуч келмаганларинг яхши.

Қайфиятимиз йўқлигини тўғри сезибсиз. Бугун Мек ўлди.

— Мек? Ким у?

— Ҳа... сиз уни танимайсиз. Саккиз йилдан бери Унетда бола туғилмайди. Бундан хабарингиз бор. Мек саккиз йил илгари Унетда туғилган сўнгги гўдак эди.

Нимага ўлибди, касал эканми?

— Овқатингизни енг, кейин айтиб бераман.

Ниг иштаҳаси бўлмаса ҳам, ўзини мажбур қилиб

овқатланди. Оғзини сочиқ билан артиб ўғлига «Мен тайёрман, гапингни бошлайвер», дегандай қаради. Қизлари ўрнидан туриб дастурхонни йиғиштиришди. Сўнг ҳаммалари оналарининг хонасига кириб кетишди. Хонада Ниг тўнғич ўғли билан қолди.

— Унинг ўлимига мен айбдор эмасдирман?— деди Ниг болаларининг қилиғидан ранжнб.

— Сизни ҳеч ким айблагани йўқ-ку?

— Укаларинг...

— Улар воқеани миридан-сиригача билишади. Ҳикоямнинг улар учун қизиғи йўқ... Мен Мекнинг отасини яхши билардим. Биз бирга ишлардик. У эҳтиётсизлик қилиб оққон касалига учради. Айб ўзида. Кирма, деган жойга кирибди. Қасалини яшириб юрди. Уйланди. Хотини ҳам бирга ишларди. Хотинининг ҳомиладор бўлганини билиб... бир кун... ўзини ўзи ўлдирди. Мурдани текшириб касалини аниқлашди. Ўлим ҳақ эканини англаб...

— Ожизлик!— деди Ниг Фиднинг гапини эслаб.

— Йўқ, ожизлик эмас. У бари бир ўларди. Боласини кўриб ўлиш ниҳоятда оғир эди.

— Ана шунинг ўзи...

— Илтимос, баҳслашмайлик. Бари бир фикрларимиз бир ердан чиқмайди. Одатда ҳақиқатни юзага чиқариш учун баҳслашадилар. Мен бундай ҳақиқатни кўрмаяпман. Гапимнинг давомини эшитинг: хуллас, бола туғилди. Шундан сўнг сайёрадаги ёшларнинг бирортаси ҳам фарзанд кўрмади. Мен Мекни йўқлаб тез-тез борардим. Жуда нозик, касалванд бола бўлди. Аммо, зийрак, ақлли эди. Ўқиш-ёзишни эрта ўрганди. Бир куни борсам, яна ётибди. Мени кўриб йиғлаб юборди.

— Нимага хафасан?— деб сўрадим.

— Қасал бўлганлар ўлар экан, мен кўп касал бўламан-ку, нима учун ўлмайман,— дейди.

«Қасалларнинг ҳаммаси ҳам ўлавермайди. Сеники тузаладиган касал», деб юпатишга ҳаракат қилдим.

Юпаниши қийин бўлди. «Менам ўлишни истайман. Ўлсам ҳамма йиғлайди, менга ачинади, мени гапиради», дейди. Унинг орзусини қаранг... Ниятига етди. Бугун жони узилди.

— Буларни нима учун менга айтиб беряпсан? Менингча илгари ҳам Унетда болалар касалланиб ўлар эди?

— Мек Унетда туғилган сўнгги гўдак эди! Тушунялсизми? Сўнгги гўдак! Саккиз йилдан бери фарзанд туғилмайди бу лаънати сайёрада.

— Ўзингни бос. Яшаб турган ерингни «лаънати» деб ҳақоратлама.

— Насиҳат қилиш осон... Қатта авлоднинг умри насиҳат билан ўтди. Мек — Унетнинг кенжаси эди. У ўлди. Унетнинг келажаги ўлди. Уни сизнинг тараққиётингиз ўлдирди!

— Тараққиётни биз бошламаганмиз. Тўхтатиш ҳам қўлимиздан келмайди. Ҳадеб таъна қилаверма. Қўлингдан келса, ана, тараққиётга қарши курашиб кўр.

— Қўлингдан келса... Ҳм. Келмайди!.. Ҳалокатни кутишдан ўзга ҳеч нима қўлимдан келмайди.

— Сенга ўхшаган бадбинлар ҳалокатнинг олдини олиш учун курашда ҳаммага тўғаноқ бўлади.

— Ьалки ҳалокатни биз яқинлаштираётгандирмиз?

— Ҳа. Шундай десак ҳам бўлади.

— Миннатдорман. Ўз ўғлингизга шунчалик айб қўйишга журъат этдингиз-а?

— Эсингни йиғиб ол. Ҳалокат узоқ ҳали. У сенинг фарзандларингга ҳам насиб этмайди. Уни ортиқча ваҳима, шов-шув яқинлаштиряпти.

— Сиз ўз гапингизга ўзингиз ишонмайсиз.

Ниг ҳозир ўғли билан гаплашишнинг бефойдалигини билиб хотини ётган хонага кириб кетди.

Эртасига Унет аҳли Кивни дафн этди. Қабристонга икки дафн маросими оқиб борарди. Бири — умиди сўнмаганлар — Кивни сўнгги манзилга узатарди. Иккинчи-

си — асосан, бадбинликка берилган ёшлар Мекни эмас, балки сўнгги умидларини, Унетнинг келажагини кўмиш учун келарди...

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Машина тўхтаганда Даврон қалқиб кетди. Кўзларини очди. Йўлда ухладими ё туш кўрдими? Қандайдир ғаройиботлар баён этилган китоб ўқиганга ўхшайди. Узун бўй, ясси бош одамлар хаёлига муҳрланиб қолгандай. Нима бўляпти ўзи? Кеча ҳам шундай воқеаларга дуч келганди. Бугун ҳам. Туш деса тушга ўхшамайди. Хаёл деса хаёлмас. Ажаб?!

Йигитали ака чироқни ёқиб-ўчириб эшик томонга имлади.

— Маликаи дилозоримиз кеч кирганда кўчага чиқиб менинг йўлимни пойлаётганмикинлар?— деди кулимсираб.

Даврон жавоб бермади.

Машинадан тушишлари билан аёл эрига яқинлашди:

— Юриш десайла, учиб кетасиз-а, шу топгача тикилавериб кўзим оқиб тушай деди.

— Шу ерга нуқта қўйиб тур. Меҳмон бор-а!

— Меҳмон ҳам билиб қўйсинлар-да. Лип этиб чиқиб кетибсиз, ана келар-мана келар, деб нима хаёлларга бормадик. Райкомдан сўрайвериб безор қилишди.

— Райкомдан?

— Ҳа, райком бувапинг ўзи қидиртирибди.

— Нима гапи бор экан?

— Мен қайдан билай? Сизга минг айтдим, шу раис билан ўчакишманг, илдизи қаттиқ, деб. Бирон қийиқ ахтариб топгандир-да. Қай маҳалда келса ҳам райкомга учрашсин, деб кетишди.

— Оббо!— деди Йигитали ака дўпписини олиб бо-

шини қашиган бўлиб.— Бориб келмасам бўлмайди. Қани, сиз ичкарига киринг. Ўғлинг уйдами?

— Ҳа, телевизорга қадалиб футбол кўряпти.

— Чақир дарров. Меҳмонни зериктирмасин. Мен дарров қайтаман.

Йигитали ака Давронни ичкарига узатгач, машинага ўтирди. У тезда қайтмади. Давронни уйқу босди. Айвонга кўрпача тўшалган жойга чўзилди-ю, таомнинг пишишини ҳам кутмай ухлаб қолди. Тонгда қушларнинг чуғуридан, ишкомдаги тартаракнинг овозидан уйғонди.

Келинчак ҳовли супуриб юрибди. Йигитали аканинг аёли самоварга ўт қалаш билан банд. Ўғли оғилхонада. Ўзи баланд стол устига чиқиб хомток қиляпти. Давроннинг турганини кўриб, токқайчини қўйди-да, пастга тушди.

— Сизга ҳам уйқу бермадикми?— деди кулиб, кейин қозиқдан сочиқ олиб Давронга узатди.

— Тинчлик эканми, жуда ҳаялладингиз?

— Ҳа, тинчлик. Амалдор бўладиганга ўхшайман.

— Чинданми? Бригадирлигингизга қайтдингизми?

— Сал юқорироқдан келаверинг, ҳа, Марказга хат ёзишга ҳожат қолмади. Ҳақиқат юзага чиқиб, райкомнинг ўзидаёқ ҳал бўлибди. Бугун колхозда умум мажлиси. Раисни туширишмоқчи. Менга раис бўласан, деб туришибди. Шунинг маслаҳатига йўқлатишган экан.

— Рози бўлдингизми?

— Менинг розилигим ҳеч гап эмас, халқ рози бўлсин. Халқ менгамас, мен ҳалққа суяниб ишлайман.

Нонуштадан сўнг Давронни машинада элтиб қўйишди.

Кечаги нохуш сайрнинг оқибати сабаблими, нима учундир қўли ишга бормади. Уч ишчи кўҳна уй пойдеворининг ўрни топилган ерни кавлашяпти. Атроф сокин. Табиат ҳам мудраётгандай. Тепаликлар гўё ўз бағрига қандайдир сирни яшириб, мағрур ястаниб

ётибдилар. Улар гўё аждодларимиз панжаларининг изига ўхшайди. Табиат қўҳна тарих сирларини шундай муҳрлаб қўйган. Давроннинг, унга ўхшаган археологларнинг вазифаси табиат муҳрини бузиш, сирни очиш. Айрим одамлар уларни эски буюмларни излаб топиб, эски шаҳарларни очиб музей қилишади, дейдилар. Бир жиҳатдан тўғри. Лекин Даврон ўз касбининг моҳиятини бошқачароқ белгилайди. Тарих сирларини очиш — келгусида қўйиладиган хатолар олдини олишга хизмат қилиши керак, дейди. Урушлар, қирғинлар натижасида хароб бўлган, тупроққа кўмилган ҳар бир шаҳарнинг очилиши урушга қарши курашда қурол бўлмоғи керак. Ҳозир бирон та авлоди қолмаган жонивор ёки қуш изининг топилиши кўнгилочар овга берилган одамзодни огоҳлантириши зарур.

Даврон шу ўйлар билан турганда уни чақиришди. У тупроқни тўзитиб пастга тушди.

— Катта хум чиқди,— деди ишчилардан бири унга ўйиб қўйилган ерни кўрсатиб.

Даврон тиз чўккани ча тик эмас, балки ёнбошлатиб қўйилган хумни кўздан кечирди. Кейин қўлига куракча билан сим чўтка олиб ишга киришди. Ланжликдан асар ҳам қолмади. Уч ишчи куракларини бир-бирига суяб тупроқ уюмига ўтирдиларда, паст овоз билан гурунг бошладилар. Хумнинг атрофи тозалангач, аста кўтариб четга олдилар.

— Ичида бир нарса борми?— деди ишчилардан бири қизиқиб.

Хумнинг оғзи ҳам қалин қилиб суваб ташланган эди. Даврон уни болғача билан аста-аста уриб очди.

— Одам суяклари,— деди Даврон хумнинг оғзини очгач. Кейин қўлини тиқиб калла суягини олди.— Бола экан. Яна бор шекилли? Ҳа... Буниси катта одамники. Икковини хумга тиқиб қўмишган экан.

— Қачон?— деди ишчилардан бири унинг қўлидан калла суягини олиб.

— Сен туғилмасдан бурун,— деди ишчиларнинг иккинчиси.

— Қара-чи, сенинг уруғларингдан эмасми?— деди учинчиси.

Шу зайлда аския бошланди. Даврон суякларни жойига қўйиб ўрнидан турди.

— Анави жонон кимни йўқлаб келяпти экан,— деди ишчилардан бири қўлини соябон қилиб.

Атлас кўйлак кийган, бир қўлида шамсия, бир қўлида сумка ушлаган, қора қўзойнак тақкан аёл Даврониинг кўзига иссиқ кўринди.

— Яна вакилмикин?

— Бунақа вакил ҳар куни келса ҳам майли,— деди ишчилардан бири.

Даврон юқорига чиқа бошлади. Ярим йўлдаёқ аёлни таниди — Маҳбуба! Таниди-ю, лол қолди. Юраги тез-тез уради. Оёқлари зилдай оғир. Эллик қадам эмас, эллик чақирим йўл босиб ўтгандай бўлди. Маҳбуба кўзойнагини олиб, жилмайганича унга қўл узатди.

— Салом, кутмаганмидингиз?

— Тўғрисини айтайми?

— Тўғрисини айтганингиз маъқул. Кутган эдим, десангиз бари бир ишонмайман.

— Очиғи, тушимга ҳам кирмаган эди.

— Шу ерда тураверамизми ё саройингизга бошлайсизми?

— Ҳа, ҳозир. Сиз ҳов анави дарахт томонга бора туринг, мен етиб оламан.

Даврон шундай деб пастга тушди-да, йигитларга қилинадиган ишларни тайинлаб изига қайтди.

— Командировкага келган эдим. Ишларим битди. Оқшомги поезд билан қайтаман. Бир кўриб кетай, дедим.

— Раҳмат.

— Нимага?

— Эсдан чиқармаганингиз учун.

— Сиз унутиладиган одамлар тоифасидан эмассиз. Аммо мен фикримдан қайтганимча йўқ. Ўша гаплар ўз кучида қолади.

— Бунга шак-шубҳам йўқ.

— Нима учун?

— Феълингизни биламан. Бир сўзли аёлсиз.

Орага жимлик чўкди. Даврон Маҳбуба олдида ўзини ноқулай сезди. Нимадир дейиши, жимликни қувиши, шунча йўл босиб келган аёлни зериктириб қўймаслиги лозимлигини биларди. Лекин нима дейишга ҳайрон эди. Маҳбуба унга қараб туриб кулди.

— Ўтиринг, нима, гапингизни йўқотиб қўйдингизми?

— Йў-ўқ, нимага энди... Ўғлингиз катта бўляптими?

— Ҳа, шўхлик қилиб юрибди. Қиличбозликдан бўшамайди.

— Д'Артаньян бўлмоқчими?

— Д'Артаньян келмайди, деганимдан бери ўзи Атос бўлиб уни излаб топмоқчи.

— Бундай қилиш ярамайди.

— Сабаб?

— Сиз боланинг сурурини жиловлаб қўйгансиз.

— Шундай бўлгани маъқул.

— Менингча, бу ҳаддан ташқари қаттиққўллик.

— Балки золимлик ҳам дерсиз?

— Шундай деса ҳам бўлади. Бола кинодаги д'Артаньянни яхши кўриб қолган. У билан учрашишни орзу қилади. Қаҳрамонликка интилади. Сиз эса унинг йўлини тўсасиз.

— Мажбурман. Унинг алданиб қолишини истамайман. Кино бошқа, ҳаёт бошқа. Интилгани, орзу қилгани билан тополмайди-ку, тўғрими? Д'Артаньяи бу замонда йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Ундан кўра реал нарсаларни орзу қилишни ўргатишимиз керак.

— Аммо...

— Биз бу ҳақда етарли гаплашиб олган эдик, қай-

тарқшнинг ҳожати бўлмаса керак. Яхшиси, ишингиздаги янгиликлардан гаплашайлик. Шунча ерни кавлаб нима топдингиз?

Иш ҳақидаги гаплар бари бир суҳбатни жонлантирмади. Маҳбуба пешиндан сўнг хайрлашди. Даврон уни катта йўлгача кузатиб қўйди. Маҳбуба унинг ярасини янгилаб кетди.

Даврон ёлғиз ўғил бўлгани учун ёш уйланган эди. Институтда ўқиётган кезлари қишлоққа тез-тез келиб турар, баъзан хотинини шаҳарга олиб кетар эди. У хотинининг чиройндан нолимасди. Аммо унинг енгил ўйлаши, жиззакилиги сира ёқмасди. Қишлоқда қолган кезлари онаси билан айтишишларини билса ҳам аввалига индамай юрди. Охир сабр косаси тўлиб тартибга чақирганда «онангиз чаққан-да», деб ўзини юлди. Даврон хотинининг бу қадар бефаҳмлигига чидаб туролмади. Анчагача қўйди-чиқди бўлиб юрдилар. Давлат имтиҳонлари арафасида онаси қаттиқ оғриб қолди. Даврон уни шаҳардаги касалхонага олиб келди. Тунлари ўзи навбатчилик қилди. Имтиҳондан бир кун аввал хотинига: «Бугунча сиз навбатчилик қилинг», деганда у одатича пўнғиллаб: «Мен онангизнинг ахлатини тозалайман деб сизга тегмаганман», деди. Давроннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Хотини одам эмас, алвасти бўлиб кўринди. Икки кундан сўнг онаси оламдан ўтди. Даврон хотини билан узил-кесил ажрашди.

Ўтган қишда қадимий манбалардан фойдаланишга эҳтиёж сезиб қўлёзмалар илмий-текшириш институтига келди. Шу ерда ишловчи қорачадан келган бўлиқ жувон эътиборини тортди. Бурнининг бир оз пучуқ эканини айтмаса, кўзлари кулиб турувчи бу жувоннинг истараси иссиқ эди. Аёлларга гап ташлаб, илитиб олиш истеъдодидан бебаҳра бўлган Даврон уни зимдан кузатар, айтилиши керак бўлган гаплари ичида қолиб кетарди. Хонадаги аёлларнинг гап-сўзидан бу жувоннинг бевалигини билиб бир куни сайрга таклиф қилди.

Аёл ноз қилиб ўтирмай рози бўлди. Давроннинг қалбига ўт қалаган бу жувон — Маҳбуба эди. Шундан сўнг бир-икки марта кинога киришди, оқшомлари сайр қилишди. Дарҳақиқат, Маҳбуба ақлли аёл эди. Даврон, Маҳбуба сўрамаса ҳам хотини билан ажралиш сабабини айтиб берди. Маҳбуба унинг ҳикоясини жимгина эшитди. Давронга «Сиз ҳақ ёки ноҳақ бўлгансиз», ҳам демади.

— Нимага индамай қолдингиз?— деди шунда Даврон.

— Бирор нарса дейишим керакми?

— Ҳар ҳолда...

— Йўқ, мен бирор хулоса чиқаролмайман. Сиз ўзингизча ҳақсиз, хотинингиз ўзича. Хотинингизни ёқласам, сизга малол келади, сизни ёқласам... Ҳар ҳолда хотин кишининг аҳволини тушунишга ҳаракат қилиш керак.

— Ахир...

— Келинг, бу ҳақда тортишмайлик. Мен мақсадингизни тушундим. Сиз энди мендан ажралишим боисини сўрамоқчисиз. Эримни ёмонламайман, чунки уни яхши кўриб текканман. Қўполлик қилмаган, сира сўкмаган, маст-аласт юрмасди, ақлли эди. Лекин турмуш учун шунинг ўзи кифоя эмас экан. У энг муҳим нарсани — мустақил ҳаёт кечиришни билмас эди. Ҳатто болалик бўлгандан кейин ҳам ота-онасининг оғзига қарарди. Ота-онаси нима деса шу. Ёт деса ётади, тур деса туради. Манави ишни қил, деса бажаради, қилма деса, тегмайди. Мен «театрга борайлик», десам, отасидан маслаҳат сўрайди. Қайнатам борманглар деса, индамай бўйин эгиб келаверади. Қайнатам билан қайнанам ҳам ёмон одамлар эмас эди. Аммо уларнинг дунёқараши бошқа, бизники бошқа. Улар бошқа даврда шаклланишди, биз бошқа даврда. Улар театрсиз ҳам яшаш мумкин, дейишади. Аммо биз бундай қилолмаймиз-ку! Буни уларга ётиғи билан айтсангиз тушуниша-

ди-ку. Йўқ, эрим буни айтолмас эди. Гапимни тўғри тушунинг, мен уни ота-онасидан бўйин товласин, демоқчи эмасман. Эркак эркак бўлиши, мустақил фикрлаши, ҳаёт кечириши керак. Айрим эркаклар ғурурларини ерга уриб юришади. Меники ҳам... Шунинг учун ажрашдик.

— Эркак кишининг бунчалик бўлиши ярамайди.

— Илтимос, эримнинг яхши-ёмонлигини муҳокама қилманг.

Шу суҳбатдан сўнг Давроннинг унга нисбатан бўлган меҳри янада ортди. Оқшомги сайрлардан бирида унга муддаосини айтди.

— Шундай мақсадингиз борлигини биринчи учрашувдаёқ сезганман,— деди Маҳбуба.— Сиз билан бирга юриб уйга кеч қайтганимда ўғлим кутиб оларди. «Қаерда эдингиз?», деб сўрарди. «Уч мушкетёр»ни кўргандан бери д'Артаньян тилидан тушмай қолган. Шунинг учун мен «д'Артаньянни кўргани бордим», дердим. Ўғлим дарров мени сўроққа тутарди. «Д'Артаньян бизникига ҳам келмадими?», деб ҳол-жонимга қўймасди.

— Сиз нима деб жавоб қилардингиз?

— Келади, дердим... Лекин кеча... келмайди, дедим.

— Нима учун?

— Буни сизга тушунтиришим қийин. Назаримда, ҳозирги эркаклар анча майдалашиб кетганга ўхшашади. Ғийбат хотинларга ярашадиган нарса. Лекин эркаклар ҳам ғийбатдан бўшамай қолишган. Мард, жасур, бир оз қўпол, эпчил эркаклар оз жуда. Бунинг ўрнига худбинлар, мешчанлар кўпайиб кетаётганга ўхшайди.

— Унчалик эмас... Эркаклар мардлиги, жасурлигини сизга қандай намойиш қилиши керак?

— Намойиш қилиш шарт эмас. Одамнинг феъли, хатти-ҳаракатидан, сўзларидан билиниб туради. Ма-

салан, бир одам сувга чўкяпти, сиз ўйлаб ўтирмай қутқаришга ташланасизми?

— Шахсан менми ё умуман айтяпсизми?

— Шахсан ўзингиз.

— Мен сузишни яхши билмайман.

— Ахир бир одам ўляпти-ку!

— Мен ўзимни сувга ташлаганим билан уни бари бир олиб чиқолмайман. Ўзим ҳам...

— Ана, кўрдингизми, сиз ҳам йигирманчи аср вакилисиз. Эркаклар хотинларнинг қош-кўзини мақтаб, эшула айтиб оҳ-воҳ қилиб юраверишади...

— Сиз жуда ошириб юбордингиз. Фикрингизга мутлақо қўшилмайман. Масалага тўғри ёндашиш керак.

— Ана кўрдингизми, «масалага ёндашишимиз» бутунлай бошқа-бошқа. Сиз эса «д'Артаньян келмайди», деганимдан норозисиз.

Жавоб равшан эди. Даврон у билан бошқа учрашмай қўйди. Лекин унута олмади. Маҳбубани чиндан яхши кўриб қолган эди. Унинг кулиб турувчи кўзлари, қорачадан келган чеҳраси нигоҳи олдидан кетмасди. Лекин бош эгиб боришга ғурури йўл бермади.

Бугун Маҳбубанинг ўзи шунчаки келдимикин ёки фикри ўзгарганини билдириб кетдими?

* * *

Орадан беш кун ўтгач, Даврон институтдан телеграмма олди. Раҳбарлар «Масалани биргаликда ҳал қилиш учун» уни чақиришибди. Масала Даврон ўйлагандан ҳам тез ҳал бўлди. У идорада ярим соатгина ўтирди. Идора соҳибига хайр ҳам демай, хонадан чиқди-ю, котибадан бир варақ қоғоз сўраб олгач, нима деб ёзишни билмай ўйланиб қолди. Аввал норозилигини ифода этиб, сўнг бўшатишларини сўрасинми ёки оддийгина қилиб «Ўз хоҳишим билан», деб ёзсинми? «Норозилик билдирсам гап кўпаяди. У эди, бу эди, деб аризамни қўлимга қайтариб беришади. Бу одамга бас

келиб бўлмайди. Тинчгина «ўз хоҳишим билан бўшатинг», деб қўя қоламан». Даврон шу қарорга келиб, икки сатрдан иборат аризани ёзди-да, котибага берди. Кўчага чиққач, вужудидан бир нарса узилиб тушиб қолгандай бўлди. «Бекор қилдимми?» деган савол миясига гурзи бўлиб урилаверди. «Аризамни қайтариб олсаммикин», деган хаёлга ҳам борди. Аммо одам зотидаги хоҳиш ва журъат ўртасида мутаносиблик бўлавермайди. Тўғрироғи, истаган ишини амалга оширишга журъат қила олувчилар кам. Аксар одамларда бирор нарсага хоҳиш туғилган онда турли хаёлларга, баъзан истиҳолага бориб, баъзан кимгадир раҳм қилиб, баъзан эса кимдандир ўч олиш қасдида ёниб ўйлаган ишини бажармайди. Даврон ҳам шундай кишилар тоифасидан. У телеграммани олган заҳотиёқ, кимга учрашишини, нима гаплар бўлишини тахмин қилганди. Шубҳаси тўғри чиқди: уни доцент Бекмирзаевни жинидан баттар ёмон кўрувчи институт раҳбарларидан бири — Ниёзнинг қариндоши йўқлатган эди. У Давронни очиқ чеҳра билан қарши олди. Энг яқин меҳрибонларидан ҳам эшитмаган ширин гапларни шу кишидан эшитди. Даврон бу лутфу карамнинг ниқоб эканини, ниқоб ортида ўткир тиғли ханжар шай турганини яхши тушуниб турарди. Унинг ақли фақат бир нарсадан лол эди: Бекмирзаевку оламдан ўтиб кетди. Энди Бекмирзаев бошлаган ишни тўхтатишдан нима наф кўрмоқчи бу одам? Наҳотки Ёзёвондаги қазишмаларнинг мутлақо келажаги бўлмаса? Йўқ, косанинг тагида ним коса бўлиши аниқ! Фақат ниқоб қачон очилади-ю, ним коса қачон юзага чиқади, шуниси номаълум . Одатда, маккорлик бобида хотинларнинг тенги бўлмайди, дейишади. Айтишларича, Амазонка соҳилларида пўсти бебаҳо саналувчи баҳайбат бўғма илон яшаркан. Ҳар қандай кучли, ҳар қандай довюрак эркак ҳам у билан юзма-юз келса ҳаётдан умидини узиб қўяверар экан. Ана шу баҳайбат илонни чиройли аёллар осонгина тутиб беришаркан. Улар илон-

нинг ини ёнига келиб, кийимларини ечиб онадан қандай туғилган бўлсалар, шу ҳолга келиб турарканлар. Ошиқ илон унга ўралиб маст бўлгач, панадаги эркаклар чиқиб уни саранжомлар эканлар. Даврон идорада ўтириб раҳбарнинг сўзларини тинглар экан, ўша бахтиқаро илонлар билан гўзал, айни чоғда маккор аёлларни эслади.

— Мен Бекмирзаевни ғоятда ҳурмат қилардим. У ноёб истеъдод эгаси эди. Дўстим бошлаган ишни давом эттириш қасдида эканингизни билиб, бошим осмонга етди. Бироқ...

«Аёл ечинди. Энди илон ташқарига чиқиши керак», деб ўйлади Даврон.

— Бироқ... ўзингизга маълум, ҳамма ишимиз режа асосига қурилган. Шунга яраша маблағ ажратилади. Ёзёвондаги иш яқин йиллардаги режамизда йўқ эди. Аммо Бекмирзаевга нисбатан бўлган ҳурматим туфайли ўртоқлардан илтимос қилиб ўртага тушган эдим. Афсуски, биз режамиздаги ишларнинг хотимасини ҳам ўйлашимиз керак.

«Илон аёлга чирмашиши керак. Лекин мен сен ўйлаганчалик гўл эмасдирман», деб ўйлади Даврон унинг сўзларини диққат билан тинглар экан.

— Шунинг учун Ёзёвондаги ишни вақтинча тўхтатамиз. Пискентдаги ўртоқлар ёрдамга муҳтож. Сизни ўша экспедицияга раҳбар қилиб тайинлаймиз...

Кутилмаганда илон яланғоч аёлга чирмашиш ўрнига атрофида бир айланди-ю, овора бўлиб ечингани учун унга раҳмат айтиб изига қайта бошлади.

Аввал озгина баҳс бўлди. Давроннинг барча тушунтиришлари «Тўғри-ю, лекин илож қанча?» қабилидаги сўзлар билан бўғилди.

Давроннинг жони ҳиқилдоғига келиб қолди. Нима қилиш керак, бу одамни уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса... Тушуна туриб ўзини гўлликка солади. Қайсар эшакдай оёқ тирайди. Давроннинг хуноби ошгандан ошиб, охи-

ри «Ёзёвонда иш тўхтаса, мен бу ерда қололмайман», деб юборди. Назарида, раҳбар шу гапдан кейин сал пастга тушиши керак эди. Йўқ, бундай бўлмади. У ўша-ўша мулойимлик билан «Хоҳишингиз, ўзингиз истамасангиз сизни зўрлаб ишлата олмаймиз. Истеъдодингизга тан берардик, аммо иложимиз қанча!», деб қўя қолди.

Даврон кўчада кета туриб унинг ҳар бир сўзини қайта-қайта эслади. Тиржайиб тилла тишларини намойиш этувчи, ҳиссиз боқувчи, силлиқ, ажинсиз юзларига совуқ парда тортилган бу одам унинг кўз олдида туриб олди.

У қаерга боришни, дардини кимга тўкиб солишни билмади. Бўлган воқеадан хабар топган ҳар бир қадрдони, шубҳасиз, «бургага ачиқ қилибсан», деб насиҳатга тушади. Бундай гапларга Давронда сира тоқат йўқ. У ўзини ҳақ деб билади — тамом! Даврон аввалига кўчадаги одамлар оқимидан ажраб, ҳолироқ ерга — катта анҳор соҳилидаги мўъжаз боққа бормоқчи эди. Аммо нима учундир троллейбусга чиқиб темир йўл бекати томонга кетди.

Бекатдаги одамлар инига чўп суқилган арилардай тиним билишмайди. Даврон керакли поезднинг жўнаш вақтини билса-да, қатнов жадвали олдида узоқ туриб қолди. «Уйга кетворсаммикин?— деб ўйлади у.— Бир-икки йилдан кейин қайтиб келаман. Ахир у бир умр ишламас-ку... Мен ҳам кўпроқ оғзида иш бажарадиган одамга айланиб боряпман. Бирданига ариза ташладим. Бирданига кетмоқчиман. Неча йиллик ҳаётимни тупроққа қориштириб қайтмоқчиман. Кетмайми? Унда бу ерда нима қиламан? Ишга қайтмайман. Курашишга қўлим калта. Бировдан ёрдам сўрамайман. Калла ғовлаб кетди...»

— Қайси томонларни мўлжал қилиб турибсан?

Даврон орқасига, овоз келган томонга қаради. Бир қўлида катта чамадон тутган, катта тугунни қўлтиқлаб

олган, кийимлари анча уринган, соч-соқоли ўсган ўттиз беш ёшлардаги кишини аввалига танимади.

— Нимага анқайиб қолдинг, кардинал, танимадингми?

— Талъат ака?

— Ҳа, ўзимман.— У шундай деб чамадонни ерга қўйди-да, қўлтиғидаги тугунни бўшатмаганича унга қўл узатди.— Қаёққа бормоқчисан?

Даврон қаерга боришини ўзи ҳам билмагани учун жавоб қайтаришга тараддудланди. Талъат буни сезди. Елкасига мушти билан аста туртиб кулди.

— Бошинг оққан томонгами?— деди у жадвални имлаб кўрсатиб.— Мен ҳам ҳайрон бўлиб турибман.

— Яна дайдиликнинг хумори тутдими, дейман?

— Дайдилик дейсанми?— Талъат бош чайқади.— Йўқ-йўқ, кардинал, буниси дайдилик эмас.

— Сайрми?

— Бу сўзинг ҳақиқатга яқинроқ. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр деган гаплар бор бу ёруғ оламда, эшитганмисан? Қани, юр ташқарига чиқиб ҳангома қилайлик.— Талъат шундай деб чамадонни кўтарди-да, бекат рўпарасидаги дарахтзор томон йўл бошлади. Даврон унга сўзсиз эргашди. Бир жиҳатдан ҳамқишлоғини учратиб хурсанд бўлди. Талъатнинг сўраб-суриштириш одати йўқ.

Даврон Талъатни мактабда ўқиб юрган кезларидан бери билади. Аммо шу пайтгача унинг феълига тушуна олмайди. Эси бутун десанг, дам тоғдан, дам боғдан келади. Ҳеч кимнинг отини айтиб чақирмайди. Бировга «кардинал», бировга «моэстро», аёлларга «лэди» деб мурожаат қилади. Савдойимикин, деб ўйласанг, гаплари маънодан холи эмас. Одамларга ёмонлик қилмаган, оғзидан ҳақорат учганини ҳеч ким билмайди. Айни чоғда у қишлоқдаги тенгдошларига камдан-кам қўшиларди. Йигитлар чойхонада ошхўрлик қилаётган дамда у қайси бир овлоқ жойда ёнбошлаб китоб ўқиётган бўларди. Ки-

тобни севиш, қадрлашни Даврон Талъатдан ўрганган. Даврон ўшанда тўққизинчи синфда ўқирди. Ҳарбий хизматдан қайтган Талъат шу синфдаги Машкурага кўнгил қўйди. Даврон у кезлари Машкуранинг партадош дугонаси билан кўз уриштириб юрарди. Даврон билан Талъатнинг яқинлашувига шу қизлар сабаб, деса ҳам бўлади. Чунки Машкура Талъат билан учрашувга сира ёлғиз бормас, табиийки, дугонасига қўшиб Давронни ҳам судрарди. Уларнинг суҳбатлари турли китобларда баён этилган воқеалар атрофида бўларди. Талъат ҳар учрашувга янги китоб кўтариб келарди. Тўғри, баъзан у мақтаган асарни охиригача ўқишмасди. Улар кўпроқ севги учун курашувчи ошиқ-маъшуқларнинг бошидан кечирганлари, уларнинг бир-бирига роз айтишию биринчи бўсанинг мазаси каби гаплар ёзилган китобларни берилиб ўқирдилар. Даврон ўша дамдаги китобсеварлигини эсласа соддалигидан кулиб қўяди. Йўқ, буни соддалик деб ҳам бўлмайди. Мўйлаблари энди сабза уриб, овозлари дўриллаб, қизларнинг билагига бармоқ учи тегиб кетганда энтикадиган, куну тун қизларни ўйлайдиган ёшда бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ёшда бир сатр фалсафа, бир сатр ақлли гап улар учун ортиқча. Бир бўса тарихини баён этувчи ёстиқдай китоб эса етарли эмасдай туюлади. Хуллас, кўз очиб юмгунча сурурга бой дамларнинг ниҳояси кўрина бошлади. Газеталарда ёзилавериб сийқаси чиқиб кетган ибора билан айтганда улар «мустақил ҳаёт остонасига» қадам қўйдилар. Қўйдилар-у, биргаликда учрашувлар, китобхонликлар барҳам топди. Талъатнинг онаси Машкураларнинг кўчасини бир неча бор супурди. Икки йил мобайнида «Талъат» деса кўзи ёнувчи Машкура бирданига ўзгарди қолди. Совчилар қуруқ қайтишаверди. Талъат нима гап бўлаётганини англаб етмай Машкуранинг тўйи ҳақидаги хабар тарқалди: у РайПО мудирининг ўғлини танлабди. Талъат буни эшитди-ю, қишлоқда кўрнмай қолди. Даврон бир куни Машкура-

ни кўчада учратиб «Нимага бундай қилдинг?» деб сўради. У эса қошларини чимириб: «Нима, у билан чимилдиқда ҳам китоб ўқиб ўтиришим керакмиди?» деди. Даврон қулоқларига ишонмади. Машкурадан шундай гап чиқиши, унинг бу қадар тез ўзгариши етти ухлаб тушига кирмаган эди.

Даврон ўша йили ўқишга кираман, деб шаҳарга йўл олди-ю, қуруқ қайтди. Кузда ҳарбий хизматга кетди. Хизматни тугатиб, институтга кираман деб юрганида Талъат қишлоққа қайтиб келди. У уч йил шаҳарма-шаҳар юрибди. Институтга ҳам кириб ўқибди. Аммо ўқиш ёқмай, ташлаб қишлоққа қайтибди.

— Шаҳарнинг оҳанрабоси бор, деб ўйлардим,— деди у бир куни Давронга ёрилиб.— Йўқ, алдамчи ҳис экан. Шаҳарларнинг ҳавосига, шовқинига, ҳаракатига кўника олмадим. Кунда йигирма тўрт соат ҳаракатда бўлсанг ҳам вақт етишмайди. Бундай орқангга қарасанг, умринг бекор ўтаётганга ўхшайди.

Даврон ўшанда унга тайинли бир гап айтолмаган эди. Кейинчалик ўзи шаҳарда ўқиб, ишлаб юрган кезларда унинг бу гапини кўп эслади, мулоҳаза қилди. Талъат мутлақо ноҳақ эди. У шаҳарларни мақсадсиз кезди. Институтга ҳам бемақсад кирди. Шунинг учун охиригача ўқигиси келмади. У яшамоқнинг мазмунини (гарчи кўп ўқиган бўлса-да) яхши англаб етмаган эди. Шу сабабли умри бесамар ўтаётгандай туюларди. У қишлоққа қайтгач ҳам тайинли ишга қўл урмади. Боққа қоровуллик қилиб, бўш вақтини яна китобларга сарфлади. Даврон ўқишга кетаднган чоғда унга бир китоб совға қилди.

— Шу ерда ўқиб ол. Бундан сўнг бironта ҳам китоб ўқий олмайсан,— деди у.

— Нимага?— деди Даврон бу гапдан ажабланиб.

— Шаҳарга борганингда биласан.— Талъат бошқа сўз айтмай орқасига қайтган эди.

Дарҳақиқат, Даврон бир-икки йил бадиий асар ўқий

олмади. Институтнинг дастлабки курсларида вақтни тўғри тақсимлай олмай кўп қийналди. Кейинчалик барча иш учун вақт топадиган бўлди. Китоб ҳам ўқиди. Фақат аввалгидай дуч келганини эмас, танлаб, саралаб ўқиди...

Бекат эшигидан чиққач, катта кўчани кесиб ўтиб дарахтзор ўртасидаги ўриндиқдан жой олгунларига қадар Даврон мана шуларни хаёлидан ўтказди. Талъат кўкрак чўнтагидан ярим чекилган сигаретани олиб тутатди. Бир-икки тортгач, йўтали тутди.

— Шу ҳам ёқмай қолди, чекмай десам, ўрганиб қолганман, ташлашнинг иложи бўлмаяпти. Чексам йўтал тутади.

— Иродангиз бўшашиб қолибди.

— Аввал мустаҳкам эдими?— Талъат қўл силтади.— Бу соҳада ўзгариш йўқ, кардинал. Ишларинг қалай?

— Ёмон эмас.

— Ёмон эмас, деганинг «унчалик яхши эмас», деган маънони ҳам англатади. Бекатда довдираб турганингдан билувдим. Лекин нима учун яхши эмаслигини суриштирмайман. Бу сенинг шахсий ишинг.

— Битта аблаҳ одам бор...— Даврон ўзи билмаган ҳолда ёрила бошлади. Лекин Талъат уни гапиртиришга қўймади.

— Агар бу дунёда фақат биттагина аблаҳ одам бўлса, дўппини чамбарак қилиб юрса арзирди. Ҳа, менинг қишлоқдан нима учун кетаётганимни билмайсан, а?

— Бу сизнинг шахсий ишингиз...— деди Даврон унинг гапига шама қилиб. Талъат бунга эътибор бермади. Ўчиб қолган сигаретасини яна ёндирди.

— Қишлоқнинг тинчи бузилди. Завод қурилаётганини эшитгандирсан? Энди қишлоғимиз шаҳарга айланаркан. Ўзим шаҳардан безиб қишлоққа қайтиб келгандим. Энди қайга боришни билмай гарангсиб турибман.

— Талъат ака, бир гап айтайми?

— Айтма, кардинал. Насиҳатга муҳтож эмасман. Яхшиси ортиқча пулинг бўлса озроқ қарз бер. Тиланяп-

ти, деб ўйлама. Тирикчиликка етарли маблағим бор. Фақат бирор ерга бориб ишга жойлашгунимча етмай қолиши мумкин. Биринчи маошимдан қайтариб юбораман.

Даврон чўнтагида борини берди. Ҳар эҳтимолга қарши деб, ўзига бир-икки сўм олиб қолди.

Талъат пулни қўлида ушлаб, унга тикилганича жим ўтирди. Афтидан пул сўрашга сўраб қўйиб, энди ичини ит таталаётган эди.

— Қишлоққа борсанг... опамникига кир. Китобларимни ўша ерда қолдирганман. Бир тўпини сен учун ажратиб қўйган эдим. Ҳаммасини ола қол. Бари бир у ерда ҳеч ким ёлчитиб ўқимайди. Хор бўлиб, титилиб кетади. Сен яхши асрайсан... Пул берганинг учун инъом қилаётганим йўқ, аввалдан шундай ниятим бор эди... Қарзимни албатта қайтараман.

— Қистаётганим йўқ шекилли? Китобларни сота қолмабсиз-да?

— Китоб сотганимни кўрганмидинг? Уларнинг ҳар бир саҳифасига умримни берганман-ку!? Одам умрини сотиши мумкинми? Сотолмайди. Одам фақат икки нарсасини — бахтини ёки қайғусини сотиши мумкин. Бахтини қизғанади. Қайғусини эса ҳеч ким олмайди. Ҳатто сен ҳам мени тушунмайсан...

Талъат пулни чўнтагига солиб ўрнидан турди.

— Уйга бориб чой-пой ичайлик.

— Йўқ, уйингга бормайман. Чой десанг майли, чойхонага ўтайлик.

Улар анҳор ёқасидаги чойхона томонга юрдилар. Тушлик пайти яқинлашган эди. Даврон бир чойнак чой билан икки пиёлани хонтахтага қўйиб «Бир чиннидан лағмон олиб келай», деб емакхона томонга ўтди. Навбат кутиб пича туриб қолди. Икки қўлида икки косани кўтариб чойхона томонга ўтди-ю, ҳозиргина Талъат ўтирган жойнинг бўшаб қолганини кўриб ажабланди. Хонтахта устига тўнтариб қўйилган пиёлани олгач, во-

қеага тушунди: Талъат Даврон берган пулни шундайлигича қўйиб кетибди...

Даврон аввалига унинг орқасидан бормоқчи бўлди. Сўнг боришнинг бефойдалигини билиб жойига қайтди. Дили баттар хуфтон бўлиб томоғидан овқат ўтмади. Тез-тез юриб кўчага чиқди-да, троллейбусга ўтириб уйига жўнади.

Кўча юзидаги ойнаванд дўкон олди гавжум эди. Даврон беихтиёр ўша томонга юрди. Муздек пивони кетма-кет сипқоргач, сал кайф қилди. Кўнгли хуш бўлмай, баттар асабийлашди. Шунда ҳам тургиси келмади. Атрофда тўп-тўп бўлиб ўтирган пивохўрларнинг айримлари фақат ўзлари тушунадиган пайровда аския қилар, баъзилари қаттиқ баҳслашар, яна бировлари сигарет тутатганича хотиржам суҳбат қурар эди. Давронга ўхшаш якка-ёлғиз пивохўрлар эса уларга қизиқишсиз қараб ўтиришар эди. Пиво таъсир қилдими ё ҳавонинг қизигани сабаб бўлдими, ҳар нечук уни уйқу босди. Кўзлари юмилиб кетаверди. Шунинг учун ўрнидан туриб уйига кетди.

Хонасига кириб чўзилиши билан уйқу қочди. Эрталабки нохуш суҳбат, ёзиб ташлаб келган аризаси хаёлидан нари кетмай қолди. Ўрнидан туриб кетди. Хонада бир оз юриб яна ётди. Яна турди. Китоб олиб ўқимоқчи бўлди. Кўзлар ҳарф теради, аммо нима ўқиётганини ўзи ҳам билмайди. Сатр охирламай туриб сўзларни унутади. Шу зайлда азоб чекиб ўтирганда қўнғироқ жиринглади. Эринибгина туриб эшикни очди. Остонада жилмайиб турган Маҳбубани кўриб кўзларига ишонмади.

— Остонада сўрашиш гуноҳ ҳисобланаркан,— деди Маҳбуба кулимсираб.

Даврон шундагина хаёлини жамлаб уни ичкарига таклиф қилди. Бетартиб сочилиб ётган нарсаларни шошиб йиғиштиришга тушди. Маҳбуба унинг ҳаракатларига бир оз қараб турди-да, кейин ёрдамлаша бошлади.

— Сиз... уринманг, ўзим... ўзим йиғиштириб қўяман. Меҳмоннинг ишлаши айб бўлади.

— Эркак кишининг уйда ивирсиб юрганини кўрсам ғашим келади.

Даврон кулимсираб қўйди.

— Сизни кўчада кўриб қолдим. Ишхонангизга телефон қилсам, бир қиз ишдан бўшаб кетдилар, деди. Ҳайрон бўлиб уйингизга келавердим. Тинчликми ўзи?

— Тинчлик...

— Айтишиб қолдингизми?

Даврон бош ирғади. Аёл кишига ҳасрат қилишни истамади. Аммо Маҳбуба гапни айлантириб шу мавзуга тақайвергач ариза ёзишининг боисини қисқа қилиб айтди.

— Фақат «Бургага аччиқ қилибсиз, иродангиз бўш экан», деманг. Насиҳат ҳам қилманг, илтимос.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Билмадим.

— Қўли кучли бирни, билими кучли мингни енгар, деган ҳикмат бор. Йиғламсираш сизга ярашмайди.

— Нима дедингиз!? Йиғламсираш?..— Бошқа сўз айтишга, ўзини оқлашга, Маҳбубанинг ноҳақлигини исботлашга тили айланмади. Маҳбуба уни ҳақорат қилиш ниятида бундай демади. Ачинганидан, куюнганидан айтди. Ўйлаб қараса, бир жиҳатдан гапи тўғри. Эркак кишининг аёл олдида ночор аҳволда мунғайиб ўтириши дарҳақиқат уят. Давронни бу ноқулай аҳволдан Маҳбубанинг ўзи қутқарди.

— Қилаётган ишингизнинг тўғрилигига ишончингиз комилми?— деди.

— Ҳа.

— Унда чекинманг, бўш келманг.

— Биламан! Чекинмоқчи эмасман! Йиғламсираётганим ҳам йўқ! Мен бу ишни охирига етказмай қўймайман!

Давроннинг кун бўйи йиғилиб қолган дарди бақи-

риққа айланиб юзага чиқди. Беайб аёлга бақиришнинг ноўринлигини билса ҳам ўзини тута олмади. Маҳбуба унинг гапларини индамай эшитди. Даврон жим бўлгач, ўрнидан турди.

— Маҳбуба, кечиринг, ўзимни тутолмадим,— деди Даврон унинг йўлини тўсиб.

— Хафа бўлганим йўқ. Уйга барвақтроқ қайтишим керак. Ўғлим бетоб.— У шундай деб Давронни четлаб ўтди.— Умуман эркак кишининг бақириб туриши ҳам яхши. Лекин бесабаб бақириш унинг жоҳиллигини фош қилиб қўйиши мумкин.

Маҳбуба эшикни оҳиста ёпди. Бироқ Даврониинг назарида, эшик жуда қаттиқ ёпилгандай, уй титраб кетгандай бўлди.

Бу кеч мутлақо ухлай олмади. Аввалига бўлиб ўтган воқеаларни ақл тарозусига бир-бир қўйиб чиқди. Боши ёстиққа тегиши билан қулоғи шанғиллади. Кейин ҳуштак, сўнг эшикнинг ғижирлашини эслатувчи овоз. Юракнинг тез-тез уриши... Бу сафар ваҳима билан туриб кетди. Чироқни ёқди. Кўзгуга қаради: хиёл қисиқ кўзлари қизариб кетган, тепага таралувчи сочлари паришон. Озганга ўхшайди. Ёноқ суяклари бўртиб қолибди. Гўё кўзгудан унга яссибош одам қарагандай бўлди. Даврон сесканиб ҳовлига чиқиб кетди. У ҳовлидаги сўрига суяниб очиқ эшикка тикилиб турди. «Ким бу ўзи? Нима учун таъқиб қиляпти? Нима учун мен ғалати воқеалар домига тортиляпман? Аллақандай яссибош уч бармоқли одамлар, нотаниш, заиф сайёра... Туш кўряпманми? Ахир бу тез-тез такрорланяпти-ку! Бугун учинчи марта кўриниши. Асабларим чарчаганми? Ё руҳий касалга чалиндимми? Ичкиликка берилган одамларни шарпалар таъқиб қилади, дейишади. Балки мен ҳам. Ахир, мен кўп ичмайман-ку...»

Йўқ, Даврон руҳий касалга чалинмаган эди. Уни шарпа таъқиб этмасди. Унинг кўзига Ниг кўринаётган эди. Табиатда ҳеч нарса изсиз йўқолмайди. Бундан неча

асрлар муқаддам Ерга келиб кетган Ниг атмосферанинг ҳали одамзодга номаълум зарраларида яшаб юрарди. Эрлни ўрганиш мақсадида Фид кашф қилган, сайёранинг бир нуқтасига қадалиб қолган асбоблар ҳануз ишлаб турар, у ўзининг тўлқинлари билан Давроннинг мия тўқималарига таъсир этиб қўйган эди. Бу ўзгариш доцент Бекмирзаевда ҳам содир бўлган, аммо бевақт ўлим уни келгуси синовлардан маҳрум қилган эди. Ёзёвондаги қазилмаларда танаффуссиз ишлаётган Даврон Унетдан келаётган тўлқинлар домига тобора чирмашар, табиийки буни ўзи сезмас эди. У очиқ эшикка узоқ тикилиб турди. Юрак уриши мўътадиллашгач, озгина хавотир билан ичкарига кирди. Чироқни ўчирмай ётди. Аммо шу топнинг ўзида қулоғи шанғиллади, кўзига яссибош одам кўринди.

МЕРОС

(Учинчи учрашув)

Бемор жони узиладиган дамни олдиндан билса фақат ўлимнигина ўйламайди. Умид ришталари буткул узилмайди. Яна озроқ яшашни истайди. Ўтган умри кўз олдига келиб, ҳаёт қўшиб берилган тақдирда қандай қадам ташлашини режа қилиб қўяди. Айни чоғда ўлим билан юзма-юз бўлиш они уни азобга солади. Ички бир талваса бу паллани яқинлаштираверади.

Унет ҳам шундай беморга ўхшаб қолган эди. Яширин талваса унинг тонги билан уйғониб, тунда кўз юмарди. Талваса, ўринсиз хавотир фақатгина донишмандлар марказига йўлай олмасди. Фиднинг сўнгги тажрибасидан сўнг барча фикру зикрини Эрлдан келтирилган икки тош ҳайкални жонлантиришга қаратган эди. Фиднинг талаби билан мусофирхонадаги бир қан-

ча истеъдод эгалари марказга қайтарилди. Донишмандлар нур таъсирида тошга айланиб қолган органик бирикмаларни ўзга нур ёрдамида аслига қайтариш муаммоси билан банд эдилар. Ниг эса ўзини тобора бегона ҳис этарди. У куни билан марказдан жилмасди. Нима учундир бошқалар каби ишга киришиб кетолмас, асосан берилган саволларга жавоб қайтариш билан чекланарди. Ниг сафарда эканида Унет фани бир қадар илгари силжиган, кўп янгиликлар яратилган, унинг билими шу кун талабига тўла жавоб бера олмасди. Нигда билим даражасини етарли нуқтага кўтара олиш, барча янгиликларни ўзлаштириш имкони бор бўлса-да, ҳаракат қилмасди. У фарзандларини бадбинликда айблагани ҳолда, ўзи ҳам бу хасталикка чалина бошлаган эди. Ниг сафарнинг бесамар тугаганига аввало ўзини сабабчи деб ишонч ҳосил қилганди. Мана шу ўй — Эрлни етарли чуқур ўрганмай қайтиши унинг вужудини кемира бошлаган эди. Фид ундаги бу ўзгаришни сезган, вақти-вақти билан унга тасалли берар, ишга чорларди. Бироқ ишга қаттиқ киришган дамлари унга эътибор бермай қўярди.

Орадан йил ўтмай тажрибаларнинг нурли уфқи кўзга чалина бошланди. Муваффақият онлари яқинлашгани сайин Нигдаги бадбинлик ўт олаверди. Дастлаб у Унет келажагига некбинлик билан қараган эди. Энди эса... Нима гап ўзи! Бадбинлик унга қаердан илашди? Ён-атрофидагилардanми? Балки тўнғич ўғлидандир? Балки сафар йиллари энди куч кўрсатиб, унинг иродасига болта ураётгандир? Нима гаплигини Нигнинг ўзи ҳам билмайди. Зоҳиран тетик, осойишта. Ботинан эса вужудини нохуш, айни пайтда ноўрин ғалаён қамраб олган. Дастлаб у ўғли билан, танишлари билан очиқ-ойдин баҳслашарди. Энди эса ўзи билан ўзи пинҳона олишади. Қачон? Нимага? Шартми? Зарар эмас! Ажаб?.. Бир тана, бир юракка икки киши хўжа-

йин. Ақл юракка, юрак ҳаракатга, ҳаракат сўзларга монанд эмас. Бири бировини инкор этади. Бири бировига бўйсунмайди.

Ниг ана шундай оғир аҳволга тушди.

Нима учундир кейинги бир ҳафта бадалида уни ҳеч ким йўқламади. Бу муддаонинг ўзи бўлса-да, Ниг анча ҳайрон қолди. Яна уч кун кутди. Яна йўқлашмади. Шундан сўнг чинакамига тааҗжубланиб Фиднинг хонасига кирди. Фид кечагина мусофирхонадан келган Пим билан баҳслашар, асабийлашгани учун бор овозини қўйиб гапирарди. У остонада иккиланиб тўхтаган Нигни имо билан ичкарига таклиф қилди. Ҳамсуҳбати эса Нигга бир қараб олди-ю бамайлихотирлигини йўқотмаган ҳолда узилиб қолган сўзини давом эттирди:

— Нимангизга кериляпсиз, ўзингиз ҳам жамиятга фойда келтирадиган кашфиёт қилганингизча йўқ-ку!?

— Мен Унетни ўлимга маҳкум этувчи кашфиёт билан машғул бўлганим учун ҳам кериламан.

— Биз сайёранинг зарар кўришини билмаган эдик. Атайин қилганимиз йўқ.

— Сизнинг онгсизликларингиз ҳам шу.

— Фанда хатолар учраб туради, буни унутманг.

— Ҳар нарсанинг чегараси борлигини сиз ҳам унутманг.

— Яхши, унутмасликка ҳаракат қиламан. Энди бу гапларни қўйиб, муддаога ўтайлик.

— Мен қароримни ўзгартирмайман.

— Сиз мени...

— Ҳа, мен сизни лаёқатсиз деб биламан. Сиз бу ерда биз билан ҳамнафас ишлашга мутлақо нолойиқсиз. Мусофирхонада юра турганингиз минг карра аъло эди.

Фид ўрнидан турди-да дераза олдига бориб орқасини ўгирганича туриб олди. Пим унга нафрат билан қарарди. Сўнг стол устидаги бир даста қоғозларни йиғиш-

тириб олиб чиқиб кетди. Фид шундагина Нигга ўгирилди.

— Кўрдингми?— деди у эшик томонга ишора қилиб.— Темир сандиққа солиб кўмиб ташласанг ҳам иложини топиб чиқади. Мана шу таъвия билан мени мусофирхонада ҳамтовоқ бўлишга мажбур қилдилар-а! Мен қайда-ю, у қайда!

— Унинг гуноҳи нима эди?

— Гуноҳ, деб секин айтасанми? Ену кўлини қуритишни ўйлаб топган «донишманд» шу эди-да. Энди Эрлда ҳам сув бор, уни ўрганишим керак, деб келибди. Қўйиб берсанг Эрлдаги сувларни ҳам қуритади у ярамас!

— Эрлда сув йўқ-ку?

— Сенга ким айтди?

— Ўзим кўрганман.

— Бор. Сув бўлиши керак!

— Фид, бу қадар куйинишингизга тушунмай қолянман.

— Мен эса руҳиятингни яхши билиб турибман.

— Балки адашаётгандирсиз?

— Шундайми?

— Ҳа... Мен келтирган ўлжаларда ҳаёт нишонаси аниқланганда қувонган эдим. Кун ўтган сайин беҳуда хурсанд бўлганимга ишонч ҳосил қилиб боряпман. Менингча Эрлда ҳаётнинг мавжудлиги унетликларнинг ғалабаси эмас, мағлубияти бўлса керак.

— Мағлубият?!

— Ҳа, менингча, бизнинг эрлликлар ҳисобига яшашга сира ҳаққимиз йўқ. Буни кўпчилик англаб турибди.

— Хўш, сенингча тажрибаларни тўхтатиш керакми?

— Билмадим, Фид. Бошим гангиб қолди.

— Ана кўрдингми, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан. Унетликлар қирилиб битмасликлари керак, уқдингми! Битта бўлса ҳам унетлик яшаши, ҳаётни давом эттириши шарт!

— Эрллик-чи?

— Уларнинг онг даражаси бизникидан паст бўлса...

— Балки юқоридир?

— Бўлиши мумкин эмас! Дарвоқе, бу ҳақда тортишиб ўтирмайлик. Мен ҳайкалларга диққат билан разм солиб ўзимча муҳим бир хулосага келдим. Уларнинг бизга нисбатан чиройли эканига эътироз билдирмассан? Ахир бизнинг аждодлар ҳам худди шу ҳайкалларга ўхшаган-ку! Аждодларимизнинг бошлари бизникидай катта эмас, ўз гавдаларига мос бўлган. Уларнинг суяклари йўғон, бармоқлари бизникидай учта эмас, бешта эди. Йигитнинг йўғон қўл-оёқларини кўрибоқ аждодларимизни эслагандим. Ниг, улар оддий ҳайкаллар эмас. Сен бу икки ҳайкални бир ердан олдик деган эдинг. Аёл тиз чўкиб олган. Юқорига қараган юзида, кўзида хавотир бор. Йигит ҳам юқорига қараган. Улар кема қўнар чоғида ваҳимага тушиб туришгандир балки? Биз уларга қайта жон ато этсак, ҳаммаси ойдинлашади.

— Уларга ҳатто жон ато қилмоқчимисиз?

— Қўлимиздан келмайдими?.. Тўғри, шахсан мен бунга ожизман. Лекин бошқа донишмандлар бор... Менда бир қизиқ таклиф туғилган. Агар ҳайкалларга жон ато эта олсак, биз уларни... чатиштирамиз. Улар Унетда фарзанд кўришади. Балки бу янги авлод келажакда Унетда яшай олар?

— Фид, сизга нима бўлди, нималар деяпсиз? Бу қадар мантиқсиз таклифни қаердан излаб топдингиз?

— Бу тахмин, лекин менингча, сен ўйлагандай мантиқсиз эмасдир?

— Аввало, сиз уларнинг муносабатини билмайсиз. Балки улар қўшилишни мутлақо исташмас? У ҳолда туғилажак боланинг баркамоллигига кафолат бера оласизми? Ундан ташқари Унетни эрликларга ташлаб кетмоқчимисиз? Демак, сайёралар айирбошланар экан-да? Эрлдаги ҳаётни ҳам яксон қилгач, қаерга учамиз?

— Ниг, сен тобора ваҳшийлашиб боряпсан. Агар яна шундай хаёлларга берилсанг...

— Майли, бир оз дам олгим бор, жўнатаверинг...

Фид Нигнинг рўпарасига келиб ўтирди. Унинг кўзларига тикилди. Мусофирхонада юрган кезларини эслади. Диққинафаслик, ҳар қандай шовқиндан устун бўлган сукунат. Жимликдан қулоқ шанғиллайди. Бир қарич бўш ер йўқ, кенглик йўқ. Юрак сиқилади. Нигни ана шуларга раво кўрмоқчи бўлдими? Шунчаки айтдими ёки пўписа қилдими? Ҳар нечук у Нигнинг йўқлаб борганини унутмайди. Бу гаи бехос тилидан учди, холос...

Эртасига Фиднинг кутилмаганда йўқлашидан Ниг ҳайрон бўлди. Одатда бирор юмуш чиқса Фид уни чақиртирарди. Бу сафар эса хонага ўзи кириб келди. Марказда эндигина иш бошланган эди. Афтидан Фид тажрибахонасига кирмаган кўринади. У Ниг билан саломлашиб юмшоқ курсига чўкди. Гапни нимадан бошлашни билмагандек узоқ жим қолди. Ниг ундан садо чиқишини кутди.

Баъзан ҳудудсиз саҳро бағрида нажотсиз қолган одам кўзига сермавж дарё кўринади. Дастлаб бунинг сароб эканини англамай қувонади. Дарёга интилади. Сув эса... тобора узоқлашаверади. Марказда олиб борилаётган тажрибалар ҳам худди шунга ўхшаб қолди. Дам умидли манзилгача бир қадам бордай туюлади. Дам бу манзил уфқ ортига чекиниб кетади. Суюқлик нур таъсирида тезгина қаттиқ жисмга айлантирилади. Баъзан у асл ҳолига қайтгандай ҳам бўларди. Аммо таркиби кескин ўзгариб, донишмандлар олдига янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўярди. Эрлдан олиб чиқилган ҳайкаллар эса шиша қути ичида навбат кутиб ётарди.

Ниг Фиднинг руҳиятидаги ўзгаришни тажрибаларнинг кўнгилсиз натижаларидан деб ўйлади. Шунинг учун уни гапга тутмай турди.

Фид кўзларини хиёл қисиб Нигга тикилди.

— Саломатлигинг яхшими?— деди у ниҳоят синиқ овозда.

— Ёмон эмас. Қайфиятингиз йўқроқми?

— Икки тундан бери ухлай олмаяпман. Ҳаво етишмаётганга ўхшайди. Бўғзимга бир нарса қадалган.

— Толиққандирсиз?

— Балки... Тунда ишимни ниҳоясига етказа олмасам-а, деб қўрқдим. Бундай бемаъни ҳаёт мутлақо менга йўламас эди. Бошим қотиб қолди. Балки чиндан ҳам...

— Бу толиқишдан. Уч-тўрт кун дам олишингиз керак.

— Йў-ўқ, дамни мусофирхонада олганим ҳам етади. Тунов кунги гапинг миямга михланиб қолганга ўхшайди.

— Қайси гапим?

— Эрлга кўчишимиз масаласидаги эътирозингни айтяпман. Балки сен ҳақдирсан?

— Айтганларим мутлақ фикрларим эмас. У фикрлар ақлга эмас, тўғрироғи, кўпроқ ҳиссиётга суянган эди.

— Хуллас, турли хаёллар алангасида туни билан куйдим. Бошим қотган. Ишга қўлим бормаяпти. Нима қилишга ҳайронман.

— Аввало дам олинг. Бекорчи хаёллардан холи бўлинг.

— Кўнгил кўтаришга, маслаҳат беришга бесуяксан. Шу учун тўғри сенинг хонангга кирдим. Атрофимда тушкин, бадбин одамлар ўралашса ишлагим келмай қолади. Хайрият, сен буткул бу ботқоққа ботмабсан. Сен мени фақат некбинлигинг билан суяшинг мумкин. Иродаси кучли ҳамроҳнинг далдаси ҳар қандай оромдан устун бўлади.

Фид шундай деб ўрнидан турди-да, чиқиб кетди.

«Кўнглини кўтарадиган бирорта ҳам гап айтмадимку, унга нима бўлган ўзи?» Ниг шу хаёлда унинг орқасидан бормоқчи эди, остонада тўнғич ўғлига дуч келди.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?— деди Ниг ҳайрон бўлиб.

— Сизни излаб келдим. Тезда уйга боринг. Онам йўқлаяптилар.

— Уйдан ҳозиргина келдим-ку?

— Онамнинг тоблари йўқроқ.

— Юр, бўлмаса.

— Мен дўстимга бир оғиз гап айтаман-у, орқангиздан етиб оламан.

Ниг шошганича уйига жўнади. Тўнғичи айтганидай орқасидан етиб келмади. Аммо Ниг бунга айтарли эътибор бермади. Тўғри хотини ётган хонага кирди. Хотинининг кўзи энди уйқуга кетган эди, чўчиб уйғонди. Эрини кўриб маъюс жилмайди.

— Тинчликми, нимага қайтдингиз?— деди хаста овозда.

Ниг нима дейишини билмай иккиланди.

— Бугун... қиладиган ишим йўқ эди, қайта қолдим,— деди ниҳоят,— ўзинг тузукмисан?

— Ҳа, бугун анча енгил тортиб турибман. Ҳозиргинада тўнғичингиз келиб кетди.

— Нима дейди?

— Ҳеч... Ҳа, сизга хат ёзиб қолдирди шекилли, жавонни қаранг-чи.

Ниг китоб жавонининг пастки токчасидаги бир варақ қоғозни олиб тўнғичининг хатини таниди. Шошиб кўз югуртирди: «Ҳар нарсанинг чеки-чегараси бўлиши керак. Унетни қуруқ умид билан сақлаб қололмайсиз. Биз унетликларни кутиш азобидан маҳрум қилиб, фожиани тезлатишга қарор қилдик».

Шундан сўнг имзо қўйилган. Аммо пастроққа каттароқ ҳарфларда «НИМА УЧУН БИЗ ЭРЛИКЛАРНИ СИҚИБ ЧИҚАРИШИМИЗ КЕРАК? БИЗ АВЛОДЛАРГА НИМАНИ МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРАМИЗ? ВАҲШИЙЛИКНИМИ?» деб ёзиб қўйилган эди.

Ниг беихтиёр қоғозни ғижимлаб хотинига қаради.

— Нима деб ёзибди яна?— деди хотини хавотирланиб.

— Ўзининг ўша эски дарди...

У гапини тугатмай дераза ойнаклари зириллаб, уй титраб кетди. Хотини ваҳима билан қичқириб юборди.

Ниг донишмандлар марказининг портлаганини, бу мудҳиш ишни амалга оширишда тўнғич ўғли ҳам иштирок этиб марказдагилар билан бирга ҳалок бўлганини бир неча дақиқадан сўнг билди.

УЛОҚ

Даврон нима қиларини билмай яна икки кун шаҳарда қолиб кетди. Юраги сиқилиб, дуч келган одам кўзига олчоқ бўлиб кўринаверди. Кечалари уйқуда ҳаловат йўқ. Кундузи бировга ёрила олмай қийналади. Ниҳоят учинчи куни оқшомда бекатга йўл олди.

Қишлоғига ҳам сиғмади. Юраги тошиб кетаверди. Устига-устак хотини ҳақидаги (қўйиб юборган бўлса ҳам) миш-мишлар кўкрагига чўғдай босиларди. Шунинг учун автобусга ўтириб Ёзёвон томонга жўнади. Шу кунлар ичи хаёлида бир режа куртак очган, аммо уни амалга ошириш йўлини белгилай олмай гаранг эди.

Аввалига колхозга бориб Йигитали акани топмоқчи ҳам бўлди. Бироқ хаёлимни бир ерга тўплаб олай, деган қарорга келиб тўғри қазилма манзилига ўтиб кетди.

Чодирлар йиғиб олинган. Ўйдим-чуқур ер етим қолгандек мунғайиб турибди. Енгил шабада қўзғалган кезлари ғубор бир кўтарилади-ю, гўё эрингандай, яна оҳиста ерга қўнади. Хаёлини жамлаш мақсадида бу ергакелган Даврон калаванинг учини бутунлай йўқотди. Узоқ вақт нест бўлиб турди. Кейинги кунлар ичидаги воқеалар, кўрган одамлари ,суҳбатлар ғижирлаб, асабга тегувчи эски чархпалак сингари қайта-қайта ёдига

тушаверди. Тураверіб оёқлари толиқди. Аста юриб пастга тушди. Дарҳақиқат, ер кўп кавланди. Аммо натижа етарли бўлмади. Лекин бу ҳеч қачон, ҳеч қаерда ишни муддатидан илгари, чала ҳолда тугатишга асос бўлган ҳам эмас. У одам ё жоҳил, ё худбин, ё олчоқ ёки ҳийлагар. Балки шу тўрт «фазилат»ни биратўла ўзида мужассамлантира олган бадбахтлардандир? Мана шу ер, мана шу тупроқ неча асрларни кўрди, неча хил воқеага гувоҳ бўлди, неча-неча одамнинг қонини, кўз ёшини шимди. Шунинг учунми, тупроққа ҳам, заминга ҳам табаррук, деб нисбат берилади. Аммо табаррук тупроқни топтаб ўтган неча-неча аблаҳ ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Замин одамзоднинг ҳамма тоифасини ардоқлаб, бағридан неча йиллаб жой беради. Агар Ерда инсоннинг ҳисси, туйғуси бўлгандами, елкасида шунчалар ҳаромхўр борлигини билиб аллақачонлар ёрилиб кетарди. Одамзоднинг бахтига замин инсоннинг тоифаларга ажралганини билмайди.

Даврон шундай хаёллар оғушида текширилаётган ерларни айланиб чиқди. Юқорига кўтарилиб, чангни тўзитганича яқинлашаётган машинага кўзи тушди. Машина Давроннинг шундай ёнида тўхтади. Чанг тўзони машинани қувиб етиб атрофини бир зумгина қуюн каби ўраб турди. Бу орада машина эшиги очилиб Йигитали ака кўринди. У қўли билан чангни ҳайдаган бўлиб Даврога яқинлашди.

— Сизни ўғлим катта йўл ёқасида кўриб қолган экан. Хабарингизни эшитиб шу ердадирсиз, деб келавердим,— деди Йигитали ака у билан омонлашиб бўлгач.

— Раҳмат, раис бува,— деб жилмайди Даврон,— ўзим ҳам ҳозир сиз тарафга бормоқчи бўлиб турувдим.

— Қани, бўлмаса кетдик.

Йўл-йўлакай Даврон бўлган гапларни қисқа қилиб айтиб берди. Йигитали ака унинг сўзларини бўлмай эшитди. Фақат баъзан «аттанг», «чакки бўлибди», деб

қўйди. Даврон саргузаштини тугатгач, «Бир гап бўлар куюнаверманг», деди-ю, тайинли маслаҳат бермади. Шу боис Даврон ўйлаб келган режасини айтишга истиҳола қилди.

Уйга боришдан олдин колхоз идорасига кириб ўтдилар. «Бир дақиқалик иш билан» идорага кирган раис оқшом чоғида қайтиб чиқди.

— Давронбек, сизга бир маслаҳат бор,— деди у машинага ўтиргач. Сўнг ҳамсуҳбатидан садо чиқишини кутмай сўзини давом эттирди.— Агар бирор ишни мўлжаллаб қўймаган бўлсангиз, колхозимизга аъзо қилиб оламиз.

— Ие,— деб кулди Даврон,— колхозда нима иш қиламан?

— Тракторчилар етарли, сувчиликни сизга ишонмайман... Бўзчи билганини тўқигани маъқул. Сиз қазишмаларингизни давом эттирасиз.

Аслида Давроннинг ҳам мақсади шу эди. Колхоздами ёки мактабдами ишлаб, бўш вақтида қазишмани ёлғиз ўзи бўлса ҳам давом эттиришни режа қилганди. Бироқ раиснинг ўзидан бу таклиф чиқишини сира кутмаган эди. Раис шунчаки меҳрибонлик қиляптими ё бу ишдан колхозга манфаат кўряптими? Ҳар қолда бир сир бор. Даврон ана шу сирдан воқиф бўлиш учун ўсмоқчилаб сўради:

— Колхоз шунинг учун менга ҳақ тўлайдими?

— Йўқ, бунинг учун эмас. Истасангиз муаллимлик қилинг, балки маданият уйимизни берармиз. Кўп бўлмаса ҳам икки-уч ҳашарчи билан таъминлашни бўйнимга оламан, келишдикми?

— Келишмаган одам — номард. Аммо бир нарсага тушунмайроқ қолдим.

— Бир эмас, кўп нарсага тушунмайсиз. Ўйдим-чуқур қилиб юборган ерингиз неча гектар, биласизми? Ишингиз қанча тез тугаса, колхозга шунча фойда.

— Агар ўша ердан шаҳар чиқиб қолса-чи?

— Нима бўпти?

— Уни қайтиб кўмиб юбора олмаймиз-ку? Нодир тарихий музей устига тупроқ тортиб пахта экишга қўлингиз бормас?

— Агар шаҳар топилса, яна ҳам яхши. Музей бўлса нур устига аъло нур. Музейнинг колхозга нафи тегмайди, дейсизми? Наф деганда фақат пулни эмас, маънавий бойликни ҳам ҳисобга олинг-да!

Давроннинг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди. Раснинг қўлини маҳкам қисди.

Ҳовлига киришганда Хосият хола офтобнинг кучсиз нурига орқа қилиб ўтирган эди. Меҳмонни кўргач, тиззасига тиралганича ўрнидан туриб сўрашди-да, сўрига бошлади. Меҳмон жойлашиб ўтиргач, Йигитали ака «Пича ўтира туринг», деб отхона томонга юрди. Ҳадеб очилиб-ёпилавериб пастки томони ер чизадиган бўлиб қолган омонат эшик хунук ғижирлади. Ичкаридан отнинг пишқириши, кейин унга урилган шапатининг, сўнг Йигитали аканинг «Ҳа, жонивор, тек, тек», деган овози келди. Хосият хола: «Айбга буюрмайсиз ўғлим», дедида, тиззасини ушлаганча аста ўрнидан туриб олди, очиқ бостирма томонга қараб юрди. Тандир ёнига уйиб қўйилган ғўзапоядан бир тутам олиб қирс-қирс синдиргач ўчоққа ташлади. Ҳали эски чўғлар ўчиб улгурмаган ўчоқда ғўзапоя бир оз тутаб турди-ю, кейин аланга олди. Отхонанинг эшиги яна ғижирлади. Овқатнинг тузини тотаётган Хосият хола эрига қаради:

— Мунча ҳаялламасангиз, шўрва бўтқага айланиб кетди-ку. Ўғлингиз бола-чақамни олиб келай, деб қудангизникига кетганича дараги йўқ. Ота-болани кутиб куним ўтаверар экан-да, а?

— Идорада Шоназар, Мамаюсуф, Абулатифлар йиғилиб ўтиришган экан. Пичи ҳангома қилдик.

— Ҳангомангиз ҳам қурсин. Учта эркак йиғилса хотинлардан баттар эзма бўлиб кетади расми...

— Эзмаликда улоқ хотинларда кетган. Тўрттагина гапимиз ҳам эзма бўлдими? Биз гапирсак ишдан гапирамиз. Эртага теримни бошламай туриб пахта байрами қилмоқчимиз.

— Энди бунақасига ўтибсизлар-да, аввал пахта байрами теримдан сўнг бўларди.

— Теримни яхши ният билан, яхши кайфият билан бошлаш керак. Шунда хирмон катта бўлади. Колхознинг бели бақувват, теримдан кейин ҳам байрамга куч ета ди.

— Кўнгилга сиғса ҳар куни байрам қилинг, менга нима?

— Овқатдан кейин эски чопон билан шимни олиб қўйишни унутма.

— Нима?

— Телпакни ҳам.

Йигитали ака Давроннинг ёнига қайтди. Хосият холанинг қошиқ ушлаган қўли муаллақ туриб қолди. «Раис бўлиб ҳам эсини йиғиштирмабди. Икки йил бурун-ку, оёғи синиб қанча азоб чекди. Ўзигина азоб чекса майлига-я, мени қанча қийнади. Бари бир адабини емабди. Оёғида ҳали ҳам оғриқ бор-у, сездирмайди. Энди улоқ чопмаса кимнинг кўнгли қоларкан? Ёшлигида бошқа гап. Қамчи ўйнатиб от чоптиришни ўзим ҳам яхши кўрардим. Довюраклиги ёқиб қолмаганда, бу улоқ жиннисига у дунё-бу дунё турмушга чиқмасдим. Йўқ унга бир бало бўлган. Ё гап талашган, ё керилиб қўйган... Раиснинг улоқ чопиши қуюшқонга сиғадиган гапми?..»

Хосият хола овқатни сузиб келди. Йигитали ака улоқ ҳақида бўлак гап айтмади. Қош қорайгач, Хосият хола рўпарадаги дераза пардасини кўтариб телевизор қўйди. Сочини беўхшов турмаклаган қизни кўрди-ю, қарғаниб, мурватни бураб, бўлак тасвирга олди. Буниси ҳам ёқмагач, «шиқ» этиб ўчириб қўйди.

— Ҳа, нимага ўчирдинг?— деди Йигитали ака телевизорнинг пардасини тушираётган хотинига.

— Ўла қолсин, кўрадиғон нарса йўқ. Гапиришганигапиришган.

— Сенга ҳадеганда ўйину ашула бўлса...

— Гап керак бўлса, қўйиб кўраверинг.

Хосият хола шундай деб сўрига келди-да, омонат ўтирди. Кўринишидан чоли билан уришиб онасиникига кетадигандай эди.

«Қариган сари феъли нозик бўлиб кетяпти,— ўйлади Йигитали ака.— Меҳмон бор ҳам демайди. Ёшлигида шўх эди, кўнглида кир тўпланмасди. Ўзи хотин киши қаримасин экан. Олдинлари улоқнинг дарагини эшитса, нарсаларни ўзи тайёрлаб қўярди. Отчопарга бориб томоша қилишни қўймасди. Томоша қайда! У бошқа хотинлар олдида мақтангани борарди. Эри улоқда тенги йўқ чавандоз бўлади-ю, мақтанмайдими? Ўша дамлар ўтиб кетди-да! Бу хотин нимага айниб қолди-а? Раис бўла туриб улоқ чопишимдан ор қиляптими? Бунинг нимаси уят? Нима, раис одам эмасми? Ҳамиша четда, ўзини бошқалардан юқори олиб юраверишкеракми? Ёки мен қаридимми? Менга ачиняптими? Йўғ-е, қариш ёшга қарайдими, кучгами? Илгарилари бошқача эди... Унинг ўтиришини қара, юлишга чоғланган мушукка ўхшайди-я! Улоққа чиқишимдан норози. Эртага улоққа сўнгги марта чиқаман. Буни ҳеч ким билмайди. Билмагани ҳам дуруст. Йўқса, илтифот қилиши мумкин. Йўқ, менга илтифот керакмас. Совринни ўз кучим билан оламан. Ҳа, ҳали улоқда мендан устун келадигани йўқ. Яна беш-ўн йил от чоптиришим мумкин. Лекин иззат борида этакни ёпган ҳам маъқул. Эртага совринни оламан-у: «Биродарлар, эндиги улоқ ёшларники, бизга узр», дейман. Эртага Ҳомидбек ёнимда турса, кўнглимни тўқ тутардим. Ёрдамга муҳтож бўлмасман-ку, ҳар ҳолда ёнимда от чоптирса мадор бўлади. Аммо бу бола анча пишиқ чиқди, отасига ўхшамайди. Отаси би-

ровнинг ҳаққини еб ўрганган. Фақат юлишни билади. Бу бола бошқача. Отчопарнинг олди йигити шу бўлади. Совринни олиб, ҳамманинг олдида шу болага топшираман. «Ҳомидбек от ўйнатса, Йигитали улоққа келибди, деяверинглар», дейман. Менинг шогирдимни ҳамма билиб қўйсин.

Ие, бу бола тушмагурнинг улоқдан хабари бормикин? Айтишганмикин? Келиб кетай ҳам демайди... Ё эрталаб келармикин? Ҳар ҳолда «Менга яқинроқ бўл» деб қўйишим керак... Кампир жуда шумшайиб олди-ю...»

Йигитали ака шуларни хаёлдан ўтказиб кампирини гапга солмоқчи бўлди:

— Давронбек ишларини чала ташлаб кетмоқчи эканлар, базўр олиб қоляпмиз. Колхознинг ҳисобидан бўлса ҳам ишни давом эттиринг, деб илтимос қилдик,— деди у салмоқлаб.

— Ажаб бўлибди,— деди Хосият хола бу гапдан қувонгандай чеҳраси очилиб.— Акангизнинг сўзларини ерда қолдирмай яхши қилибсиз. Бирон йил бирга юрсангиз сизни ҳам отга мингазиб улоқчиларнинг тўдасига қўшиб қўядилар.

— Бўлмасам-чи!— деди Йигитали ака керилгансимон оҳангда,— Эндиги улоқ ёшларники-да!

— Нечук?— деди Хосият хола пичинг билан унинг сўзини бўлиб.

— Э, ўртоқ хотинхўжа, чиқмаган жондан умид. Биз ҳам бир куч синашиб қолайлик. Бўлмаса, кўрган одам қариликни бўйнига олибди, деб хаёл қилиши мумкин.

— Қаранг, Ҳомидбегингизми?

Ҳомидбек отини кўчада қолдириб этигининг чангини қоққан бўлди-да, ичкари кирди. Саломлашиб, сўрининг пойгакроқ еридан жой олди.

— Эртага улоқ бўлишини эшитдингми?— деб сўради Йигитали ака.

— Ҳа,— деди Ҳомидбек.

Нима учундир суҳбат қовушмади. Бундан кўпроқ Даврон ўнгайсизланди. Бахтига Ҳомидбек узоқ ўтирмади. Бир пиёла чой ичгач, кетишга рухсат сўради. Йигитали ака уни кузатиб қўйди. Лекин «Эртага сўнгги марта улоққа чиқаман, менга яқинроқ юр, керак бўлса, ёрдамлаш», дейишга тили бормади. Хайрлашар чоғи фақат «Эртароқ кел», деб қўя қолди.

Ҳомидбекнинг гапи ҳам ичида кетди. У Йигитали аканикига темир йўлнинг нарёғидаги фермадан келган эди. Унинг бу фермага серқатновлиги, кейинги ойларда йигитнинг ороми бузилгани Йигитали акага маълум. Ҳомидбек маслаҳат солганда «Ўзингга ёқса бўлди-да», деган.

Қиз-ку Ҳомидбекка ёқади-я, лекин Ҳомидбек қизга ёқмаса-чи? Унда нима бўлади? Ҳомидбек кўпроқ шундан хавфда эди. Мана бугун ҳам шартта-шартта гаплашгани борди. Лекин ҳар галгидай гапиролмади. Ёнида жимгина юраверди. Охири:

— Эртага кундузи бўшмисиз? — деб сўради.

— Нимайди?— деди қиз унга савол назари билан боқиб.

— Улоққа келасизми, демоқчи эдим.

— Келсам келавераман. Сиз ҳам чопасизми?

— Ҳа.

— Ҳеч ютганмисиз?

— ...Йўқ.

Қиз кулди. Ҳомидбек ўнғайсизланди...

— Эски пайтлар бўлганда уйланолмай ўтиб кетаркансиз.

Ҳомидбек «нимага?» демоқчи бўлди-ю, ўзини тутди. Қизнинг гапидан аччиқланди. Аммо қиз буни сезмай гапини давом қилди:

— Раис бува хотинларини улоқда ютган эканлар, шу ростми?

— Билмадим.

— Хосият хола ўша пайтда жуда чиройли бўлган

эканлар. Ҳадеб совчилар босавергач, «Ким улоқда зўр келса, ўшанга чиқаман», дептилар. Йигитали ака ютиб чиқибдилар. Қизиқ, эртакка ўхшайди, а?

— Одамлар тўқиган гап бу.

— Бари бир Хосият хола тўғри иш қилган эканлар. Йигитали ака раис бўлмай туриб ҳам у кишини ҳамма ҳурмат қиларди.

— Эртага раис бува ҳам тушадилар.

— Ростданми? Ундай бўлса бораман.

Ҳомидбек ҳар гал қиз билан хайрлашганда юрагида бир чўғ қолгандай бўларди. Бу гал чўғ ўрнини совуқ бир нарса эгаллади. Қизнинг бу гаплари унинг иззат-нафсига тегиб ўч олишга — ўзини кўрсатишга ундади. У фақат улоқдагина ўзини кўрсатиши мумкин эди. «Эртага қандай бўлмасин улоқни ютишим керак. Кейин ўзи ялиниб келади. Хосият холанинг ёшлигини нимага эслади? Ё менга шартини шама қилдими? Қизлар айёр бўлади. Лекин бари бир мен ўзимни кўрсатиб қўяман. Йигитали акага айтаман. «Менга яқинроқ бўлинг, ёрдам беринг, албатта ютишим керак», дейман. Устам-ку, ёрдам беради...»

Ҳомидбек раиснинг уйига кириб меҳмон борлигини кўргач, бу гапларни айтолмаслигини сезди. Хайрлашув чоғида раиснинг «Эртароқ кел», деганига «Хўп, уйингизга кириб ўтаман», деб отга минди-да, йўрттириб кетди.

Чавандозлар темир йўлга тақалган катта майдонга тўпландилар. Уларнинг аксари тўпга яқинлашган Йигитали ака билан қуюқ сўрашди. Тўдада «Раис бува ҳам тушармишми?» деган шивир-шивир бошланди.

Солимчи ичига туз тўлдирилган эчки тулупини ўртага ташлади. Майдонни чавандозларнинг қийқириғи босди. Улоқ ердан узилди. Бир неча улоқчи тўпдан ажралиб отни сурди. Шундагина Йигитали ака отига қарсиллатиб бир-икки қамчи босди. От дупурлари орасида унинг «Ол, ҳа, ол!» деган қичқириғи эшитилди. Улоқни тақимига босган отлиққа яқинлашганда қамчинни орзига

олиб энгашди. Тизгинни бир қўли билан ушлаб, бир қўлини улоқ сари чўзди. Бу орада отлиқлар кўндаланг бўлиб уларнинг олдини тўсди. Орқадаги дупурлар ҳам яқинлашди. Вақт бой берилиши мумкинлигини сезган Йигитали ака тизгинни қўйиб юбориб, иккала қўли билан улоққа ёпишди-да, силтаб тортди. Ололмади. Яна тортди. Шу пайтда кимдир унинг отини қамчилади. От ўзини ёнга олди. Раис улоқни қўйиб юбормай яна силтади. Отлиқлар қийқиришиб уларни ўрай бошладилар. Йигитали ака бу гал жуда кескин силтаб улоқни тортиб олди-да, отни ниқтади. От тезлашди. Раис улоқни тақимига босиб, қўлига қамчи олди. «Ол, ҳа, ол» деб қичқирди. У қамчи билан гоҳ отнинг у сағрисига, гоҳ бу сағрисига қарсиллатиб урар, бу билан у яқинлашмоқчи бўлган чавандозларни ўзидан безитиб турарди. Шунда ҳам бир-икки довюраклар улоққа чанг солишди...

Йўлнинг ярми ўтилганда тўдада фақат ўттиз чоғли чавандоз қолди. Кўпчилик уларнинг йўлини тўсиш мақсадида тўхтаб, ўзларига қулай жойларни танлаб турдилар. Раис отга қамчи ураётган пайтларида ён-атрофига қараб, нимагадир Ҳомидбекни кўрмади. «Йўл пойлаяпти, шекилли», деб аччиқланиб қўйди. У ёшлигидан йўл пойловчиларни ёқтирмайди. «Ҳалол улоқчи паккадан маррагача курашиши керак. Тайёрини тортиб олиш номарднинг иши» деб Ҳомидбекка неча айтган эди.

Чавандозлар маррага яқинлашганларида тўда яна қуюқлашди. «Йув, йув!», «Ол!», «Бос!» деган қичқириқлар, отларнинг пишқиришлари кучайди. Айниқса марра атрофида оёқ қўйгани жой топилмади. Чавандозлар тўдаси кўланка сингари чайқалар, отлар оғзидан оппоқ кўпик сочар, қамчилар шарақлар, қийқириқ бир зум тинмасди.

Раиснинг йўли буткул тўсилган, от фақат бурнини кериб пишқирар, сакрашга чоғланарди. Бир неча қўл бараварига улоққа ёпишар, лекин Йигитали ака тақимини бўшатмасди. Улоқнинг бир қўл, бир оёғи аллақа-

чон юлиб олинган, ушлаб тортиш анчайин қийинлашган эди. Раис бу аҳволда ўтиб бўлмаслигини билиб отни қайтарди. Тўда соя сингари унга эргашиб анча сийраклашди. Йигитали ака тўдадан ажралиб отни темир йўл томонга бурди. Кейин яна орқага қайтди. Уни яна ўраб ола бошладилар. Маррага яқинлашганда кимдир яна унинг отини қамчилади. Юзига кўзи аралаш бир нарса «шилт» урилиб, у жон аччиғида ингради. Бирдан бўшашиб, оёғидан куч кетди. Кимдир бир силтаб улоқни тортиб олди. Шундан кейингина раис улоқни тақимига босиб от қамчилаётган Ҳомидбекни кўрди. «Яхши, энди ундан ўзим оламан», деб от сурмоқчи бўлди. Аммо уни яқинлаштирмадилар. Маррага жуда оз масофа қолган, у шошилар, лекин ҳаракати фойдасиз эди. Чавандозлар бир қийқиришди-ю, жим қолишди. Улоқ солимчининг оёғи остига ташланган эди. Раис ғолибнинг кимлигини дастлаб билмади Отлиқлар аста тарқалишди. Солимчи Ҳомидбекка тўн кийгазаётганда раис ғалати бўлиб кетди. Отни буриб енгил қамчи урди. Оёғининг зирқираб оғришига, қамчин заҳридан юзининг ловиллашига ҳам эътибор бермай отни ўз ҳолига қўйди. Қаерларда юрганини, нималарни ўйлаганини ўзи ҳам тузук-қуруқ билмади. Бир пайт қараса, от бўйнини хам қилганча ҳовлисига кириб боряпти.

Эшик олдида Хосият хола. Қўлида тугун.

— У нима?— деди Йигитали ака отдан тушмай.

— Ҳомидбегингиз ташлаб кетди, мукофотингиз эмиш.

Раис энгашиб тугунни хотинининг қўлидан олди-да, отни орқага бурди. Хосият хола «Яна ҳаялламанг», деганича қолди.

Раис Ҳомидбекнинг эшигига келиб ҳам отдан тушмади. Қамчининг дастаси билан эшикни тақиллатди. Йигитнинг отаси чиқиб одатича тилла тишларини кўрсатиб кулди-да, ёқимсиз бир мулозамат билан ичкарига таклиф қилди. Раис қуллуқ қилиб тугунни узатди.

— Нима бу?

— Ўғлингизнинг мукофоти. Улоқда ютди.

— Ўзи қани?

— Келиб қолар. Буни дадамга бериб қўйинг, деди.

— Оббо азамат-е, ютибди-да, а? Сизнинг сабоғингизни олган-да. Шу бола анча пишиқ чиқди, а? Нима дейсиз?

Раис бош ирғаб тасдиқ ишорасини қилди-да, тизгинни тортди. Уйга қайтса Хосият хола Даврон билан остонада турган экан. Ҳолсиз бир аҳволда отдан тушиб жиловни хотинига тутқазди.

— Кетиб қолганингизни сезмабман,— деди Даврон айбона оҳангда.— Сайилга қайтарсиз, девдим.

— Ҳа... бир оз ҳорибман шекилли. Қарилик-да. Тузук ўтдими ишқилиб?

— Ҳа, деҳқонларнинг боши осмонда. Фақат кўринмай қолганингизга ажабланишди. Сўраганларга партком: «Тоблари қочибди», деди.

— Тўғри айтибди.

Йигитали аканинг суҳбатга раъйи йўқ эди. Аввал партком, кейин яна бир-икки йўқловчи келиб кетди. Раиснинг руҳияти, дарҳақиқат, беморникидай эди. Шунинг учун улар узоқ ушланишмади. Даврон ҳам уни кўп гапга тутмади. Ётар маҳаллари Йигитали аканинг кўзи ичкарида сандиқ очаётган хотинига тушди.

— Солмай тур. Ҳосил байрамида асқотади. Эндигиси — сўнггиси. Айтганингдай, қарибман...

Хотин эрига ачиниш билан қараб қолди. Даврон «Ютолмаганлари учун кайфиятлари йўқ экан-да», деган қарорга келди. Аммо воқеанинг моҳиятига тушуниб етмади. Тушуна олмасди ҳам. Улоқни четдан кузатган одам шу довюраклар беллашувида ҳам ноҳақлик найранг бўлишини сира ўйламайди.

Саҳарда Даврон Йигитали аканинг йўталидан уйғониб кетди.

— Ие, уйқунинг заволи бўлдим-ку,— деди у хижо-

лат тортиб.— Ҳушингиз келса, мен билан юринг. Дала айланамиз. Йўл-йўлакай сизбоп иш ҳам топилиб қолар.

Нонуштани шийпонда қилишди. Терим бошланиб кетган, барчанинг руҳи тетик эди. Раис ҳам оқшомги тушкун одамга ўхшамасди. Деҳқонлар билан аския қиларди, завқ билан куларди. Бригадирнинг мақтовини олган икки кишига ҳамманинг олдида тўн кийгазди. Бу ҳол кейинги шийпонларда ҳам такрорланди. Машинанинг орқа юкхонаси тўн билан тўлган эди.

— Тўнларни ғамлаб олган экансиз-да?— деди Даврон бошқа шийпон томонга боришар экан.

— Тўн аслида ўзлариники. Биласиз, теримга қадар кунда тўрт-беш жойда тўй. Раис келади, деб илҳақ бўлишади. Ҳаммасининг кўнглини олиш керак. Борганингиздан кейин албатта елкангизга тўн ташлашади. Мен шунча тўнни нима қиламан? Мана шундай йиғиб қўйиб, керакли пайтда ўзларини сийлайман. Аммо бу гап ўртамизда қолсин. Бўлмаса «Раис ўзимизнинг нонимизни ўзимизга едирар экан», деб қаттиқ ранжишади.

Пешиндан сўнг Даврон барча қатори теримга сафарбар этилди. Раис «План тўлган куниёқ бешта ҳашарчи билан иш бошлайсиз», деб унинг кўнглини тўқ қилди. Иш узоқ куттирмади. Ҳаво яхши келиб мажбурият тез кунда бажарилди. Давроннинг таклифи билан катталар эмас, мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳашарга навбатма-навбат борадиган бўлишди.

* * *

Аксига олиб бу йилги баҳор соғинтириб келди. Ҳамал яримлаб қолса ҳамки, ҳавонинг авзойи очилмади. Кузакдаги ишлар эса кўнгилдагидай бўлмади. Давроннинг ёрдамчилари — юқори синф ўқувчилари ишлаш ўрнига уни тинимсиз сўроққа тутишарди. Уларни ҳар бир нарса — шу ердан топилган сопол парчасидан тортиб, Африкадаги экспедицияларнинг тақдиригача қизиқтирарди. Ташқаридан қараган киши бу ўқувчиларнинг барчаси археологияга қаттиқ меҳр боғлаган, мактабни

тугатгач албатта шу соҳага боғланадилар, дейиши мумкин эди. Даврон уларга жавоб қайтаришдан эринмасди, ишнинг мўлжалдагидай бўлмаётганидан ҳам куюнмасди. У болалар билан бажонидил суҳбат қурар, уларда «археологияга нисбатан меҳр уйғотяпман», деб ўйлар эди.

Даврон қиш бўйи мактабда муаллимлик қилди. Тарих ўрнига баъзан археологиядан сабоқ бериб, программадан четга чиққани учун маъмурият танбеҳини ҳам эшитди. Ўқувчиларини сафарбар этиб, мактабда мўъжазгина тарих-археология музейи ташкил этгач, бу танбеҳлар ювилиб кетди.

Ўзи истамаган кўнгилсиз сафарда юрган киши кун ўтишини сабрсизлик билан кутгани каби Даврон баҳорни бениҳоя қўмсарди. Ҳавонинг юришиб кетишидан, далани босиб ётган тизза бўйи қорнинг эришидан эса дарак йўқ. Аввалларн бундай кезларда у шаҳарда бўларди. Ёз бўйи қилинган ишларнинг якуни фандаги янгиликлар билан танишиш, турли мажлислар, дўстлар давраси ва шу кабилар билан овора бўлиб қишнинг ўтганини сезмас эди. Бу ерда эса... Куннинг биринчи ярми мактабда ўтади. Кейин баъзида идорага киради. Йигитали акани учратса, бир оз гурунглашади. Йўқса чойхонага киради. Ҳар куни бир хил маромдаги гаплар. Табиатнинг мудроқ уйқуси одамлар руҳиятига ҳам таъсир қилгандек. Барча зерикишдан гап очади. Телевизорга михланиб ўтириш ҳаммага ҳам ёқавермайди.

Маҳбубани кўп ўйлади. Шундай кезларда шаҳарга кетгиси, эркактабиат бу аёлни кўргиси келарди. Маҳбуба унинг таклифини очиқ бўлмаса-да, рад этди. Шундай экан, яна унинг ортидан соя каби судралиб юришга унинг ҳамияти йўл қўймайди. Ўзи шилқимликдан йироқ бўлгани учун, аёлларнинг этагига ёпишиб олувчи эркакларни жинидан ортиқ ёмон кўради.

Одамлар сумалак учун дошқозонларни, катта ўчоққа ташланадиган ғўлаю тўнкаларни, ундириш учун буғ-

дойни шайлаб, қуёшнинг иссиқ нурига ташна бўлишарди. Ҳаммадан ҳам Йигитали ака безовта эди. У бошқалар каби сумалакни эмас, далада иш бошланишини кутарди. Даврон қазилмаларини ўн кун эмас, бир ойдан сўнг бошласа ҳам бўлаверади. Пахтанинг ишини эса орқага суриш мумкин эмас. Баҳорнинг ҳам, ёзу кузнинг ҳам дақиқасигина эмас, сонияси саноқли.

Даврон дарсини тугатгач, идорага кирайми кирмайми деб оёғи тортмай келди. Ҳовлида райснинг машинасини кўриб «Хайрият», деб қўйди.

Йигитали ака диванга ястанганича газета ўқирди. Давронни кўриб газетани йиғиштирди-да, ёнидан жой кўрсатди. Суҳбатлари одатдагидек об-ҳаводан бошланиб, кейин «ҳар соҳадан бир шингил»га айланди.

Суҳбат энди бир маромга тўғри бўлай деганда котиба кириб Йигитали аканинг гапи оғзида қолди.

— Меҳмонни бир киши сўраяптилар,— деди айбдор оҳангда.

— Қиравермайдиларми?— деди Йигитали ака. Кейин ҳайрон бўлган Давронга қаради.— Хижолат чекманг, қиладиган ишим ҳам йўқ эди.

Остонада Маҳбуба кўрингач, Даврон нима учундир Йигитали акадан уялди. Йигитали ака Маҳбубани танимас эди. У ҳақда эшитган ҳам эмасди. Шунинг учун аввалига нима қилишни билмай қолди. Яхши ҳамки Маҳбуба ийманиб ўтирмай ичкари кириб салом берди. Йўқса икки эркак ҳам талмовсираб тураверарди.

— Дарвоқе, партком мени кутиб қолгандир,— Йигитали ака Маҳбуба билан сўрашгач шундай деб чиқиб кетди.

— Ўтирсам майлими?— деди Маҳбуба гапга қовушмай турган Давронга кулиб қараб. Сўнг манзиратни кутмай ўтириб сумкасини ёнига қўйди-да, пальтосининг тугмасини ечди.

— Мендан хафа бўлманг, кутилмаганда оёқ остидан чиқиб қоламан.

— Ундай деманг. Тўғрисини айтсам... кутаётган эдим.

— Тушингизга кирдимми?

— Йўқ... Нима учундир кўргим келаётганди.

— Нима учундир?

— Ҳа... Баъзан шундай бўлади.

— Шу ерда ўтираверамизми?

— Истасангиз... Йўқ... Лутфингизни дариғ тутмай биз ғарибнинг кулбасини пойи қадамингиз билан ёруғ этсангиз бошимиз осмонга етарди...

— Дуруст. Бу ерларда бекор юрмай, чиройли сўзлашни ўрганибсиз. Бундай чучмал таклиф ёқмаса ҳам «лутфимни дариғ тутмайман».

— Сизга тушуниш қийин. Ўзи сизга нима ёқади-а?

— Кўп нарса эмас. Кетдикми? Раисни ишдан қўймайлик.

Даврон раисни қўшни хонадан топиб кетишаётганини, Маҳбубанинг ким эканини қисқа қилиб айтди-да, ташқарига чиқди. Икковлари қорли сўқмоқдан юриб кетдилар. Даврон ёлғиз ўғли шаҳарга кўчиб кетган бир кампирникида яшаётган эди. Кампир уйида камдан-кам бўлар, кўп вақти шаҳарда, ўғлиникида ўтарди. Қиш чилласи бошлангандан бери қишлоққа қадам қўйгани йўқ. Маҳбуба бундан, албатта бехабар эди. Кўча эшигининг қулфлоғлик эканидан ажабланди. Аммо буни Давронга сездирмади.

Уй ичи иссиқ, саранжом-сариштa эди. Даврон етим ўсгани учун ёшлигида кўп ишни ўзи бажаришга кўниккан эди. Онаси даладан ҳориб қайтган кезлари уй юмушларини ўзи қиларди.

Даврон кира солиб ошга уннади. Маҳбуба енгини шимариб унга кўмаклашди.

— Д'Артанян қалай, яхши юрибдими?— деб сўради Даврон пиёз тўғраб туриб.

— Ҳа, анча эси кириб қолди. Д'Артанянни унутиб ҳам қўйди.

— Унутгани ёмонми?

Маҳбуба елка қисиб бир оз жим қолди.

— Ким билади, балки яхшидир. Ҳақиқий ҳаёт билан орзунинг мутаносиб эмаслигини вақтида англагани дуруст. Бўлмаса умрининг охиригача адашиб юради.

— Унда нимага ачиняпсиз? Ўзингиз шундай бўлишини истардингиз-ку?

— Ҳа... лекин... боланинг сурур билан эрта хайрлашиши ҳам тўғри эмас, шекилли.

— Энди «д'Артанян келмайди» деганингизга афсусланяпсизми?

Маҳбуба Давронга ялт этиб қаради. У коса тагида ним коса борлигини фаҳмлади. Шунинг учун ўзини эшитмаганга солди. Даврон саволни бошқа қайтармади. Шундан сўнг ош пишиб, еб бўлгунларича ҳам гаплари унча қовушмади. Бирига бирининг сўзи илмоқлидай бўлиб туюлаверди.

— Шаҳарга қачон қайтасиз?— деб сўради Маҳбуба чой ичиб ўтиришган пайтда.

— Қайтиб нима қиламан?— деди Даврон пиёлани қўйиб. У шундай саволни олдиндан кутган, тайин жавоб ҳам тайёрлаб қўйган эди.

— Ҳар ҳолда... эгилган бошни қилич кесмайди.

— «Агар бош ҳақиқат олдида эгилса», десангиз тўғрироқ бўларди.

— Балки сиз уни тўғри тушунмагандирсиз?

— Нима, мен ёш боламанми?

— Унинг асл мақсади ўзингизга ҳам қоронғи-ку?

— Тўғри, қоронғи. Аммо энг муҳим бир нарсани аниқ биламан.

— Нимани?

— Унинг аблаҳ эканини.

— Исбот?

— Менинг бу ерда юрганим камми?

— Албатта.

— Сизга тушуна олмаяпман. Сиз ўша аблаҳнинг адвокати эмасмисиз?

— Биз дўстона суҳбатлашяпмиз, шекилли? Нимага асабийлашяпсиз?

— Кечиринг, Маҳбубахон, ўша эсимга тушса ўзимни тута олмай қоляпман.

— Бўлмаса бу ҳақда гаплашмаймиз.

Суҳбат бошқа мавзуга кўчгани билан гап айланиб Давроннинг ишга қайтиши масаласига тақалаверди. Раис оқшомда кириб ўтаман, деган эди. Аксига олиб дараги йўқ. Тезроқ келса, Даврон ўзига хос бу «суд жараёнидан» қутулар эди. Йигитали ака қоронғи тушганда ҳам келмади. Маҳбуба оғзини тўсиб, эснағини бир-икки қайтарди.

— Чарчабсиз, дам олинг,— деди Даврон ўрнидан қўзғалиб.

— Сиз-чи?

— Мен... қишлоққа мусофир бўлсам ҳам яқинларим кўп.

— Шу ер-чи? Уйлари кўп экан-ку? Яна хоҳишингиз...

— Қишлоқда гап-сўз бўлармикин...

Маҳбуба индамади. Даврон бир оз ўйланиб тургач, «Яхши ётиб туринг», деб чиқиб кетди.

Биринчи соатда дарси бор эди. Шунинг учун эрталаб барвақт келди. Маҳбуба йўлга отланиб турган эди. Чой ичишга ҳам унамай йўлга чиқди.

— Шаҳарга қайтмаслигингиз аниқми?— деди у хайрлашаётиб.

— Ҳа.

— Агар қишлоққа келсам, менбоп иш топилармикин?

Даврон гарангсиб қолди.

— Чиндanми?

— Хат-пат ёзиб юборарсиз, хайр.

Даврон шундагина Маҳбубанинг ҳазиллашмаётгани-

ни фаҳмлади. Фаҳмлади-ю, бировникига бориб ётганидан афсусланди.

* * *

Йигитали ака кеч кузакдаги улоқда ҳам ниятига ета олмади: оти панд берди. Аввалига пишқириб бинойи чопаётган эди. Пакка билан марранинг қоқ ўртасида бирдан оқсай бошлади. Нима бўлганини раис билолмай қолди. Аламини, йўқ, аламини эмас, орзуси синган одамнинг дардини ичига ютган Йигитали ака вақт топди дегунча оти атрофида парвона бўлаверди. Бундай пайтда Хосият хола бир-икки аччиқ гап билан бураб олса ҳам, отхонага кириб қорабайирнинг тагини тозалар, ем солар, сувидан дам-бадам хабар олиб турарди. Хосият хола: «Бу улоқ жиннисига гапирдим нима-ю, деворга гапирдим нима? Қайси замонда, қайси элда раис улоқ чопган экан?» деб ўзича куюниб юраверди. Йигитали ака улоқни чиндан ҳам ташламоқчи эди. Йўқ, у раис бўла туриб улоқ чопишдан сира истиҳола қилмасди. Зеро, раиснинг улоққа кўнгил қўйиши мутлақо айб эмас. Фақат у улоқни ёшларга топширсам, деган ниятда юрган эди. Афсус... Шогирдининг ноқобил чиққани, қалбини нечоғли куйдирса ҳам, тушкунликка берилмади. Чунки чор-атрофда мард йигитлар кўп. Табиатнинг қонунимикин ё бошқа сабабми, ҳар ҳолда даврларда биттадан ғирром учрайди. Йигитали аканинг баҳорни интиқлик билан кутишига яна бир сабаб — улоқ. Ерга чигит қадаш арафасида колхоз катта тўй қилади. Улоқсиз тўй — тўй эканми?!

Йўловчи узоқ масофани босиб ўтиб манзилга етай деганда тойиб пешонасини ғурра қилса қанчалик афсус чекади. Йигитали ака ҳам шундай бўлди. Кунлар исиб, ернинг нами бир қадар тортилиб чигит экишга тахт этилгач, колхозда тўй бошланди. Йигитали ака отни энди эгарлаб турганида котиба қиз телефон қилиб райкомга тезда етиб бориши зарурлигини айтди. Раис

эгар-жабдуқни йиғиштириб асабий бир ҳолда жўнаб кетди. Йигитали аканинг шошилинч райкомга кетганини билиб улоқни бошламай туришди. Раис райкомда узоқ ушланмади — пешинда қайтди. Аммо отини эгарлаб чиқмади. Солимчи бўлишга ҳам кўнмади. Кайфияти бузилганини ён-атрофдагилар сезди. Бир-икки киши «тинчликми?» деб сўраганда раис қўл силтаб қўя қолди. Шундан сўнг унга ҳеч ким гап қотмади. Даврон ҳам раисга қараб-қараб қўйди-ю, бирон нима дейишга ботинмади. Улоқ тамом бўлиб, тўй тарқагач, раис Давронни ёнига чақирди.

— Эшикка юринг, гап бор,— деб уйга бошлади. Унинг улоқ чопмаганидан хотини ҳам ҳайрон эди. Лекин эрининг авзойи бузуқ эканини кўриб индамади.

Раис лўлаболишга суяниб гапни нимадан бошлашни билмай турганда, Давроннинг ўзи жонига ора кирди.

— Тинчликми, Йигитали ака?

— Тинчлик эмас-да... Раҳбарингиз райкомга хат юборибди.

— Мени булғаб ёзишибдими?

— Йўқ... Сал бўлмаса мени жиноятчига чиқариб қўйишибди. Бу гап кузакда бошланган эди. Милицияга чақириб огоҳлантиришган эди. Мен кайфиятингизни бузмай деб, индамасдан қўя қолгандим. Энди иш жиддийлашибди. Нима қилишга ҳайронман. Икки ўт орасида иложсизман. Сизга қанчалик қайишишимни биласиз.

Даврон пиёланинг четидаги зар ҳошияга тикилганича бошини хам қилиб индамай ўтираверди.

— Нимага жимиб қолдингиз, бирон нима десангиз-чи?

— Масала ҳал этилибди, Йигитали ака. Мен ишнинг шунга бориб тақалашини билар эдим. Аммо бунчалик тез бўлар, деб ўйламовдим... Отамдан кўрмаган яхшиликни сиздан кўрдим.

— Бе, бу гапларни қўйинг.

— Юракда борини айтяпман. Яхшилик қилиб дарёга сол, деган эканлар. Агар яхшилигингизни қайтарсам...

— Менга қаранг, шу топда хайрлашмоқчимисиз? Келинг, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик.

Ҳар икки суҳбатдошнинг дили хуфтон бўлиб турганда гапига гап қовушар эканми? Бундай пайтда вақт секин ўтаётгандай, қоронғилик чор-атрофни тонгга қадар эмас, абадий қамраб олгандай туюлади. Уларда чарчаганликни баҳона қилиб ётишдан бўлак чора қолмади.

* *

Давроннинг кетишига йўл қўйишмади. Ўқув йили тугагунча қолишга мажбур бўлди. Даврон бу зайлда ишни давом эттира олмаслигини англагач, институтга қайтишга, керак бўлса академия раҳбарларига учрашишга, курашдан бўйин товламай, фикрини, фаразларининг тўғрилигини исботлашга аҳд қилди. Маҳбуба кетар маҳали қишлоққа келиш истагини маълум қилган эди. Яна қарори қатъийлашмасин, деб «шаҳарга қайтмоқчиман», деган мазмунда хат юборди. Орадан тўрт кун ўтмай «Хайрият д'Артанян бор экан», деган телеграмма олди. Маҳбуба бу телеграммаси билан унга қўш қанот бахш этди. У энди кунларнинг тезроқ ўтишига орзуманд эди. Кунлар эса аксига олгандай имиллаб ўтарди. Имтиҳонларга тайёргарлик қизиган чоғда Ниёз бошчилигидаги экспедициянинг иш бошлаганини эшитиб ҳайратдан донг қотди. «Ниёз бошчилигида! Экспедиция келишига амин эдим, аммо бу олифтанинг раҳбар бўлиши тушимга ҳам кирмабди,— деб ўйлади у.— Ниёз нима учун бу ишга қўл урди? Тўғрироғи, нима учун тоға жиянини бу ишга жалб этди? Кечагина умидсиз, келажаксиз иш, деб икки оёқни бир этикка тиқаётган эди-ку? Демак, доцент Бекмирзаевнинг тахминларига ўзи ҳам ишонар экан-да?!»

Даврон калаванинг учини топгандай бўлиб бениҳоя бўғилди. Шу заҳоти бориб Ниёзнинг ёқасидан олмоқчи, институтга хат ҳам ёзиб юбормоқчи бўлди. Кейин ҳар бир ҳаракатининг шуҳратпарастликка йўйилажагини англаб, «Шуларнинг олдида паст келаманми», деб ўзини босди. Қазилаётган ерларга яқин бормасликка аҳд қилди. Аммо қарорида тура олмади. Ҳафта ўтмай, беихтиёр «Ниёз раҳбарлигида» ишлаётган археологлар томонга қараб кетди.

Пастда ивирсиб юрган беш-олти одам орасида Ниёз кўринмади. Ярим яланғоч бўлиб олган йигитларнинг иккитаси сигарет тутатиб гурунг қилар, қолганлари ҳафсаласизлик билан ер қиртишларди. Даврон уларнинг ҳаракатини кўриб ғижинди. Чодир томонга йўналди. Ниёз чодирнинг соя томонидаги йирма каравотда ухлаб ётган эди. Даврон унга бир оз қараб турди-да, орқасига қайтмоқчи бўлди. Шу топда Ниёз кўзини очди. Аввал ҳайрон бўлгандай кўзларини пирпиратди. Кейин ирғиб ўрнидан турди-да, қучоқ очиб бориб Даврон билан кўришди.

— Қайси шамол учирди? Дом-дараксиз кетдинг-ку? Шунақа ҳам бўладими? Уйингга уч тўрт бордим. Эшигинг тақа-тақ берк.

— Буни қара-я, анча уринибсан-да, а?

— Хафа бўлишингни билардим. Лекин менда айб йўқ. Ростдан ҳам сени ишга чақириб бу ерга юборишмоқчи эди. Лекин ноиложликдан... Бунақа ишларга тоқатим йўқлигини биласан-ку...

— Мени чиндан қидирдиларингми?

— Ие, сени алдаган ерим бормиди?

— Мана, мен топилдим.

— Айни муддао!

— Энди нима қиламиз?

— Тушунмадим?

— Жойингни бўшатиб бер.

— Ҳазиллашяпсанми?

— Йўқ.

— Марҳамат... Мен жон-жон дейман... Лекин...

— Унда экспедициянгга оддий ишчи қилиб ола қол.

— Қўйсанг-чи, сени жиззаки деб юрсам, ҳазилни ҳам билар экансан-а?

— Ҳазиллашаётганим йўқ.

— Чинданми... Бари бир иложим йўқ. Экспедиция асосан амалиётчи талабалардан ташкил топган. Ёлланма ишчилар учун маблағ ажратилмаган.

— Мана бу ўғилбола гап бўлди! Йўқ гапларни ямаб-чатиб чайналмай, тўғриликча салом-алик қилавермайсанми? Ҳа... иш сўраб келди, деб ўйладингми? Йўқ, мен тиз чўкадиган тоифадан эмасман. Гўл ҳам эмасман. Найранг нима, самимият нималигини ажрата оламан, шуни унутма.

— Биз сира дўстлаша олмас эканмиз.

— Дўстлашиш учун покиза ният керак. Сенда ният тугул, покиза бирон нарса ҳам йўқ.

— Ҳаддингдан ошма, индамас экан, деб... Тилингни қисқа қилиб қўйишим мумкин.

— Шундан бошқа нарса қўлингдан келмайди. Қани, келган жойингга қараб туёғингни шиқиллатиб қол-чи.

Даврон Ниёзнинг лабларида титроқ пайдо бўлганини кўриб кулди-да, орқасига бурилиб кета бошлади.

— Тўхта,— деди Ниёз унга етиб олиб.— Нимага куляпсан?

— Ўзим, кулгим келди.

— Агар хафа бўлишни истамасанг, иккинчи бу ерга қадам босма.

— Мен бу ерларда сайр қилишга одатланганман. Тарки одат амри маҳол, дейдиган гаплар бор.

Ниёз тишларини бир ғижирлатди-ю, орқасига қайтди. Унинг ғазабланиши Давронга хуш ёқди. Чунки бу одам унча-бунча нарсага асабийлашмайди. Давронни ўзига ғаним деб билади. Чунки унинг бутун умиди, кела-

жаги шу қазилмада. Ниёз мана шу иш билан шараф тожини киймоқчи. Даврон эса (Ниёзнинг назарида) шерикчиликка даъво қиляпти. Улар бегуноҳлик ниқобини танлаганлар, ҳатто экспедицияга ёлланма ишчилар учун маблағ ажратилмабди. Лекин одам ҳамиша ниқобда юра олмайди-ку! Қачондир унинг асл башараси кўринади-ку!

Даврон бу ерга ҳар куни келадиган бўлди. Талабалар доцент Бекмирзаевнинг ҳам, унинг номини ҳам эшитишган эди. Шунинг учун тезда тил топишишди. Ниёз Давронни кўрса тескари қараб ўзини кўрмаганга оларди. Даврон ҳам унга эътибор бермай талабалар билан ишлайверди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Ниёзнинг юраги сиқилиб ҳар хил баҳоналар билан шаҳарга тез-тез туша бошлади. Мактабдаги сўнгги имтиҳон тугаган куни ҳам у шаҳарда эди. Талабалар Ниёз йўқ пайтда Даврон билан ёзилиб ишлашарди. Даврон «раҳбар»нинг йўқлигини уларнинг хушчақчақлигидан сезди. Улар бир оз гурунглашиб турдилар-да, ишга тутиндилар.

Қуёш машриқ белидан ошиб ўтиб, одам лоҳас бўла бошлади. Давроннинг ҳам қўли ишга бормай ётгиси келди. Лекин шу пайт қулоғи шанғиллаб, ҳуштак овози эшитилди-ю, сергак тортди. Кўпдан бери шарпа уни безовта қилмай қўйганди. Аввалари фақат тунда кўзга кўринган эди. Энди кундузи ҳам рўпара бўлмоқчи. Ҳуштак овози шундан далолат. Ҳуштакдан сўнг эшикнинг ғижирлашига ўхшаган овоз эшитиларди. Йўқ, бу сафар ҳуштак тинди-ю, атроф жимиб қолди. Яссибош одам ҳам кўринмади. Даврон ҳайрон қолиб бу сирли овозларнинг такрорланишини кутди. Овозлар қайтарилмади. Шундан сўнг у кичкина куракчани қўлга олиб ишни давом эттирди. Қавлаган тупроғи бир замбил бўлганда қулоғи яна шанғиллади. Ҳуштак чалинди. Кейин эшикнинг ғижирлашига ўхшаган овоз... Даврон ён-атрофига аланглади, жимжитлик. Қуёш чарақлаб

турибди. Шарпа йўқ. Сирли овозлар ҳам тинган. У яна ишга тутинди. Куракчани учинчи карра ерга ботирганда қаттиқ нарсага тегди. Даврон тупроқни эҳтиётлик билан торта бошлади. Қаттиқ нарсани аввалига тош деб ўйлади. Унинг сиртини тозалагач, тилларанг темирни кўриб лол қолди. Дўнглик ортида ишлаётган йигитларни чақириш хаёлига келмай атрофини тупроқдан тозалай бошлади. Темир анча катта эди. Уни батамом очгунча Даврон терга пишди. У дунёдаги барча нарсани унутиб ишларди. Оддий темир эмас, балки тилларанг одам ҳайкали очилгани сайин Даврон тобора шошиларди. У қулоғи шанғиллаганига, ҳуштак чалинганига ҳам, тушлик овқатга таклиф қилгани келиб ҳайрат билан тикилиб турган йигитларга ҳам эътибор бермади. Ҳайкал сирти тупроқдан ҳоли бўлгач у бир неча дақиқа ҳаракатсиз қолди. Ҳуштак овози эшитилиши билан қулоқларини қўллари билан маҳкам беркитди. «Демак, бежиз эмас экан, шарпа мени бекорга таъқиб этмабди!» У ҳайкалга тикилганича тўхтовсиз шундай деб пичирлар, йигитлар эса нима қилишини билмай қараб турардилар. Даврон шу аҳволда узоқ ўтирди. Кўз олдига заиф сайёрада яшовчи уч бармоқли яссибош одамлар келди. Вужуди титради.

Йигитларнинг бири Давронниng қалтирай бошлаганини сезиб унга яқинлашди-да, елкасидан аста ушлади. Даврон чўчиб орқасига қаради. Худди танимаётгандай, энди кўриб тургандай тикилди.

— Топилди...— деди пичирлаб. Сўнг аста ўрнидан турди.

— Топилди!

У шундай деб йигитни маҳкам қучоқлади. Киприкларида қалқиган ёшни тутиб туролмади...

Тушлик қилиш хаёлларидан кўтарилди. Қуёшнинг ўтли нафасини ҳам, ташналикни ҳам унутиб ишладилар. Кечгача тилла рангли ҳайкалларнинг олтитасини

кавлаб олдилар. Ҳайкалларнинг ҳаммаси бир ерда — иккитаси тик, қолган тўрттаси ётиқ ҳолда эди.

Қоронғи тушгач, ишни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Даврон Ниёзнинг келишини кутди. Ундан дарак бўлавермагач, институтга хабар юбориш учун колхоз марказига йўл олди.

ХОТИМА

Донишмандлар маркази портлагач, унетликларнинг фожиага юз тутганликлари аниқ бўлиб қолди. Сайёрада аста-секин ҳаёт сўнди. Орадан йиллар, асрлар ўтди. Сомон йўлидаги бу кичик сайёра асл ҳолига қайта бошлади. Иссиқликдан қувват олиб ишловчи Эрлга узлуксиз тўлқин юбориб турувчи асбобларни ғубор қоплади. Дастлаб сувда, сўнг қуруқликда ҳаракат сезилди. Бу пайтга келиб Ердаги сезгир асбоблар Унетдан узатилган тўлқинларни қабул қилди. Ердан туриб олиб борилган спектрал таҳлил Сомон йўлидаги кичик бир сайёра атмосферасида сув буғи борлигини аниқлади. Орадан кўп ўтмай ерликлар ўз вакилларини Унетга узатдилар.

Бу воқеа Ёзёвонда тилла ҳайкаллар топилганидан анча кейин содир бўлди.

М 22

Малик Тоҳир.

Сомон йўли элчилари. Фантастик қисса.— Т. «Ёш гвардия», 1979. 128 б.

Тит. варақ орқасида (Ўзбек халқ эртакларидан).

Малик Тахир. Посланцы млечного пути. Фантастическая повесть.

ББК 84Уз
Уз

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Вакил	10
Умидсизлик	24
Қалтис ҳазилми	37
Янги авлод	55
Бургага аччиқ қилиб	72
Мерос	92
Улоқ	100
Хотима	125

Ёш фантастик ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Сомон йўли элчилари» асари унинг иккинчи йирик қиссасидир. У сизга айниқса, ўзининг «Фалак» номли фантастик повести билан таниш.

Бу асарда муаллиф ёш археолог Давроннинг қазишма ишлари даврида бошидан ўтказган кечинмалари, мақсад йўлидаги ташқи ва ички курашлар жараёнини қаламга олади.

Даврон қазишма ишлари олиб борганда олтин ҳайкалчалар топади. Бу буюмлар ер куррасида яшовчилар ўзга сайёралардан ташриф буюрган меҳмонлар билан ўтмишда алоқада бўлганми?— деган муаммони ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

На узбекском языке

ТАХИР МАЛИК

ПОСЛАНЦЫ МЛЕЧНОГО ПУТИ
(ФАНТАСТИЧЕСКАЯ ПОВЕСТЬ)

Редактор Шамси Одил
Рассом Т. Шумская
Расмлар редактори Э. Валиев
Техн. редактор Л. Буркина
Корректор С. Сайдалимов

ИБ № 469.

Босмахонага берилди 8/VI-1979 й. Босишга рухсат этилди 22/X-1979 й. Формати 70×108 1/32. № 2 босма қоғозга «Литературная» гарнитурада юқори босма усулида босилди. Босма листи 4,0. Шартли босма листи 5,6. Нашр листи 5,69. Тиражи 60.000 Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 11—79. Р—13715. Заказ № 1153.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26.